

Uzbek: Bible for Genesis

Formatted for Translators

©2022 Wycliffe Associates

Released under a Creative Commons Attribution-ShareAlike 4.0 International License.

Bible Text: The English Unlocked Literal Bible (ULB)

©2017 Wycliffe Associates

Available at <https://bibleineverylanguage.org/translations>

The English Unlocked Literal Bible is based on the unfoldingWord® Literal Text, CC BY-SA 4.0. The original work of the unfoldingWord® Literal Text is available at <https://unfoldingword.bible/ult/>.

The ULB is licensed under the Creative Commons Attribution-ShareAlike 4.0 International License.

Notes: English ULB Translation Notes

©2017 Wycliffe Associates

Available at <https://bibleineverylanguage.org/translations>

The English ULB Translation Notes is based on the unfoldingWord translationNotes, under CC BY-SA 4.0. The original unfoldingWord work is available at <https://unfoldingword.bible/utn>.

The ULB Notes is licensed under the Creative Commons Attribution-ShareAlike 4.0 International License.

To view a copy of the CC BY-SA 4.0 license visit <http://creativecommons.org/licenses/by-sa/4.0/>

Below is a human-readable summary of (and not a substitute for) the license.

You are free to:

Share — copy and redistribute the material in any medium or format. Adapt — remix, transform, and build upon the material for any purpose, even commercially.

The licensor cannot revoke these freedoms as long as you follow the license terms.

Under the following conditions:

Attribution — You must attribute the work as follows: "Original work available at <https://BibleInEveryLanguage.org>."

Attribution statements in derivative works should not in any way suggest that we endorse you or your use of this work.

ShareAlike — If you remix, transform, or build upon the material, you must distribute your contributions under the same license as the original. No additional restrictions — You may not apply legal terms or technological measures that legally restrict others from doing anything the license permits.

Notices:

You do not have to comply with the license for elements of the material in the public domain or where your use is permitted by an applicable exception or limitation.

No warranties are given. The license may not give you all of the permissions necessary for your intended use. For example, other rights such as publicity, privacy, or moral rights may limit how you use the material.



Genesis

1

¹Бошида Худо осмон ва ерни яратди. ²Ер шаклсиз ва бўм-бўш эди. Тубсизлик юзининг устида зулмат эди. Худонинг Руҳи сувлар устида учиб юрар эди. ³Худо: “Ёруғлик бўлсин”, - деди ва ёруғлик бўлди. ⁴Худо ёруғликнинг яхши эканини кўрди ва Худо ёруғликни зулматдан ажратди. ⁵Сўнг Худо ёруғликни кундуз, зулматни эса тун, деб атади. Оқшом бўлди ва эрталаб бўлди – бу биринчи кун эди. ⁶Худо яна: “Сувларнинг ўртасида гумбаз бўлсин ва у сувларни сувлардан ажратиб турсин”, - деди. ⁷Худо гумбазни яратиб, гумбаз остидаги сувни гумбаз устидаги сувдан ажратди ва шундай бўлди. ⁸Худо гумбазни осмон, деб атади. Оқшом бўлди ва эрталаб бўлди – бу иккинчи кун эди. ⁹Худо яна: “Осмон остидаги сувлар бир жойга тўплансин-у, қуруқлик пайдо бўлсин”, - деди ва шундай бўлди. ¹⁰Худо қуруқликни ер, деб атади, сувлар тўпламини эса денгизлар, деб атади. Худо буларнинг яхши эканини кўрди. ¹¹Худо яна: “Ер ўт, ўз турига хос уруғ берадиган ўсимлик ва ўз турига хос уруғи ичида бўлган мева берадиган дарахтни ўстирсин”, - деди ва шундай бўлди. ¹²Ер ўтлар, ўз турига хос уруғ берадиган ўсимликлар ва ўз турига хос уруғи ичида бўлган мева берадиган дарахтларни ўстирди. Худо буларнинг яхши эканини кўрди. ¹³Оқшом бўлди ва эрталаб бўлди – бу учинчи кун эди. ¹⁴Худо яна: “Кундузни тундан ажратиш учун ҳамда аломатлар, фасллар, кунлар ва йилларни белгилаш учун осмон гумбазида ёритқичлар пайдо бўлсин. ¹⁵Улар ер юзини ёритиш учун осмон гумбазида ёритқичлар бўлсин”, - деди ва шундай бўлди. ¹⁶Шундай қилиб, Худо иккита улкан ёритқичлар яратди. У кундузни бошқариш учун улканроқ ёритқич, тунни бошқариш учун эса кичикроқ ёритқични ҳамда юлдузларни яратди. ¹⁷Худо уларни осмоннинг гумбазида ўрнатди, токи улар ер юзини ёритсин ¹⁸ва тун билан кундузни бошқарсин ҳамда ёруғликни қоронғилиқдан ажратиб турсин. Худо буларнинг яхши эканини кўрди. ¹⁹Оқшом бўлди ва эрталаб бўлди – бу тўртинчи кун эди. ²⁰Худо яна: “Сувлар ҳаракатланувчи жониворлар билан тўлиб-тошсин ва қушлар ер устидан осмоннинг гумбазида учсинлар”, - деди. ²¹Шундай қилиб, Худо сувда тўлиб-тошган ҳаракатланувчи жониворлар ва улкан балиқлар, ҳамда қанотли қушларни ўз турига хос яратди. Худо буларнинг яхши эканини кўрди. ²²Худо уларни дуо қилиб: “Серпушт бўлинглар, кўпайинглар ва денгиз сувларини тўлдилинглар. Қушлар ҳам ер юзида кўпайсинлар”, - деди. ²³Оқшом бўлди ва эрталаб бўлди – бу бешинчи кун эди. ²⁴Худо яна: “Ер ўз турига хос жониворларни, чорва, судралувчиларни ҳамда ердаги ўз турига хос ҳайвонларни келтириб чиқарсин”, - деди ва шундай бўлди. ²⁵Шундай қилиб, Худо ердаги ўз турига хос ҳайвонларни, ўз турига хос чорваларни ҳамда ердаги ўз турига хос барча судралувчиларни яратди. Худо буларнинг яхши эканини кўрди. ²⁶Худо яна: “Ўз суратимизга кўра, Ўзимизга ўхшаш қилиб одамни яратайлик. Улар денгиздаги балиқлар, осмондаги қушлар, чорвалар ва ерда судралиб юрадиган барча судралувчилар устидан, бутун ер устидан ҳукмронлик қилсинлар”, - деди. ²⁷Шундай қилиб, Худо одамни Ўз суратида, уни Худонинг суратида яратди. Уларни эркак ва аёл қилиб яратди. ²⁸Худо уларни дуо қилиб, уларга: “Серпушт бўлинглар ва кўпайинглар. Ер юзини тўлдириб, уни бўйсундилинглар. Денгиздаги балиқлар, осмондаги қушлар ҳамда ер юзида ҳаракатланувчи барча ҳайвонлар устидан ҳукмронлик қилинглар”, - деди. ²⁹Сўнг Худо: “Мана, Мен сизларга бутун ер юзидаги уруғ берадиган ҳамма ўсимликларни ва меваси уруғ берадиган ҳамма дарахтларни бердим. Булар сизларга озуқа бўлади. ³⁰Ер юзидаги барча ҳайвонларга, осмондаги барча қушларга ҳамда ер юзида судралиб юрувчиларга эса озуқа учун ҳамма кўкатларни бердим”, - деди ва шундай бўлди. ³¹Худо Ўзи яратган ҳамма нарсани кўрди-да, мана, булар жуда яхши эди. Оқшом бўлди ва эрталаб бўлди – бу олтинчи кун эди.

2

¹Шу тарзда осмон, ер ва уларнинг қўшинларини яратиш тугалланди. ²Худо Ўз қилган ишларини еттинчи куни тугаллаб, барча қилган ишларидан еттинчи кунда дам олди. ³Шунда Худо еттинчи кунни дуо қилиб, уни муқаддаслади, чунки Худо ушбу кунда Ўзининг барча яратган ва бажарган ишларидан дам олди. ⁴Мана бу – яратилиш вақтида бўлган осмон ва ернинг келиб чиқишидир. Раббий Худо еру осмонни яратган пайтда ⁵даладаги бирон ўсимлик, даладаги бирон ўт ҳали ўсмаган эди, чунки Раббий Худо ҳали ер юзига ёмғир ёғдирмаган эди ва ерга ишлов бериш учун одам йўқ эди. ⁶Лекин ердан буг кўтарилиб, бутун ер юзини сўғориб турар эди. ⁷Сўнгра Раббий Худо ернинг тупроғидан одамни яратиб, унинг димоғига ҳаёт нафасини пуфлади ва одам тирик жон бўлди. ⁸Раббий Худо Эденда, шарқ томонда бог ўтқазди ва Ўзи яратган одамни ўша ерда жойлаштирди. ⁹Раббий Худо ердан кўзга ёқимли ва емоққа яхши бўлган ҳар хил дарахтларни ўстирди. Богнинг ўртасида эса ҳаёт дарахтини ва яхшилик билан ёмонликни билиш дарахтини қўйди. ¹⁰Богни сўғориш учун Эдендан дарё оқиб чиқар, сўнг тўрт ирмоққа бўлинар эди. ¹¹Биринчисининг номи Пишўндир. У олтини бор бўлган бутун Хавилаҳ ерини айланиб оқади. ¹²Бу ернинг олтини яхшидир. У ерда хушбўй қатрон ва ақиқ тоши бор. ¹³Иккинчи дарёнинг номи Гихўндир. У бутун Куш ерини айланиб оқади. ¹⁴Учинчи дарёнинг номи Хидкеқелдир. У Ашурнинг шарқ томонига қараб оқади. Тўртинчи дарё эса Фуротдир. ¹⁵Раббий Худо инсонни олиб, Эден боғига ишлов бериш ва уни қўриқлаш учун уни ушбу ерга жойлаштирди. ¹⁶Раббий Худо инсонга шундай амр берди: “Богнинг ҳар бир дарахтидан бемалол еявергин. ¹⁷Фақат яхшилик ва ёмонликни билиш дарахтидан емагин. Чунки ундан еган кунийёқ аниқ ўласан.” ¹⁸Кейин Раббий Худо: “Одамнинг ёлғиз бўлиши яхши

эмас, унга муносиб ёрдамчи яратаман”,- деди. ¹⁹Раббий Худо тупроқдан барча даладаги ҳайвонларни, барча осмондаги қушларни ясаб, одам уларга қандай ном беришини кўриш учун унинг олдига олиб келди. Одам ҳар бир тирик жонни қандай атаса, унинг номи шундай бўлди. ²⁰Одам барча чорваларга, барча осмондаги қушларга ва барча даладаги ҳайвонларга ном берди, лекин одамга муносиб ёрдамчи топилмади. ²¹Шунда Раббий Худо одамни қаттиқ уйқуга солди. У ухлаб қолгач, унинг қовурғаларидан биттасини олиб, ўрнини эт билан қоплади. ²²Раббий Худо одамдан олган қовурғадан хотинни яратди ва уни одамнинг олдига олиб келди. ²³Одам эса: “Бу – менинг суякларимдан суяк ва менинг этимдан этдир. У хотин, деб аталади, чунки эрдан олинган”,- деди. ²⁴Шунинг учун эркак ўз ота-онасини қолдириб, ўз хотинига ёпишади ва улар бир тан бўладилар. ²⁵Одам билан хотини иккаловлари ҳам яланғоч эдилар, аммо уялмас эдилар.

3

¹Раббий Худо яратган барча даладаги ҳайвонлар орасида илон энг айёри эди. Илон хотинга: “Ростдан ҳам Худо: «Боғдаги ҳеч бир дарахтдан еманглар», деб айтдимиз?”- деди. ²Хотин эса илонга деди: “Боғдаги дарахтларнинг мевасидан ея оламиз-у, ³Худо: «Сизлар ўлмаслигингиз учун фақат боғнинг ўртасидаги дарахтнинг мевасидан еманглар ҳам, унга тегманглар ҳам», деди”. ⁴Илон эса хотинга деди: “Йўқ, аниқ ўлмайсизлар! ⁵Чунки Худо биладик, ундан еган кунёқ кўзларингиз очилади, шунда сизлар худолар каби яхшилик ва ёмонликни биладиган бўласизлар”. ⁶Хотин эса дарахтнинг озиққа яхши, кўзга ёқимли ва донолик бериши учун иштиёқли эканини кўриб, унинг мевасидан олиб еди. Кейин эрига ҳам берди, у ҳам еди. ⁷Шунда иккаловларининг кўзлари очилиб, яланғоч эканларини пайқадилар ва анжир барглари бир-бирига тикиб, ўзларига белбоғлар ясадилар. ⁸Сўнг улар куннинг салқинида боғда юрган Раббий Худонинг овозини эшитдилар. Шунда одам ва унинг хотини Раббийнинг юзидан қочиб, боғдаги дарахтларнинг орасида яшириндилар. ⁹Раббий Худо эса одамни чақириб унга: “Қаердасан?”- деди. ¹⁰У эса: “Мен боғда овозингизни эшитиб кўрқдим, чунки мен яланғочман. Шунинг учун яшириндим”,- деди. ¹¹Худо: “Яланғоч эканингизни сенга ким айтди? Мен сенга: «Ема», деб буюрган дарахтнинг мевасидан едингми?”- деб сўради ундан. ¹²Одам: “Сен менга берган хотин шу дарахтнинг мевасидан менга берди, мен эса едим”,- деди. ¹³Раббий Худо хотинга: “Бу нима қилганинг?”- деди. Хотин эса: “Илон мени авради ва мен едим”,- деди. ¹⁴Шунда Раббий Худо илонга деди: “Сен шундай қилганинг учун ҳамма чорвалар ва барча даладаги ҳайвонлар орасида лаънатисан. Сен қорнинг билан юрасан ва умринг бўйи тупроқ ейсан. ¹⁵Сен билан хотин орасига, сенинг уруғинг билан унинг уруғи орасига душманлик соламан. У сенинг бошингизни шикастлайди, сен эса унинг товонини чақасан”. ¹⁶Хотинга эса: “Сенинг ҳомиладорлигингизда азобларингизни ўта кўпайтираман. Фарзандларингизни азобда туғасан. Иштиёғинг эрингга бўлади, у эса сенинг устингдан ҳукмронлик қилади”,- деди. ¹⁷Одамга эса деди: “Сен хотинингизнинг сўзига қулоқ солганинг учун, Мен сенга: «Ема», деб буюрган дарахтдан еганинг учун ер юзи сен туфайли лаънатланди. Бутун умринг бўйи ундан азобланиб озиқланасан. ¹⁸Ер сенга тикану янтоқ ўстиради, сен эса дала ўтлари билан озиқланасан. ¹⁹Сен ўзинг олинган ерга қайттунингча пешона теринг билан нон ейсан, чунки тупроқдирсан ва тупроққа қайтасан”. ²⁰Одам ўз хотинининг исмини Ҳавва (“Ҳаёт берадиган”) қўйди, чунки у ҳамма яшовчиларнинг онаси бўлди. ²¹Раббий Худо одамга ва унинг хотинига теридан кийим ясаб, уларни кийинтирди. ²²Сўнгра Раббий Худо: “Мана, одам яхшилик ва ёмонликни билиб, Бизнинг биримиздек бўлди. Энди қўлини чўзиб, ҳаёт дарахтининг мевасидан ҳам ололмасин ва уни еб, абадий яшай ҳам ололмасин!”- деди. ²³Шундай қилиб, Раббий Худо, одамни ўзи олинган ерга ишлов бериши учун Эден боғидан чиқариб юборди. ²⁴У одамни ҳайдаб юборгач, ҳаёт дарахтига борадиган йўлни қўриқлаш учун Эден боғининг шарқ томонига керубни ва айланадиган алангали қилични қўйди.

4

¹Одам-Ато ўз хотини Ҳаввани таниб-билгач, у ҳомиладор бўлиб Қаънни туғди. Шунда у: “Раббийдан одамга эга бўлдим”,- деди. ²Сўнгра унинг укаси Ҳобилни туғди. Ҳобил қўйларга чўпон, Қаън эса ер ишловчи эди. ³Бир қанча вақт ўтганидан сўнг, Қаън ернинг ҳосилларидан Раббийга бағишлов келтирди. ⁴Ҳобил ҳам қўйларининг тўнғичларидан ва уларнинг думбасидан қурбонлик келтирди. Раббий Ҳобилга ва унинг қурбонлигига назар ташлади, ⁵лекин Қаънга ва унинг бағишловига назар ташламади. Қаън эса ўта ғазабланди, унинг юзи тундлашди. ⁶Раббий эса Қаънга деди: “Нега ғазабланидинг? Нега юзинг тундлашди?” ⁷Агар яхшилик қилсанг, бошингизни кўтариб юрмайсанми? Агар яхшилик қилмасанг, гуноҳ эшик ёнида ётибди ва сени ўзига жалб қилади, лекин сен унинг устидан ҳукмронлик қил!” ⁸Қаън укаси Ҳобил билан суҳбатлашди. Улар далада бўлганларида, Қаън укаси Ҳобилга қарши чиқиб, уни ўлдирди. ⁹Раббий Қаъндан: “Уканг Ҳобил қани?”- деб сўради. “Билмайман,- деди Қаън,- мен укамга қўриқчиманми?” ¹⁰Раббий эса деди: “Сен нима қилиб қўйдинг? Уканг қонининг овози Менга ердан фарёд қилмоқда. ¹¹Энди сенинг қўлинг билан туққан укангнинг қонини қабул қилиш учун оғзини очган ердан сен лаънатландинг. ¹²Ерга ишлов берганингда, у сен учун ўз қувватини бошқа бермайди. Сен ер юзида қувғин ва дайди бўласан”. ¹³Қаън эса Раббийга деди: “Менинг жазойим кўтара оладиганимдан ҳам улкандир. ¹⁴Энди Сен мени ер юзидан қувяпсан, мен Сенинг юзингдан ҳам яширинаман. Шундай қилиб, ер юзида қувғин ва дайди бўламан. Учраган ҳар кимса мени ўлдиради”. ¹⁵Раббий унга: “Агар ким Қаънни ўлдирса, ундан етти карра ўч олинади”,- деди. Сўнг Раббий учраган кимса Қаънни ўлдирмаслиги учун унга белги қўйди. ¹⁶Шу тариқа, Қаън Раббийнинг ҳузуридан кетиб, Эденнинг шарқ томонидаги Нўд ерида

жойлашди.¹⁷ Қаън хотинини таниб-билди, у ҳомиладор бўлиб Энҳуни туғди. Сўнг Қаън шаҳар қурди ва шаҳарнинг номини ўғлининг исми билан Энҳу, деб атади.¹⁸ Энҳудан Ирад туғилди, Ираддан Мехиёэл туғилди, Мехиёэлдан Метушоил туғилди, Метушоилдан Ламех туғилди.¹⁹ Ламех иккита хотин олди: бирининг исми Адаҳ, бошқасинининг исми Тсилла эди.²⁰ Адаҳ Ёболни туғди. Ёбол подага эга бўлган, чодирда яшовчиларнинг отаси эди.²¹ Унинг укасининг исми Юбол эди. У қўбиз ва най чалувчиларнинг отаси эди.²² Тсилла Тубал-Қаънни туғди. У мис ва темирдан барча қуролларни ясовчи эди. Тубал-Қаъннинг синглиси Наамаҳ эди.²³ Ламех ўз хотинларига деди: “Эй, Адаҳ ва Тсилла, менинг овозимга қулоқ солинглар. Эй, Ламех хотинлари, сўзларимга диққат қилинглар! Мен ўз ярамга эркакни ҳалок қилдим, ўз зиёнимга ўсмирни ўлдирдим.”²⁴ Агар Қаън учун етти карра ўч олинса, Ламех учун етмиш карра етти марта ўч олинади!”²⁵ Одам-Ато ўз хотинини яна таниб-билди. Шунда Ҳавва ўғил туғиб, унинг исмини Шит (“Солган”) қўйди, чунки: “Қаън ўлдирган Ҳобилнинг ўрнига Худо менга бошқа уруғ солди”, - деди у.²⁶ Шитдан ҳам ўғил туғилди. Шит унинг исмини Энўш қўйди. Шу вақтдан бошлаб одамлар Раббийнинг номини чақира бошладилар.

5

¹Мана бу – Одам-Атонинг насабномаси: Худо одамни яратган кунда, уни Худога ўхшаш қилиб яратди.²У уларни эркак ва хотин қилиб яратди. Уларни яратган кунда дуо қилиб, Одам, деб атади.³Одам-Ато бир юз ўттиз ёшга кирганида, ўзига ўхшаш, ўзининг суратида ўғил дунёга келтирди. Унинг исмини Шит қўйди.⁴Шит туғилганидан сўнг Одам-Атонинг яшаган кунлари саккиз юз йил эди. Ундан яна ўғиллару қизлар туғилди.⁵Одам-Ато ҳаётининг кунлари тўққиз юз ўттиз йил эди, сўнг у ўлди.⁶Шитдан эса бир юз беш ёшида Энўш туғилди.⁷Энўш туғилганидан сўнг Шит саккиз юз етти йил яшади ва ундан яна ўғиллару қизлар туғилди.⁸Шитнинг барча кунлари тўққиз юз ўн икки йил эди, сўнг у ўлди.⁹Энўш тўқсон йил яшади ва ундан Қенан туғилди.¹⁰Қенан туғилганидан сўнг Энўш саккиз юз ўн беш йил яшади ва ундан яна ўғиллару қизлар туғилди.¹¹Энўшнинг барча кунлари тўққиз юз беш йил эди, сўнг у ўлди.¹²Қенандан эса етмиш ёшида Махалалил туғилди.¹³Махалалил туғилганидан сўнг Қенан саккиз юз қирқ йил яшади ва ундан яна ўғиллару қизлар туғилди.¹⁴Қенаннинг барча кунлари тўққиз юз ўн йил эди, сўнг у ўлди.¹⁵Махалалилдан эса олтмиш беш ёшида Йоред туғилди.¹⁶Йоред туғилганидан сўнг Махалалил саккиз юз ўттиз йил яшади ва ундан яна ўғиллару қизлар туғилди.¹⁷Махалалилнинг барча кунлари саккиз юз тўқсон беш йил эди, сўнг у ўлди.¹⁸Йореддан эса бир юз олтмиш икки ёшида Энҳу туғилди.¹⁹Энҳу туғилганидан сўнг Йоред саккиз юз йил яшади ва ундан яна ўғиллару қизлар туғилди.²⁰Йореднинг барча кунлари тўққиз юз олтмиш икки йил эди, сўнг у ўлди.²¹Энҳудан эса олтмиш беш ёшида Метушелаҳ туғилди.²²Метушелаҳ туғилганидан сўнг Энҳу уч юз йил давомида Худо билан бирга юрар эди. Ундан яна ўғиллару қизлар туғилди.²³Энҳунинг барча кунлари уч юз олтмиш беш йил эди.²⁴У Худо билан бирга юриб, тўсатдан йўқ бўлиб қолди, чунки Худо уни олиб кетди.²⁵Метушелаҳдан эса бир юз саксон етти ёшида Ламех туғилди.²⁶Ламех туғилганидан сўнг Метушелаҳ етти юз саксон икки йил яшади ва ундан яна ўғиллару қизлар туғилди.²⁷Метушелаҳнинг барча кунлари тўққиз юз олтмиш тўққиз йил эди, сўнг у ўлди.²⁸Ламехдан эса бир юз саксон икки ёшида ўғил туғилди.²⁹У: “Раббий лаънатлаган ерга ишлов беришимизда ва қўлларимиз меҳнатда у бизга тасалли беради”, - деб ўғлининг исмини Нуҳ (“Ором”) қўйди.³⁰Нуҳ туғилганидан сўнг Ламех беш юз тўқсон беш йил яшади ва ундан яна ўғиллару қизлар туғилди.³¹Ламехнинг барча кунлари етти юз етмиш етти йил эди, сўнг у ўлди.³²Нуҳдан эса беш юз ёшида Шем, Хаум ва Ёафет исмли ўғиллар туғилди.

6

¹Ер юзида одамлар кўпая бориб, уларда қизлар туғила бошлаганида,²Худонинг ўғиллари инсон қизларининг гўзал эканликларини кўриб, танлаганларини хотинликка ола бошладилар.³Шунда Раббий: “Менинг Руҳим одамлар билан абадий баҳслашишда бўлмайди, чунки улар танадирлар. Шунинг учун уларнинг кунлари бир юз йигирма йил бўлсин”, - деди.⁴Ўша вақтларда, айниқса, Худонинг ўғиллари инсон қизларига кирган ва қизлар уларга болалар туға бошлаган пайтдан сўнг ер юзида улкан паҳлавонлар бўлган эди. Бу полвонлар – қадимдан донгдор одамлар эдилар.⁵Худо, ер юзида одамларнинг бузуқлиги буюк эканини ва уларнинг юрагидаги ҳамма ўй-фикрлари доимо фақат ёмонлик эканини кўрди.⁶Раббий ерда инсонни яратганидан афсусланиб, юрагида қайғурди.⁷Шунда Раббий деди: “Ўзим яратган инсонларни ер юзидан қириб ташлайман. Инсондан тортиб чорвагача, судралиб юрувчилар ва осмондаги қушларгача қириб ташлайман, чунки уларни яратганимдан афсусдаман”.⁸Бироқ Нуҳ Раббийнинг нигоҳида илтифот топди.⁹Мана бу Нуҳнинг насабномаси: Нуҳ ўз авлодида ҳақ ва бенуқсон одам бўлиб, Худонинг қаршисида юрар эди.¹⁰Нуҳдан Шем, Хаум ва Ёафет исмли учта ўғил туғилди.¹¹Ер эса Худонинг кўз ўнгида бузилиб борар эди, бор замин зўравонликка тўлган эди.¹²Худо ер юзига назар ташлади – мана, у бузилган эди, чунки ердаги ҳар бир башар ўз йўлини бузган эди.¹³Шунда Худо Нуҳга деди: “Менинг кўз олдимда ҳар бир вужуднинг охирати келди, чунки ер улардан зўравонликка тўлди. Энди Мен уларни ер юзидан қириб ташлайман.”¹⁴Сен шамшод дарахтидан кема яса, кеманинг ичида хоналар қил ва кемага ичкаридан ҳамда ташқаридан қатрон суртгин.¹⁵Уни шундай яса: кеманинг узунлиги уч юз тирсак, кенлиги эллик тирсак, баландлиги эса ўттиз тирсак бўлсин.¹⁶Кемада туйнук ясаб, уни кеманинг тепасида бир тирсак қилиб тугат. Кеманинг эшигини унинг ён томонидан қил. Кемани пастки, иккинчи ва учинчи қаватли қилиб қур.¹⁷Мана, Мен осмон остидаги ҳаёт нафасига эга бўлган ҳар бир вужудни ҳалок қилиш учун ер юзига

сув тошқинини юбораман. Ердаги бор мавжудот ҳалок бўлади.¹⁸ Аммо сен билан аҳд тузаман. Шунда сен билан бирга ўғилларинг, хотининг, ўғилларингнинг хотинлари кемага кирасизлар.¹⁹ Шунингдек, тирик қолишлари учун ўзинг билан бирга ҳамма жонзоддан, ҳар бир вужуддан кемага бир жуфтдан олиб киргин. Улардан бири эркак, бири урғочи бўлсин.²⁰ Ўз турига кўра қушлардан, ўз турига кўра чорвалардан, ўз турига кўра судралиб юрувчилардан – ҳаммасидан бир жуфтдан тирик қолишлари учун сенинг ёнингда кирсин.²¹ Сен ўзинг билан егуликка ҳар хил овқатдан олиб, уларни ғамла. У сенга ва уларга озиқ бўлади”.²² Нух худди шундай қилди. У ҳаммасини Худо буюрганидек бажарди.

7

¹Раббий Нухга деди: “Сен бутун хонадонинг билан кемага киринглар. Чунки Менинг кўз ўнгимда бу авлодда сен ҳақ одам эканингни кўрдим.² Ҳар бир ҳалол ҳайвондан – унинг эркаги ва урғочисидан еттидан олиб, ҳаром ҳайвондан эса унинг эркаги ва урғочисидан иккитадан ол, ва ўзинг билан кемага олиб кир.³ Осмондаги қушлардан ҳам, уларнинг эркагидан ва урғочисидан еттидан кемага олиб кир, токи бутун ер юзида уруғ сақлансин.⁴ Чунки етти кундан сўнг Мен ерга қирқ кечаю қирқ кундуз ёмғир ёғдираман. Ўзим яратган бутун мавжудотни ер юзидан қириб ташлайман”.⁵ Нух ҳаммасини Раббий буюрганидек қилди.⁶ Сув тошқини ер юзини босганида, Нух олти юз ёшда эди.⁷ Нух ва унинг ўғиллари, унинг хотини ва ўғилларининг хотинлари у билан бирга сув тошқини туфайли кемага кирдилар.⁸ Ҳалол ҳайвонлардан ва ҳаром ҳайвонлардан, қушлардан ва барча ерда судралиб юрувчилардан –⁹ Худо Нухга буюрганидек, жуфт-жуфтдан: эркаги ва урғочисидан Нухнинг олдига кемага кирдилар.¹⁰ Етти кундан сўнг ер юзини сув тошқинлари босди.¹¹ Нух умрининг олти юзинчи йили, иккинчи ойнинг ўн еттинчи кунда, айнан шу кун буюк тубсизликнинг манбалари ёрилди, осмон деразалари очилиб кетди.¹² Ва қирқ кечаю қирқ кундуз ер юзига ёмғир ёғди.¹³ Айнан шу кун Нух ва унинг ўғиллари Шем, Хаум, Ёафет ҳамда Нухнинг хотини ва ўғилларининг учта хотинлари кемага кирдилар.¹⁴ Улар билан бирга ўз турига кўра барча ёввойи ҳайвонлар, ўз турига кўра барча чорвалар, ерда судралиб юрадиган ўз турига кўра барча судралиб юрувчилар, ўз турига кўра барча парвоз қиладиганлар, барча қушлар ва қанотлилар,¹⁵ хуллас, ҳаёт руҳига эга бўлган ҳамма вужуд Нухнинг олдига, кемага жуфт-жуфтдан кирдилар.¹⁶ Худо Нухга буюрганидек, кирадиган ҳар бир вужуднинг эркаги ва урғочиси кирди. Раббий Нухнинг кетидан эшикни ёпиб қўйди.¹⁷ Ер юзида тошқин қирқ кун давом этди. Сувлар кўпайиб бориб, кемани кўтарди ва у ердан юқорига кўтарилди.¹⁸ Сув эса ер юзида тошиб, ўта кўпайиб борди. Кема сув юзида сузиб юрар эди.¹⁹ Ер юзида сувлар беҳад тошди. Осмон остидаги баланд тоғларнинг барчаси сув билан қопланди.²⁰ Сув тоғларнинг устидан ўн беш тирсак юқори кўтарилиб, уларни қоплади.²¹ Ер юзида ҳаракат қилувчи ҳар бир вужуд – қушлар ҳам, чорвалар ҳам, ҳайвонлар ҳам, ерда судралиб юрадиган судралувчилар ҳам, ҳамма одамлар ҳам ҳалок бўлдилар.²² Димоғида ҳаёт руҳи бўлган, қуруқликда яшаган ҳар бир вужуд ҳалок бўлди.²³ Ер юзида бўлган барча мавжудот – инсондан тортиб чорвагача, судралувчилар ва осмондаги қушларгача – хуллас, ҳаммаси қирилиб кетди. Фақат Нух ва у билан бирга кемада бўлганлар тирик қолдилар.²⁴ Ер юзида сув бир юз эллик кун тошди.

8

¹Худо Нух ва у билан бирга кема ичида бўлган ҳайвонлару чорвани эсга олди. Худо ерга шамол юборди ва сувлар тўхтади.² Тубсизликнинг манбалари ва осмон деразалари ёпилди, осмондан ёмғир ёғиши тўхтади.³ Сувлар аста-секин ердан қайтиб, бир юз эллик кундан сўнг камайди.⁴ Кема еттинчи ойнинг ўн еттинчи кунда Арарат тоғларининг устида тўхтади.⁵ Сувлар эса ўнинчи ойгача аста-секин камайиб бораверди. Шундай қилиб, ўнинчи ойнинг биринчи кунда тоғ тепалари кўринди.⁶ Қирқ кун ўтганидан сўнг Нух ясаган кемасининг деразасини очиб,⁷ қаргани чиқариб юборди. Қарга эса ердаги сувлар қуригунича учиб кетиб, кемага келиб тураверди.⁸ Сўнгра Нух ер юзидан сувлар кетганини кўриш учун каптарни чиқариб юборди.⁹ Лекин каптар ўз оёғи учун ором жойи топа олмай, Нухнинг олдига, кемага қайтиб келди, чунки ҳали бутун ер юзида сувлар бор эди. Нух қўлини узатиб, каптарни ўз ёнига, кемага олди.¹⁰ Етти кун кутиб, у яна каптарни кемадан чиқариб юборди.¹¹ Каптар кечки пайтда унга қайтиб келганида, мана, унинг тумшугида янги зайтун барги бор эди. Шунда Нух сув ер юзидан кетганини билди.¹² Яна етти кун кутиб, у каптарни кемадан чиқариб юборди, лекин бу сафар каптар унга қайтиб келмади.¹³ Олти юз биринчи йил, биринчи ойнинг биринчи кунда ердаги сув қуриди. Нух кеманинг томини олиб қўйиб, ташқарига қаради ва, мана, ер юзи қуриган эди.¹⁴ Иккинчи ойнинг йигирма еттинчи кунда ер тўлиқ қуриди.¹⁵ Худо Нухга деди: ¹⁶“Сен ва сен билан бирга хотининг, ўғилларинг ва ўғилларингнинг хотинлари кемадан чиқинглар.”¹⁷ Барча жониворлардан сен билан бирга бўлган ҳайвонларнинг ҳаммасини: қушларни, чорваларни, ерда судралиб юрадиган судралувчиларни олиб чиқ. Улар ер юзида серпушт бўлиб, серҳосил бўлсинлар ва ер юзида кўпайсинлар”.¹⁸ Шунда Нух ўз ўғиллари ва хотини ҳамда ўғилларининг хотинлари билан бирга чиқди.¹⁹ Ҳайвонлар, судралувчилар, қушлар, ер юзида ҳаракат қилувчиларнинг ҳаммаси ўз турига кўра кемадан чиқишди.²⁰ Нух эса Раббийга қурбонгоҳ қурди. Сўнг у ҳар бир ҳалол ҳайвондан, ҳар бир ҳалол қушдан олиб, қурбонгоҳ устида уларни тамоман ёндирилиш қурбонлиги сифатида куйдирди.²¹ Раббий хушбўй ҳидни ҳидлади. Шунда Раббий Ўз юрагида деди: “Энди Мен ерни инсон туфайли бошқа лаънатламайман, чунки инсоннинг юрагидаги фикру хаёли ёшлигидан бузуқдир. Мен энди

қилганимдек, ҳамма жонзодни бошқа нобуд қилмайман.²² Бундан буён, ҳали ер турар экан – экиш ва йиғиш, совуқ ва иссиқ, ёз ва қиш, кун ва тун ҳеч тугамайди”.

9

¹Худо Нух билан унинг ўғилларини дуо қилиб деди: “Серпушт бўлинглар, кўпайиб, ер юзини тўлдилинглар.²Ердаги ҳамма ёввойи ҳайвонлар, осмондаги қушлар, ерда судралиб юрадиган ҳаммалар, денгиздаги балиқлар сизлардан қўрқиб, титрасинлар. Улар сизнинг қўлингизга топширилган.³Яшаётган ҳар бир жонивор сизларга озиқ бўлсин. Сизларга ҳамма нарсани кўк ўт сифатида бердим.⁴Фақат этни жони билан, яъни қони билан еманглар.⁵Сизларнинг жонингиз жойлашган қонингиз учун хун талаб қиламан. Одамнинг жони учун ҳар бир ҳайвондан ҳам, одамдан ҳам хун талаб қиламан. Шунингдек, ўз биродарини жони учун ҳар бир одамдан хун талаб қиламан.⁶Ким одам қонини тўкса, унинг қони ҳам одам қўли билан тўкилади. Чунки одам Худонинг суратида яратилган.⁷Сизлар эса серпушт бўлиб кўпайинглар ва ер юзида тарқалиб кўпайинглар”.⁸Худо яна Нух билан унинг ўғилларига деди: “Мана, Мен сизлар билан ва сизлардан кейинги авлодларингиз билан аҳд тузаман.¹⁰Сизлар билан бирга бўлган ҳар бир тирик жонзод билан ҳам, қушлар, жониворлар, ернинг ҳамма ёввойи ҳайвонлари билан ҳам, кемадан чиққанларнинг ҳар бири, ернинг ҳар бир ҳайвони билан ҳам аҳд тузаман.¹¹Мен сизлар билан шундай аҳд тузаман: Энди бошқа тошқин сувлари туфайли бор мавжудот қирилмайди, ерни барбод қилиш учун энди тошқин бўлмайди”.¹²Сўнгра Худо деди: “Мен сизлар билан ҳамда сизлар билан бирга бўлган ҳар бир тирик жон билан тузаётган, авлодлардан-авлодларга ўтадиган аҳднинг аломати шундай: ¹³Мен булутларда камалак ўрнатаман ва у Менинг ер билан аҳдимнинг аломати бўлади.¹⁴Ер юзига булут келтирганимда, булутларда камалак кўринади.¹⁵Шунда Мен сизлар билан ва ҳар бир вужуддаги барча тирик жонзод билан тузган аҳдимни эслайман. Яна барча мавжудотни қириш учун сув тошқини бўлмайди.¹⁶Камалак булутларда бўлади. Мен уни кўрганимда, Худо ва ернинг ҳар бир вужуддаги барча мавжудоти орасидаги абадий аҳдни эсга оламан”.¹⁷Шу тариқа, Худо Нухга деди: “Менинг ердаги ҳар бир мавжудот билан тузган аҳдимнинг аломати ана шу бўлади”.¹⁸Нухнинг кемадан чиққан ўғиллари: Шем, Хаум ва Йафет эди. Хаум Канъаннинг отасидир.¹⁹Булар Нухнинг уч ўғиллари эди. Улардан бутун ер юзи бўйлаб одамзод тарқалди.²⁰Нух ерга ишлов бера бошлади ва узумзор ўтқазди.²¹Бир кун у шароб ичди ва маст бўлиб, чодирда яланғоч ётган эди.²²Канъаннинг отаси Хаум отасининг яланғочлигини кўриб, ташқаридаги икки акасига айтди.²³Шем ва Йафет эса кийимларини елкаларига ташлаб, орқалари билан юриб боришди ва яланғоч оталарини ёпиб қўйишди. Шундай қилиб, юзлари орқага қарагани учун, улар унинг яланғочлигини кўришмади.²⁴Нух шароб мастлигидан уйғонгач, кенжа ўғли унга нима қилганини билиб олди.²⁵Шунда Нух: “Канъан лаънати бўлсин, акаларига қулларнинг қули бўлсин”, - деди.²⁶Кейин яна деди: “Шемнинг Раббий Худоси муборак бўлсин. Канъан эса Шемга қул бўлсин”.²⁷Худо Йафетни кенгайтирсин, у Шемнинг чодирларида яшасин. Канъан эса унга қул бўлсин”.²⁸Нух тошқиндан сўнг уч юз эллик йил яшади.²⁹Нухнинг барча кунлари тўққиз юз эллик йил эди, сўнг у ўлди.

10

¹Мана, Нух ўғиллари Шем, Хаум ва Йафетнинг тошқиндан сўнг туғилган авлодлари:²Йафетнинг ўғиллари: Гўмер, Магўт, Модай, Юнон, Тубал, Мешех ва Тирос.³Гўмернинг ўғиллари: Ашкеназ, Рифат ва Тўгармах.⁴Юноннинг ўғиллари: Элишах, Таршиш, Киттим ва Дўдоним.⁵Булардан эллар ороллариининг ерлари – ҳар бири ўз тили, ўз насли ва ўз миллати бўйича бўлинди.⁶Хаумнинг ўғиллари: Куш, Миср, Пут ва Канъан.⁷Кушнинг ўғиллари: Себа, Хавилах, Сабтах, Раамах ва Сабтеха. Раамахнинг ўғиллари: Шеба ва Дедон.⁸Кушдан яна Нимрўд туғилди. Ер юзида у қудратли одам бўла бошлади.⁹У Раббий қаршисида қудратли овчи бўлди. Шунинг учун: “Раббий қаршисида Нимрўд каби қудратли овчи”, - дейилади.¹⁰Унинг шоҳлиги бошида Шинар еридаги Бобил, Эрех, Аккад ва Калнех шаҳарлари эди.¹¹Бу ердан Ашур чиқиб Нийневех, Реҳобўт-Ир ва Келах шаҳарларини барпо қилди.¹²У Нийневех билан Келах ўртасидаги Ресен шаҳрини ҳам қурди, бу улкан шаҳардир.¹³Мисрдан туғилганлар: Лудий, Анамим, Леҳабим, Наптуҳим,¹⁴Патрўсий, Каслуҳим (ундан Пелишт халқи келиб чиққан) ва Кафтўрий.¹⁵Канъандан туғилганлар: тўнғичи Сидўн, Хет,¹⁶Ябус, Амўр, Гиргош,¹⁷Хив, Арқий, Синий,¹⁸Арвад, Тсемар ва Ҳамотий. Кейинчалик Канъан қабиалари тарқалиб кетишди.¹⁹Канъанликлар яшайдиган ерлар чегараси Сидўндан Гарор ва Ғазогача, бу ердан Садўм, Ғамўра, Адмах, Тсебўйим ва Лаша шаҳарларигача эди.²⁰Булар ўз авлодлари, ўз тиллари, ўз ерлари ва ўз халқларига кўра Хаум ўғилларидир.²¹Йафетнинг акаси Шем ҳам фарзандлар кўрди. У Эбернинг барча ўғилларининг отаси эди.²²Шемнинг ўғиллари: Элам, Ашур, Арпахшод, Луд ва Арамдир.²³Арамнинг ўғиллари: Уз, Хул, Гетер ва Машдир.²⁴Арпахшод Шелахни туғди, Шелах эса Эберни туғди.²⁵Эбердан икки ўғил туғилди: биринчисининг исми Пелеқ (“Зилзила”) қўйилди, чунки унинг кунларида ер бўлинди, унинг укасининг исми эса Йоктон эди.²⁶Йоктондан эса Алмодад, Шелеф, Хатсармавет, Йерах,²⁷Ҳадорам, Узол, Диклах,²⁸Обал, Абимаэл, Шеба,²⁹Офир, Хавилах ва Йўбоб туғилди. Буларнинг ҳаммаси Йоктоннинг ўғиллари эди.³⁰Улар Мешадан Сефаргача бўлган шарқ тоғларида яшар эдилар.³¹Булар ўз авлоди, ўз тили, ўз ерлари ва ўз халқларига кўра Шем ўғилларидир.³²Булар Нух ўғилларининг ўз халқларида авлодларига кўра қабиаларидир. Тошқиндан сўнг ер юзида халқлар шулардан тарқалганлар.

11

¹Бутун ер юзида бир тил ва бир шева эди. ²Улар шарқдан кўчиб, Шинар ерида текислик топиб, у ерда жойлашдилар. ³Улар бир-бирларига: “Келинлар, ғишт ясаб оловда куйдирамиз”, - дедилар. Шундай қилиб, улар тош ўрнига ғишт, оҳақ ўрнига қатрон ишлата бошладилар. ⁴Улар: “Келинлар, бутун ер юзига тарқалиб кетмаслигимиз учун ўзимизга шаҳар ҳамда боши осмонга етар минора қуриб, ўзимизга ном чиқарамиз”, - дедилар. ⁵Раббий эса инсон ўғиллари қураётган шаҳар ва минорани кўриш учун тушиб келди. ⁶Шунда Раббий деди: “Мана, ҳаммаси битта халқ, ҳаммаларининг тили ҳам бир. Улар буни қилишни бошладилар ва ният қилган ишларини тамомлашдан ҳеч нарса уларни тўхтата олмайди. ⁷Энди пастга тушайлик-да, уларнинг тилини аралаштириб ташлайлик, токи бир-бирларининг гапларини тушунмасинлар”. ⁸Шундай қилиб, Раббий одамларни у жойдан бутун ер юзига тарқатиб юборди. Улар шаҳар қуришни тўхтатишди. ⁹Шунинг учун уни Бобил (“Чалкашлик”), деб аташди, чунки Раббий ўша ерда бутун ернинг тилини чалкаштирди ва ўша ердан Раббий уларни бутун ер юзи бўйлаб тарқатиб юборди. ¹⁰Мана булар Шемнинг авлодлари: тошқиндан икки йил ўтгач, Шемдан юз ёшида Арпахшод туғилди. ¹¹Арпахшод туғилганидан сўнг Шем беш юз йил яшади ва ундан яна ўғиллару қизлар туғилди. ¹²Арпахшоддан эса ўттиз беш ёшида Шелах туғилди. ¹³Шелах туғилганидан сўнг Арпахшод тўрт юз уч йил яшади ва ундан яна ўғиллару қизлар туғилди. ¹⁴Шелахдан эса ўттиз ёшида Эбер туғилди. ¹⁵Эбер туғилганидан сўнг Шелах тўрт юз уч йил яшади ва ундан яна ўғиллару қизлар туғилди. ¹⁶Эбердан эса ўттиз тўрт ёшида Пелеқ туғилди. ¹⁷Пелеқ туғилганидан сўнг Эбер тўрт юз ўттиз йил яшади ва ундан яна ўғиллару қизлар туғилди. ¹⁸Пелеқдан эса ўттиз ёшида Раху туғилди. ¹⁹Раху туғилганидан сўнг Пелеқ икки юз тўққиз йил яшади ва ундан яна ўғиллару қизлар туғилди. ²⁰Рахудан эса ўттиз икки ёшида Саруғ туғилди. ²¹Саруғ туғилганидан сўнг Раху икки юз етти йил яшади ва ундан яна ўғиллару қизлар туғилди. ²²Саруғдан эса ўттиз ёшида Нахўр туғилди. ²³Нахўр туғилганидан сўнг Саруғ икки юз йил яшади ва ундан яна ўғиллару қизлар туғилди. ²⁴Нахўрдан эса йигирма тўққиз ёшида Терах туғилди. ²⁵Терах туғилганидан сўнг Нахўр бир юз ўн тўққиз йил яшади ва ундан яна ўғиллару қизлар туғилди. ²⁶Терахдан эса етмиш ёшида Ибром, Нахўр ва Ҳарон туғилди. ²⁷Мана булар Терахнинг авлодлари: Терахдан Ибром, Нахўр ва Ҳарон туғилди. Ҳарондан Лўт туғилди. ²⁸Ҳарон эса ўз отаси Терах тириклигидаёқ, ўз туғилган жойи – Қалдийнинг Ур ерида вафот этди. ²⁹Ибром ва Нахўр хотин олдилар. Ибромнинг хотинининг исми Сорай эди, Нахўрнинг хотинининг исми эса Милка эди. Милка ва Исқа Ҳароннинг қизи эди. ³⁰Сорай бепушт бўлиб, боласи йўқ эди. ³¹Терах эса ўз ўғли Ибромни, Ҳароннинг ўғли бўлган набираси Лўтни, келини бўлган Ибромнинг хотини Сорайни олиб, Канъан ерига бориш учун, Қалдийнинг Ур еридан чиқиб кетди. Улар Харангача етиб келиб, ўша ерда ўрнашдилар. ³²Терахнинг барча кунлари икки юз беш йил эди, у Харан ерида вафот этди.

12

¹Раббий Ибромга деди: “Ўз ерингдан, она юртингдан, ўз отангнинг уйидан чиқиб кет, Мен сенга кўрсатадиган ерга боргин. ²Мен сендан буюк халқ яратаман. Сенга барака бериб, исмингни улугълайман. Сен баракали бўласан. ³Сени дуо қилаётганларни Мен дуо қиламан, сени лаънатлаётганларни Мен лаънатлайман. Ер юзидаги барча қабилалар сенда барака топадилар”. ⁴Раббий айтганидек, Ибром чиқиб кетди. Лўт ҳам у билан бирга кетди. Ибром Харандан чиқиб кетганида, етмиш беш ёшда эди. ⁵Ибром ўз хотини Сорайни, ўз биродарининг ўғли Лўтни, тўплаган бор мол-мулкларини ҳамда Харанда эга бўлган одамларини ўзи билан бирга олиб, Канъан ерига бориш учун йўлга тушди. Ниҳоят, улар Канъан ерига етиб келишди. ⁶Ибром у ердан ўтиб, Шекем деган жойдаги Мўреҳ текислигига келди. Ўша вақтда бу ерда канъанликлар яшар эдилар. ⁷Раббий Ибромга зоҳир бўлиб: “Мен бу ерни сенинг уруғингга бераман”, - деди. Ибром эса ўша ерда унга намоён бўлган Раббийга қурбонгоҳ қурди. ⁸Сўнгра Ибром у ердан Бейт-Элнинг шарқ томонидаги тоққа кўчди. Шундай қилиб, у ғарб томони Бейт-Эл, шарқ томони Ғай бўлган жойда чодир ёйди. Ўша ерда у Раббийга қурбонгоҳ қуриб, Раббийнинг номини чақирди. ⁹Кейин Ибром жануб томонга йўл олди. ¹⁰У ерда очарчилик эди. Очарчилик кучайгани туфайли Ибром мусофирдек яшаш учун Мисрга тушиб борди. ¹¹Мисрга киришларига яқин қолганида, Ибром хотини Сорайга шундай деди: “Мана, мен биламан, сен жуда ҳам гўзал аёлсан. ¹²Мисрликлар сени кўргач: Бу унинг хотини, деб мени ўлдириб, сени тирик қолдирадилар. ¹³Шунинг учун, сен: Мен унинг синглисиман, деб айтгин, токи сен туфайли менинг жоним тирик қолсин”. ¹⁴Ибром Мисрга келганида, мисрликлар унинг хотинининг жуда гўзал эканлигини кўришди. ¹⁵Фиръавннинг ҳукмдорлари ҳам кўриб, уни фиръавнга мақтадилар. Шунда аёл фиръавннинг саройига олинди. ¹⁶Фиръавн Сорай туфайли Ибром билан яхши муносабатда бўлди: унга қўй ва ҳўкизлар, эшаклар, қуллар, чўрилар, хачирлар ва туялар совға қилди. ¹⁷Аммо Раббий Ибромнинг хотини Сорай туфайли фиръавн ва унинг хонадонини оғир яралар билан шикастлади. ¹⁸Шунда фиръавн Ибромни чақириб, унга деди: “Бу нима қилганинг? Бу сенинг хотининг эканини нега менга айтмадинг? ¹⁹Нима учун: Бу менинг синглим, деб айтдинг? Мен уни ўзимга хотинликка олишимга сал қолди! Мана хотининг, уни олиб, йўлингдан боравер”. ²⁰Сўнг фиръавн одамларига улар ҳақида фармон берди. Улар Ибромни ва унинг хотинини бор мол-мулки билан кузатиб қўйишди.

13

¹Шунда Ибромнинг ўзи, унинг хотини ва Лўт бор мол-мулклари билан Мисрдан чиқиб жануб томонга кетди. ²Ибром чорвага, кумуш ва олтинга жуда бой эди. ³У сафарида давом этиб, жанубдан Бейт-Элга, яъни Бейт-Эл билан Ғай орасида илгари чодир бўлган жойга келди. ⁴У илгари қурбонгоҳ қурган ўша жойда Раббийнинг номини чақирди. ⁵Ибром билан келган Лўтнинг ҳам қўйлари, сигирлари ва чодирлари бор эди. ⁶Улар бирга яшашлари учун ер уларни сиғдира олмас эди. Чунки уларнинг мол-мулклари ўта кўп бўлиб, улар бирга яшай олмас эдилар. ⁷Ибром билан Лўтнинг чўпонлари орасида жанжал юз берди. Ўша пайтда у ерларда канъанликлар ва перизликлар яшар эдилар. ⁸Ибром Лўтга деди: “Менинг чўпонларим билан сенинг чўпонларинг ўртасида жанжал бўлмасин. Биз – қариндошлармиз! ⁹Мана, бутун ер юзи сенинг олдинда эмасми? Мендан ажрала қолгин. Агар сен чап томонга кетсанг, мен ўнг томонга бораман. Агар сен ўнг томонга кетсанг, мен чап томонга бораман”. ¹⁰Лўт нигоҳини кўтариб Йордан текисликларига қаради. Раббий Садўм ва Ғамўрани вайрон қилишидан олдин, ўша ер Раббийнинг боғидек, Миср еридек бўлиб, то Тсўарга боргунча жуда серсув эди. ¹¹Шундай қилиб, Лўт ўзига бутун Йордан текислигини танлади ва шарқ томонга кетди. Шу тариқа улар бир-бирларидан ажралдилар. ¹²Ибром Канъан ерида яшаб қолди. Лўт эса текисликдаги шаҳарларда яшаб, Садўмга қадар чодир қурди. ¹³Садўм аҳолиси Раббий қаршисида ёвуз ва ўта гуноҳкор эдилар. ¹⁴Лўт Ибромдан ажралганидан сўнг, Раббий Ибромга деди: “Нигоҳингни кўтариб, турган жойингдан шимолга, жанубга, шарққа ва ғарбга қарагин. ¹⁵Ана шу, сен кўриб турган барча ерни Мен сенга ва сенинг уруғингга то абад бераман. ¹⁶Сенинг уруғингни эса ернинг қумидек кўпайтираман. Агар бирор киши ернинг қумини санай олса, сенинг уруғингни ҳам санаб бўлади. ¹⁷Ўрнингдан тургин, бу ернинг узунлигидан кенлигигача юргин, чунки уни Мен сенга бераман”. ¹⁸Шундан сўнг Ибром чодирларини кўчириб, Хеброндаги Мамре текислигида яшай бошлади. Ўша жойда у Раббийга қурбонгоҳ қурди.

14

¹Шинар подшоҳи Омрафел, Элласар подшоҳи Ариок, Элам подшоҳи Кедўрлаомер, Гўйим подшоҳи Тидол даврида шу ҳодиса юз берди: ²Улар Садўм подшоҳи Бэрага, Ғамўра подшоҳи Биршага, Адмах подшоҳи Шинабга, Тсебўйим подшоҳи Шемеберга ва Бела (яъни Тсўар) подшоҳига қарши урушга бордилар. ³Бу подшоҳларнинг ҳаммаси Сиддим водийсида бирлашдилар. Шу водий ҳозирги Туз денгизидир. ⁴Улар ўн икки йил Кедўрлаомерга қарам бўлиб, ўн учинчи йили исён қилган эдилар. ⁵Ўн тўртинчи йил Кедўрлаомер ва у билан бирлашган подшоҳлар келиб, Аштарўт-Карнайимда рафаликларни, Ҳомда зузликларни, Шавех-Қиръатайимда эйимликларни ва ⁶Сеир тоғида хорийликларни чўл чеккасидаги Эл-Поронгача қириб ташладилар. ⁷У ердан қайтиб, Эн-Мишпат (яъни Қадешга) келдилар ва амалеқликларнинг бутун юртини, шунингдек, Хазан-Тамарда яшовчи амўрликларни ҳам қириб ташладилар. ⁸Садўм подшоҳи, Ғамўра подшоҳи, Адмах подшоҳи, Тсебўйим подшоҳи ва Бела (яъни Тсўар) подшоҳи Сиддим водийсида уларга қарши жангда бирлашдилар. ⁹Элам подшоҳи Кедўрлаомер, Гўйим подшоҳи Тидол, Шинар подшоҳи Омрафел ва Элласар подшоҳи Ариок – ана шу тўртта подшоҳ бешта подшоҳга қарши жанг қилдилар. ¹⁰Сиддим водийси қатрон чуқурликларига тўла эди. Садўм ва Ғамўра подшоҳлари енгилиб қочиб кетишаётганида, шу чуқурликларга йиқилдилар. Қолганлари эса тоғларга қочиб кетдилар. ¹¹Ғолиб подшоҳлар эса Садўм ва Ғамўранинг бор бойлик ва озуқаларини олиб кетдилар. ¹²Улар Садўмда яшайдиган Ибромнинг биродарининг ўғли Лўтни ҳам мол-мулки билан олиб кетдилар. ¹³Қочоқлардан бири иброний Ибромга келиб, воқеаларни хабар қилди. Ибром ўша вақтда Эшкўлнинг ва Онернинг биродари бўлган амўрлик Мамреннинг эманзори ёнида яшар, чунки улар Ибромнинг иттифоқчилари эди. ¹⁴Ибром жияни асирга олинганини эшитиб, ўзининг уйида туғилиб тарбияланган уч юз ўн саккиз нафар кишини қуроллантирди-да, подшоҳларни Дангача қувиб борди. ¹⁵Кечаси Ибром ва унинг қуллари бўлиниб, душманни қириб ташлашди ва уларни Дамашқнинг чап томонидаги Хобаҳгача қувиб боришди. ¹⁶У ердан Ибром бор мол-мулкни, қариндоши Лўтни ва унинг мол-мулкларини, шунингдек, аёллару эркаларни ҳам қайтариб олиб келди. ¹⁷Ибром Кедўрлаомерни ва у билан бирга бўлган подшоҳларни қириб ташлаб қайтаётганида, Садўм подшоҳи уни қарши олгани Шовех водийсига, яъни Шоҳ водийсига чиқди. ¹⁸Шунда Салим подшоҳи Малкиседек нон ва шароб олиб чиқди. У Худойи Таолонинг руҳонийси эди. ¹⁹У Ибромни дуо қилиб, деди: “Ибром еру кўкнинг эгаси Худойи Таоло томонидан баракалидир. ²⁰Душманларингни қўлингга топширган Худойи Таоло муборақдир!” Ибром эса Малкиседекқа ҳамма нарсадан ушр берди. ²¹Садўм подшоҳи Ибромга: “Одамларни менга бергину, мол-мулкни ўзингга ол”, - деди. ²²Лекин Ибром Садўм подшоҳига деди: “Мен еру кўкнинг эгаси Раббий, Худойи Таоло ҳақи қўлимни кўтариб айтаманки – ²³сен: Мен Ибромни бой қилдим, деб айтмаслигинг учун нарсаларингдан, ҳатто ипдан тортиб чориқ боғигача бирор нарса олмайман. ²⁴Фақатгина йигитларнинг еб-ичганлари – сенинг харажатларинг бўлсин, ҳамда мен билан жангга борган одамлар: Онер, Эшкўл ва Мамре ўз улушларини олсинлар”.

15

¹Бу воқеалардан сўнг ваҳий орқали Ибромга Раббийдан сўз келди: “Кўрқма, Ибром, Мен сенинг қалқонингман. Сенинг мукофотинг ғоят буюқдир”. ²Ибром бунга: “Ё, Раббий Худо! Сен менга нима берасан? Мана, фарзандсиз ўтйпман. Энди хонадонимнинг бошқарувчиси дамашқлик Элиэзер мерсохўр бўлади”, - деди. ³Ибром давом этди: “Сен менга уруғ бермадинг, мана, менинг хонадонимда туғилган қул менинг мерсохўримдир”. ⁴Шунда Раббийдан

унга сўз келди: “У сенинг меросхўринг бўлмайди, аксинча, сенинг пушти камарингдан туғиладиган бола сенинг меросхўринг бўлади”.⁵ Сўнг Ибромни ташқарига олиб чиқиб, унга деди: “Осмонга қараб, юлдузларни санай олсанг, санаб чиқ. Сенинг авлодинг ҳам шунча бўлади”.⁶ Ибром Раббийга ишонди, бу эса унга ҳақлик, деб ҳисобланди. ⁷Сўнгра Раббий Ибромга яна хитоб қилиб: “Мен бу ерни мерос қилиб олишинг учун, сени Қалдийнинг Ур шаҳридан олиб чиққан Раббийман”, - деди. ⁸Ибром эса: “Ё, Раббий Худо! Бу ерларни мерос қилиб олишимни қандай биламан?” - деб сўради. ⁹Раббий: “Менга уч ёшли ғунажин, уч ёшли эчки, уч ёшли қўчқор ва битта мусича билан ёш каптар олиб кел”, - деди. ¹⁰Ибром буларнинг ҳаммасини олиб келди ва уларнинг ўртасидан бўлиб, ҳар бўлакни бошқа бўлакнинг қаршисига қўйди. Фақат қушларни бўлмади. ¹¹Шунда мурдалар устига йиртқич қушлар учиб кела бошлашди, Ибром эса уларни қува бошлади. ¹²Қуёш ботаётган вақтда Ибромни қаттиқ уйқу босди, шунда қуюқ зулмат ва даҳшат уни қамраб олди. ¹³Шунда Раббий Ибромга деди: “Шуни аниқ билгинки, сенинг уруғинг бегона юртда мусофир бўлади ва уларга хизмат қилади, уларни тўрт юз йил азоблайдилар. ¹⁴Аммо уларни қул қилган халқни Мен ҳукм қиламан. Шундан сўнг улар катта мол-мулк билан у ердан чиқади. ¹⁵Сен эса тинчлик билан ота-боболарингнинг олдида борасан ва яхши кексалик ёшида дафн этиласан. ¹⁶Аммо тўртинчи авлодда улар бу ерга қайтиб келади, зеро амўрликларнинг гуноҳлари ҳали тўлган эмас”. ¹⁷Қуёш ботиб, қоронғилик чўкканида, гўёки ўчоқ тутуни ва ёнаётган олов қурбонлик бўлаклари орасидан ўтди. ¹⁸Ўша куннинг ўзида Раббий Ибром билан аҳд тузиб, шундай деди: “Миср дарёсидан бошлаб улкан дарё – Фурот дарёсига қадар бу ернинг ҳаммасини: ¹⁹қайнликлар, қенизликлар, қадмонликлар, ²⁰хетликлар, перизликлар, рафаликлар, ²¹амўрликлар, канъанликлар, гиргошликлар ва ябусликларнинг ерларини сенинг авлодинга бераман”.

16

¹Ибромнинг хотини Сорай эса бола туғмас эди. Сорайнинг Ҳожар исмли мисрлик чўриси бор эди. ²Сорай Ибромга: “Мана, Раббий мени туғмаслигим учун қорнимни ёпиб қўйди. Сиз чўримнинг олдида кириб, балки ундан болали бўларман”, - деди. Ибром Сорайнинг сўзига кулоқ солди. Ибром Канъан ерида яшаётганидан ўн йил ўтгач, Ибромнинг хотини Сорай ўзининг мисрлик чўриси Ҳожарни олиб, эри Ибромга хотинликка берди. ⁴Ибром Ҳожарнинг олдида кирганидан сўнг, у ҳомиладор бўлди. Ҳожар ҳомиладор бўлганини кўриб, бекаси Сорайни назарга илмай қўйди. ⁵Шунда Сорай Ибромга: “Менинг азобланишимга сиз айбдорсиз! Мен чўримни сизнинг қучоғингизга бердим, у эса ҳомиладор бўлганини кўргач, мени назарига илмай қўйди. Бизнинг орамызда Раббий Ҳакам бўлсин!” - деди. ⁶Ибром эса Сорайга: “Сенинг чўринг сенинг қўлингда. У билан нима истасанг, шуни қилавер”, - деди. Шунда Сорай чўриси Ҳожарни эза бошлади ва Ҳожар Сорайнинг олдидан қочиб кетди. ⁷Раббийнинг фариштаси Ҳожарни чўлдаги сув булоғи ёнида, яъни Шур йўлидаги булоқ ёнида топиб: ⁸“Эй, Сорайнинг чўриси Ҳожар! Қаердан келиб, қаерга кетяпсан?” - деди. “Мен бекам Сорайнинг олдидан қочиб кетяпман”, - деди Ҳожар. ⁹Раббийнинг фариштаси унга: “Бекангга қайт ва унинг қўл остига бўйсун”, - деди. ¹⁰Раббийнинг фариштаси Ҳожарга яна: “Сенинг авлодингни шу қадар кўпайтираманки, кўплигидан уни санаб бўлмайди”, - деди. ¹¹Раббийнинг фариштаси унга яна сўзлади: “Мана, сен ҳомиладор бўлдинг, энди ўғил туғасан, унинг исмини Исмоил (“Худо эшитади”) қўясан, чунки Раббий сенинг азобларингни эшитди. ¹²У инсонлар орасида ёввойи эшакдек бўлади. Унинг қўли ҳаммага қарши, ҳамманинг қўли эса унга қарши бўлади. У барча ака-укаларнинг юзи олдида яшайди”. ¹³Ҳожар унга гапирган Раббийни Эл-Ройи (“мени кўраётган Худо”), деб атади, чунки у: “Мен бу ерда мени кўриб Турганни ортидан кўрдим”, - деди. ¹⁴Шунинг учун бу булоқ Безр-Лахай-Рой, деб аталди. У Қадеш билан Баред орасида жойлашган. ¹⁵Ҳожар Ибромга ўғил туғиб берди. Ибром Ҳожардан туғилган ўғлининг исмини Исмоил қўйди. ¹⁶Ҳожар Ибромга Исмоилни туғиб берганида, Ибром саксон олти ёшда эди.

17

¹Ибром тўқсон тўққиз ёшга кирганида, Раббий унга зоҳир бўлиб деди: “Мен Қодир Худоман. Менинг олдимда юриб, бенуқсон бўлгин. ²Мен сен билан аҳд тузаман ва сени жуда ҳам кўпайтираман”. ³Ибром ерга юз тубан йиқилди. Худо унга сўзлашда давом этиб деди: ⁴“Менинг сен билан тузадиган аҳдим шудир: сен кўплаб халқларнинг отаси бўласан. ⁵Сен бошқа Ибром (“Улуғ ота”), деб аталмайсан, балки сенинг исминг Иброҳим (“Кўпчиликнинг отаси”) бўлади. Чунки мен сени кўплаб халқларнинг отаси қилдим. ⁶Сени ўта серпушт қилиб, сендан халқларни вужудга келтираман, сендан подшоҳлар келиб чиқади. ⁷Сенинг ва сендан кейинги уруғингнинг Худоси бўлишим учун – Мен сен билан ва сендан кейинги уруғинг билан уларнинг авлодларида абадий аҳд тузаман. ⁸Сен ҳозир мусофирларча яшаётган ерни – Канъаннинг бутун ерини сенга ва сендан кейинги авлодларингга абадий мулк қилиб бераман. Мен уларнинг Худоси бўламан”. ⁹Худо Иброҳимга яна деди: “Сен ва сендан кейин келадиган уруғинг эса ўз авлодларида Менинг аҳдимга риоя қилиб юринглар. ¹⁰Сен ва сендан кейинги авлодларинг риоя қилиши керак бўлган аҳд шудир: орангиздаги ҳар бир ўғил бола хатна қилинсин. ¹¹Аъзойингиз терисининг учини кестиринглар. Мен билан сизларнинг орангиздаги аҳднинг белгиси ана шу бўлади. ¹²Бундан буён наслдан наслга уйингизда туғиладиган ҳар бир ўғил бола ва уруғингиздан бўлмай, бошқа қабилаликдан пулга сотиб олинган барча ўғил болалар саккиз кунлигида хатна қилинсинлар. ¹³Уйингизда туғилган ҳам, пулга сотиб олинган ҳам хатна қилиниши шарт. Шунда Менинг аҳдим сизнинг

танангизда абадий аҳд бўлади.¹⁴ Аъзоси терисининг учи кесилмаган эркакнинг жони халқи орасидан қириб ташлансин. У аҳдимни бузган ҳисобланади”.¹⁵ Худо Иброҳимга яна: “Хотининг Сорайни бошқа Сорай (“Хукм сурайдиган”), деб атама, унинг исми Соро (“Малика”) бўлади.¹⁶ Мен уни дуо қилиб, сенга ундан ўғил бераман. Уни дуо қиламан ва у халқларнинг онаси бўлади. Ундан халқларнинг подшоҳлари келиб чиқадилар”,- деди.¹⁷ Иброҳим юз тубан йиқилиб, кулиб юборди ва ўз юрагида шундай деди: “Наҳотки юз ёшли эркакдан бола туғилса? Наҳотки тўқсон ёшли Соро бола туғса?”¹⁸ Сўнг Иброҳим Худога: “Кошки, Исмоил Сенинг қаршингда тирик бўлса эди!”- деди.¹⁹ Худо эса деди: “Хотининг Соро сенга ўғил туғиб бериши муқаррар. Унинг исмини Исҳоқ (“Кулги”), деб атайсан. Мен у билан ва ундан кейинги авлоди билан абадий аҳд тузаман.²⁰ Исмоил ҳақида ҳам сени эшитдим. Мен уни дуо қилиб, уни серпушт қиламан ва ўта кўпайтираман. Ундан ўн икки ҳоким туғилади. Ундан буюк халқ келтириб чиқараман.²¹ Аммо аҳдимни Исҳоқ билан тузаман. Келгуси йили, шу вақтнинг ўзида Соро сенга уни туғиб беради”.²² Худо Иброҳимга сўзлашни тамомлаб, унинг ёнидан кетди.²³ Иброҳим эса, Худо унга айтганидек, ўша куннинг ўзида ўғли Исмоилнинг ва уйдаги туғилган ҳамда пулга сотиб олинган барча эркакларининг аъзоси терисининг учини кесди.²⁴ Иброҳимнинг терисининг учи кесилганида, у тўқсон тўққиз ёшда эди.²⁵ Унинг ўғли Исмоилнинг терисининг учи кесилганида, у ўн уч ёшда эди.²⁶ Иброҳим ва унинг ўғли Исмоил бир кунда хатна қилиндилар.²⁷ Шунингдек, Иброҳим билан бирга унинг хонадонидagi барча эркаклар: уйда туғилганлар ва бошқа қабиладан пулга сотиб олинганлар хатна қилиндилар.

18

¹Куннинг иссиғида Иброҳим чодирга кириш жойида ўтирганида, Мамре эманзори ёнида унга Раббий зоҳир бўлди.² Иброҳим нигоҳини кўтариб, бир қараганда, мана, қаршисида уч киши турар эди. Иброҳим уларни кўрган заҳоти чодирга кириш жойидан туриб, уларни кутиб олгани югуриб чиқиб, ергача таъзим қилди.³ “Ҳазратим,- деди у,- агар Сенинг нигоҳингда илтифот топган бўлсам, қулингни четлаб ўтма. Ҳозир бир оз сув келтириб, оёқларингизни ювишсин, сизлар эса шу дарахт тағида дам олинглар. Қулингизникига келганингиз учун мен нон олиб келай. Йўлингизга тушиб кетишингиздан олдин қувватланиб олинглар”. Улар эса: “Айтганингдек қил!”- дедилар.⁴ Иброҳим чодирга, Соронинг ёнига шошиб кирди-да: “Тез бўл, уч сеҳа энг яхши ун олиб, хамир қоргин ва нон қилгин”,- деди.⁵ Сўнг Иброҳим пода томон югурди-да, битта яхши ёш бузоқни олиб, хизматчи йигитга берди. У эса тайёрлашга шошилди.⁶ У сарийғ ва сутни ҳамда тайёрланган бузоқни олиб, уларнинг олдига қўйди. Улар овқатланар эканлар, Иброҳим дарахтнинг тағида турди.⁷ Улар Иброҳимдан: “Хотининг Соро қаерда?”-деб сўрашди. “Шу ерда, чодирда”,- деди Иброҳим.⁸ Улардан Бири: “Келгуси йил шу вақтда Мен сенинг олдинга қайтиб келганимда, хотининг Соро ўғилли бўлади”,- деди. Сора унинг орқасида, чодирга кириш жойининг ёнида бу суҳбатни эшитиб турарди.⁹ Иброҳим билан Соро қариб қолишган ва кекса ёшда эдилар. Сорода ҳам аёлларда бўладигани тўхтаган эди.¹⁰ Шунинг учун Соро: “Қариганимда бу лаззатни тотар эканманми? Хўжайиним ҳам қариб қолган”,- деб ичида кулди.¹¹ Раббий Иброҳимга деди: “Нима учун Соро: Мен қариб қолганимда, бола туға оламанми,- деб кулди? Раббий учун қийин нарсa борми? Келгуси йил белгиланган вақтда Мен сенинг олдинга қайтиб келганимда, Соро ўғилли бўлади”.¹² Соро эса: “Кулганим йўқ”,- деб инкор қилди, чунки у қўрқиб кетган эди. Лекин У: “Йўқ, кулдинг!”- деди.¹³ Бу кишилар у ердан туриб, Садўм томонга йўл олдилар. Иброҳим эса уларни кузатиб қўйиш учун улар билан кетди.¹⁴ Шунда Раббий деди: “Қиладиган ишимни Иброҳимдан яшираманми? Иброҳимдан буюк ва кучли халқ ҳақиқатан ҳам келиб чиқади. Ер юзидаги барча халқлар унда барака топадилар.¹⁵ Зеро у ўз ўғилларига ҳамда уй аҳлига ҳақлик ва одилликни амалга ошириш билан Раббийнинг йўлидан боришни буюрсин, деб Мен уни танлаганман. Шунинг учун Раббий Иброҳимга айтганларини бажо келтиради”.¹⁶ Сўнг Раббий деди: “Садўм ва Ғамўранинг фарёди улкан, уларнинг гуноҳлари жуда оғир.¹⁷ Мен тушиб бориб қарайман. Ҳақиқатан ҳам, фарёдлари Менга етиб келганидек, улар ҳаракат қиляптиларми ёки йўқми, билайин”.¹⁸ У кишилар бурилиб, Садўмга кетдилар, Иброҳим эса ҳали Раббийнинг олдида турар эди.¹⁹ Иброҳим яқинлашиб деди: “Наҳотки Сен ҳақ одамни бетавфиқ билан бирга ҳалок қилсанг?”²⁰ Балки бу шаҳар ичида элликта ҳақ одам бордир. Наҳотки, ўша элликта ҳақ одам ҳақи бу жойни аямасдан ҳалок қилсанг?”²¹ Бундай қилиш Сендан йироқдир. Ҳақ одамни бетавфиқ билан бирга кириш, ҳақнинг қисматини бетавфиқникидек қилиш Сендан йироқдир. Бутун ернинг Ҳаками одил иш қилиши керак эмасми?”²² Раббий: “Агар Мен Садўм шаҳрида элликта ҳақ одамни топсам, улар ҳақи бу жойни аяйман”,- деди.²³ Иброҳим жавоб бериб деди: “Мана, мен тупроқ ва кул бўла туриб, Раббимга гапиришга журъат этдим.²⁴ Агар элликта ҳақ одамга бешта етишмаса, шу бешта етишмагани учун бутун шаҳарни ҳалок қиласанми?” Раббий эса: “Агар бу ерда қирқ бешта ҳақ одамни топсам, уни вайрон қилмайман”,- деди.²⁵ Иброҳим яна Унга гапиришда давом этиб: “Борди-ю, у ерда қирқта топилса-чи?”- деди. “Шу қирқта ҳақи бу ишни қилмайман”,- деб жавоб берди Раббий.²⁶ Иброҳим яна: “Айтадиган сўзимга Раббим ғазабланмасин-у, мабодо, у ерда ўттизта топилса-чи?”- деди. Раббий: “Агар у ерда ўттизта топсам ҳам, бу ишни қилмайман”,- деди.²⁷ Иброҳим: “Мана, мен Раббимга гапиришга кўп журъат қилдим, борди-ю, у ерда йигирмата топилса-чи?”- деди. Раббий эса: “Ўша йигирмата ҳақи бу жойни вайрон қилмайман”,- деди.²⁸ Иброҳим Унга: “Мен яна бир марта сўзласам, Раббим дарғазаб бўлмасин, борди-ю, у ерда ўнта топилса-чи?”- деди. Раббий: “Ўша ўнта ҳақи бу жойни вайрон қилмайман”,- деди.²⁹ Раббий Иброҳим билан суҳбатлашиб бўлгач, Ўз йўлида кетди. Иброҳим эса ўз жойига қайтиб кетди.

¹Бу икки фаришта кечқурун Садўмга келдилар. Лўт шаҳар дарвозаси ёнида ўтирар эди. Лўт уларни кўриши биланоқ қарши олиш учун ўрнидан туриб, юзи билан ергача таъзим қилди. ²“Менинг эгаларим! Қулингизнинг уйига кириб тунанглар, оёқларингизни ювинглар. Эрталаб туриб, яна ўз йўлингизга кетасизлар”,- деди у. Улар эса: “Йўк, биз кўчада тунаймиз”,- дедилар. ³Лўт эса улардан жуда қаттиқ ўтинди. Шунда улар бурилиб, унинг уйига кирдилар. Лўт улар учун зиёфат тайёрлаб, ачитқисиз нон пиширди ва улар едилар. ⁴Шу орада, улар ётишларидан олдин, Садўм шаҳрининг аҳолиси (ёшидан тортиб қарисигача) шаҳарнинг ҳар бир ҳудудидан келиб, Лўт уйининг атрофини ўраб олдилар. ⁵Улар Лўтни чақириб: “Бугун кечқурун олдингга келган одамлар қани? Уларни бизнинг олдимизга олиб чиқ, уларни таниб билайлик!”- дедилар. ⁶Лўт эса уларнинг олдида, остонага чиқиб, ортидан эшикни ёпди-да: ⁷“Биродарлар, ёмонлик қилманглар! ⁸Мана, эрни билмаган икки қизим бор. Яхшиси, мен уларни олдингизга чиқарай, улар билан истаганларингни қилинглар. Фақат бу одамларга ҳеч нарса қилманглар, чунки улар менинг томим соясига келганлар”,- деди. ⁹Улар эса: “Йўлдан қоч! Ўзи мусофир-у, бизни яна ҳукм қилишни истайди! Энди сени улардан кўра ёмонроқ аҳволга соламиз”,- дедилар-да, Лўтни жуда сиқдилар ва эшикни синдириш учун яқинлашдилар. ¹⁰Ичкаридаги одамлар қўл чўзиб, Лўтни уйга тортиб олдилар ва эшикни қулфладилар. ¹¹Сўнг унинг эшиги олдида бўлган одамларни – каттаю кичигини эса кўрлик билан шикастладилар. Шунда улар эшикни излаб қийналдилар. ¹²Бу одамлар Лўтга: “Бу шаҳарда сенинг яна киминг бор? Куёвингми, ўғлингми, қизингми – шаҳарда киминг бўлса, ҳаммасини бу ердан олиб чиққин. ¹³Чунки биз бу ерни вайрон қиламиз. Зеро унинг аҳолиси устидан Раббийга фарёд улқандир. Раббий бизни бу ерни вайрон қилиш учун юборди”,- дедилар. ¹⁴Лўт чиқди-да, қизларига уйланган куёвлари билан суҳбатлашиб: “Туринглар, бу ердан чиқиб кетинглар, чунки Раббий бу шаҳарни вайрон қилмоқчи”,- деди. Лекин куёвларига у ҳазил қилаётгандек туюлди. ¹⁵Тонг отгач, фаришталар Лўтга: “Ўрнингдан тур, бу шаҳарнинг гуноҳи туфайли ҳалок бўлмаслигинг учун ёнингга бўлган хотинингни ва икки қизингни олиб кет”,- деб айтиб, уни шоширдилар. ¹⁶Лўт сусткашлик қилганида, унга Раббийнинг шафқати ҳақи фаришталар унинг қўлидан, хотинининг қўлидан ва икки қизининг қўлидан ушлаб, шаҳарнинг ташқарисига чиқариб қўйдилар. ¹⁷Уларни ташқарига чиқараётганларида, фаришталардан бири Лўтга: “Жонингни қутқар! Ортингга қарама ҳам, бу яқин ўртада тўхтама ҳам. Ҳалок бўлмаслигинг учун тоққа қоч”,- деди. ¹⁸Аммо Лўт унга деди: “Йўк, Эгам! ¹⁹Мана, қулинг сенинг нигоҳингга илтифот топди! Менинг ҳаётимни сақлаб кўрсатган шафқатинг улғудир! Бироқ ушбу кулфат менга етиб олиб, мен ўлмаслигим учун мен тоққа қоча олмайман. ²⁰Мана, бу шаҳарча югуришга яқин, у кичкинадир. Мен ўша ерга югурсам бўладими? Шу шаҳарча кичкинадирку, ва менинг жоним тирик қолади”,- деди. ²¹Фаришта эса Лўтга: “Хўш, сен айтгандай бўлсин, ўша шаҳарни вайрон қилмайман. ²²Бироқ шошил, у ерга қочгин. Чунки сен у ерга етиб бормагунингча, мен ҳеч нима қила олмайман”,- деди. Шунинг учун бу шаҳарнинг номи Тсўар, деб аталган. ²³Куёш чиқаётганида, Лўт Тсўарга етиб келди. ²⁴Раббий Садўм билан Ғамўра устига осмондан олов ва олтингугурт ёғдириб, ²⁵бу шаҳарлар, уларнинг ён-атрофлари, бу шаҳарларнинг бор аҳолиси ва ернинг ўсимликларини яксон қилди. ²⁶Лўтнинг хотини эса унинг ортидан орқага қаради ва туз устунига айланди. ²⁷Иброҳим эрталаб барвақт уйғониб, у Раббийнинг қаршисида турган жойга борди. ²⁸У Садўм, Ғамўра ҳамда текисликдаги ерларга қаради. Мана, ўчоқдан чиқаётгандек ўша ердан тутун кўтарилар эди. ²⁹Худо текисликдаги шаҳарларни вайрон қилаётганида, Иброҳимни эслади. Шунинг учун Лўт яшаётган шаҳарларни вайрон қилаётганида, У вайронгарчилик орасидан Лўтни чиқариб юборди. ³⁰Лўт Тсўар шаҳридан чиқиб, икки қизи билан тоғда яшай бошлади. Чунки у Тсўарда яшашдан қўрқди. Шунинг учун у икки қизи билан ғорда истиқомат қила бошлади. ³¹Бир кун Лўтнинг катта қизи кичигига деди: “Отамиз қариб қоляпти, бутун ер юзидаги одатга кўра эса бизнинг олдимизга кирадиган эркак йўк. ³²Кел, отамизга шароб ичириб, у билан ётамиз, токи отамиздан уруғ қолдирайлик”. ³³Ўша тунда улар оталарига шароб ичирдилар. Катта қизи кириб, отаси билан ётди. У эса қизининг қачон ётиб, қачон турганини билмади. ³⁴Эртасига катта қизи кичигига: “Мен ўтган кеча отам билан ётдим. Бу кеча унга яна шароб ичирамиз, бу гал сен кириб, у билан ёт, токи отамиздан уруғ қолдирайлик”,- деди. ³⁵Улар бу тун ҳам оталарига шароб ичирдилар. Кичиги бориб, отаси билан ётди. Отаси эса қизининг қачон ётиб, қачон турганини билмади. ³⁶Шундай қилиб, Лўтнинг иккала қизи ҳам ўз оталаридан ҳомиладор бўлдилар. ³⁷Катта қизи ўғил туғиб, унинг исмини Мўаб қўйди. У бугунгача Мўаб халқининг отасидир. ³⁸Кичик қизи ҳам ўғил туғиб, унинг исмини Бен-Амми қўйди. У бугунгача Аммон ўғилларининг отасидир.

20

¹Иброҳим у ердан жануб томонга кўчиб, Қадеш билан Шур орасида жойлашди ва вақтинча Гарорда яшаб турди. ²Иброҳим хотини Соро ҳақида: “Бу менинг синглим”,- деб айтгани учун Гарор подшоҳи Абумалек одам юбориб, Сорони олди. ³Аммо тунда Худо Абумалекка тушида келиб, унга: “Мана, сен олган аёл учун ўласан, чунки унинг эри бор”,- деди. ⁴Абумалек эса Сорога яқинлашмаган эди. У деди: “Ё, Раббий! Наҳотки Сен бегуноҳ халқни ҳам ҳалок қилсанг? Унинг ўзи менга: Бу менинг синглим,- деган эмасмиди? Аёлнинг ўзи ҳам: Бу менинг акам,- деган эди. Мен бунини юрагимнинг соддалиги ва қўлларимнинг поклигида қилдим”. ⁵Сўнг Худо унга тушида деди: “Сен бунини юрагининг соддалигида қилганингни билиб, сени Менга қарши гуноҳ қилишдан сақладим. Шунинг учун унга қўл тегизишингга йўл қўймадим. ⁷Энди хотинини эрига қайтариб бер, чунки у пайғамбардир. У сен

учун ибодат қилади ва сен тирик қоласан. Агар қайтариб бермасанг, билгинки, сен ва ҳамма сеникилар аниқ ўласизлар”.⁸Шунда Абумалек эрталаб барвақт туриб, ўзининг барча қулларини чақиртирди ва бу сўзларнинг барчасини уларнинг қулоқларига сўзлаб берди. Бу одамлар эса жуда қўрқиб кетдилар.⁹Сўнг Абумалек Иброҳимни чақиртириб унга деди: “Сен бизга нима қилдинг? Мен сенга нима ёмонлик қилдимки, сен мени ва менинг шоҳлигимни қарийб буюк гуноҳга ботирдинг? Сен менга нисбатан қилиш мумкин бўлмаган ишни қилдинг”.¹⁰Абумалек Иброҳимга яна: “Сен бу ишни қилганингда, нимани назарда тутган эдинг?”- деди.¹¹Иброҳим эса деди: “Мен, бу жойда Худодан қўрқиш йўқ ва мени хотиним учун ўлдирадилар, деб ўйладим.”¹²Яна, ҳақиқатан ҳам, у менинг синглим – у менинг отамнинг қизи, фақат онамнинг қизи эмас. У менинг хотиним бўлди.¹³Худо менга отамнинг уйдан чиқиб, мусофир кезишга бошқарганида, мен хотинимга деган эдим: Менга қиладиган яхшилигинг шу бўлсин, биз қайси жойга келмайлик, ҳамма жойда мен ҳақимда: Бу менинг акам,- деб айтгин”.¹⁴Шунда Абумалек қўйлар, ҳўкизлар, қулар ва чўриларни олиб, Иброҳимга берди. Шунингдек, хотини Сорони ҳам қайтариб берди.¹⁵Сўнг Абумалек: “Мана, менинг ерим сенинг қаршингда, ўзингга маъқул бўлган жойда яша”,- деди.¹⁶Сорога эса: “Мана, мен сенинг акангга минг кумуш танга бердим. Бу – сен билан бўлганларнинг барчаси олдида сенинг ёпинғичингдир. Сен ҳамманинг олдида оқландинг”,- деди.¹⁷Сўнггра Иброҳим Худога ибодат қилди ва Худо Абумалекни, унинг хотинини ҳамда унинг чўриларини шифолади, шунда улар туға бошладилар.¹⁸Зеро Худо Иброҳимнинг хотини Соро учун Абумалекнинг хонадонидagi барча қоринларни ёпиб қўйган эди.

21

¹Раббий Ўзи айтганидек Сорога назар солди. Шундай қилиб, Раббий Сорога айтганидек қилди.²Соро эса ҳомиладор бўлиб, Худо Иброҳимга белгилаган вақтда, унинг қариган чоғида унга ўғил туғиб берди.³Иброҳим Соро унга туғиб берган ўғлининг исмини Исҳоқ қўйди.⁴Худо Иброҳимга буюрганидек, у ўғли Исҳоқни саккиз кунлигида хатна қилди.⁵Ўғли Исҳоқ туғилганида, Иброҳим юз ёшда эди.⁶Соро эса: “Худо мени кулдирди, бу ҳақда эшитган ҳар ким мен билан бирга кулади”,- деди.⁷У яна: “Ким Иброҳимга Соро болаларни кўкрак сути билан боқади, деб айтар эди? Зеро унинг қариган чоғида мен унга ўғил туғиб бердим!”- деди.⁸Бола ўсиб, кўкракдан ажратилди. Иброҳим Исҳоқ кўкракдан ажратилган куни катта зиёфат қилди.⁹Соро эса мисрлик Ҳожарнинг Иброҳимга туғиб берган ўғли мазах қилаётганини кўриб,¹⁰Иброҳимга: “Бу чўрини ва унинг ўғлини ҳайдаб юбор! Чунки бу чўрининг ўғли менинг ўғлим Исҳоқ билан меросхўр бўлмайди”,- деди.¹¹Бу иш Иброҳимнинг нигоҳида унинг ўғли сабабли ўта қайғули эди.¹²Шунда Худо Иброҳимга деди: “Бу иш сенинг нигоҳингда ўсмир ва чўринг сабабли қайғули бўлмасин. Соро сенга айтган ҳамма нарсада унинг овозига қулоқ сол. Чунки сенинг уруғинг Исҳоқда номланади.”¹³Чўрининг ўғлидан ҳам Мен халқ яратаман, чунки у сенинг уруғинг”.¹⁴Иброҳим эрталаб барвақт туриб, нон ва бир меш сув олди-да, Ҳожарга берди ва унинг ҳамда боланинг елкасига қўйиб, уларни жўнатиб юборди. Улар кетаётиб, Беир-Шеба чўлида адашиб қолишди.¹⁵Мешдаги сув тугади, шунда Ҳожар болани бир бутанинг тағига ташлаб кетди.¹⁶У кетиб, бир камон ўқи етар масофада ўтирди. Чунки у: “Боланинг ўлимини кўришни истамайман”,- деди. У рўпарада ўтирганича, фарёд кўтариб йиғлади.¹⁷Худо эса ўсмирнинг овозини эшитди. Худонинг фариштаси осмондан Ҳожарга хитоб қилиб деди: “Сенга нима бўлди, Ҳожар? Қўрқма, Худо ўсмирнинг овозини у турган жойдан эшитди.”¹⁸Тургин, ўғлингни кўтариб, уни қўлидан ушла, чунки Мен ундан буюк халқ яратаман”.¹⁹Шунда Худо Ҳожарнинг кўзларини очди ва у суви бор қудуқни кўрди. У бориб, мешни сувга тўлдирди ва ўсмирга ичирди.²⁰Худо ўсмир билан бирга эди. У улғайиб саҳрода яшай бошлади ва камон отувчи бўлди.²¹У Порон саҳросида яшар эди. Ҳожар унга Миср еридан хотин олиб берди.²²Ўша вақтда Абумалек ва унинг қўшинлари қўмондони Пихўл Иброҳимга сўзлаб дейишди: “Сен нимаики қилсанг, Худо сен билан биргадир.”²³Энди шу ерда Худо ҳақи қасам ичгин – сен мени ҳам, менинг ўғлимни ҳам, ўғлимнинг ўғлини ҳам алдамайсан. Мен сенга нисбатан яхши муносабатда бўлганимдек, сен ҳам менга нисбатан ва сен мусофир бўлган юртимизга нисбатан яхши муносабатда бўласан”.²⁴Шунда Иброҳим: “Мен қасам ичаман”,- деди.²⁵Кейин Иброҳим Абумалекнинг қуллари сув қудуғини зўрлик билан тортиб олганлари учун Абумалекка таъна қилди.²⁶Абумалек эса: “Ким бу ишни қилганини билмайман, сен ҳам менга айтган эмассан, мен бу ҳақида ҳанузгача эшитган эмасман”,- деди.²⁷Иброҳим қўйлар ва ҳўкизлар олиб, Абумалекка берди. Улар икковлари аҳд туздилар.²⁸Иброҳим подадан еттита урғочи қўзини алоҳида қўйди.²⁹Шунда Абумалек Иброҳимдан: “Нима учун бу еттита урғочи қўзини алоҳида қўйдинг?”- деб сўради.³⁰Иброҳим: “Бу еттита урғочи қўзини менинг қўлимдан олгин, шундай қилиб, шу қўзилар бу қудуқни мен қазиганимга гувоҳ бўладилар”,- деди.³¹Шунинг учун у ўша жойни Беир-Шеба, деб атади, чунки у ерда икковлари қасам ичдилар.³²Ва Беир-Шебада аҳд туздилар. Сўнггра Абумалек ва унинг қўшинлари қўмондони Пихўл туриб, Пелишт ерига қайтиб кетишди.³³Иброҳим эса Беир-Шебада эманзор ўтқазди ва ўша жойда Раббийнинг номини – Эл-Олам (“Мангу Худо”), деб чорлади.³⁴Иброҳим Пелишт ерида анча вақт мусофирдек яшади.

22

¹Бу воқеалардан сўнг Худо Иброҳимни синаб, уни: “Иброҳим”,- деб чақирди. У эса: “Мана, мен”,- деди.²Худо эса: “Ҳозир сен ўзинг севадиган ўғлингни, ягона ўғлинг Исҳоқни олиб, Мўрийаҳ ерига бор. Ўша ерда эса Мен сенга айтадиган тоғларнинг бирида уни тамоман ёндириш қурбонлигига қурбон қил”,- деди.³Шунда Иброҳим эрталаб

барвақт туриб, эшагини эгарлади ва ўзи билан иккита хизматкорини ва ўғли Исҳоқни олиб, тамоман ёндириш қурбонлиги учун ўтин тайёрлади. Шундай қилиб, Худо унга айтган жойга кетди.⁴Учинчи кунда эса Иброҳим кўзларини кўтариб, у жойни узоқдан кўрди.⁵Иброҳим ўзининг хизматкорларига: “Сизлар шу ерда эшак билан қолинглар, мен ўғлим билан бирга у ерга бориб сажда қиламиз, сўнг олдинга қайтиб келамиз”, - деди.⁶Иброҳим тамоман ёндириш қурбонлиги учун ўтинларни олиб, уларни ўғли Исҳоқнинг елкасига ортди, ўзи эса қўлига олов ва пичоқни олиб, икковлари бирга кетдилар.⁷Исҳоқ отаси Иброҳимга сўзлаб деди: “Отажон!” У эса: “Мана, мен, ўғлим”, - деб жавоб берди. Исҳоқ: “Мана, олов ва ўтин бор, аммо тамоман ёндириш қурбонлиги учун қўзи қани?” - деди.⁸Иброҳим эса: “Ўғлим, Худонинг Ўзи тамоман ёндириш қурбонлиги учун қўзи билан таъминлайди”, - деди. Шундай қилиб, икковлари бирга бориб,⁹Худо Иброҳимга айтган жойга келдилар. Иброҳим у ерда қурбонгоҳ қуриб, ўтин қалади ва ўғли Исҳоқни боғлаб, уни қурбонгоҳга ўтинларнинг устига ётқизди.¹⁰Сўнг Иброҳим қўлини чўзиб, ўғлини сўйиш учун пичоқни олди.¹¹Аммо Раббийнинг фариштаси осмондан чақириб, унга: “Иброҳим! Иброҳим!” - деди. У эса: “Мана, мен”, - деди.¹²Фаришта: “Болага қўл тегизма, унга ҳеч нима қилма. Чунки Мен энди сенинг Худодан қўрқишингни билдим ва сен ўзингнинг ягона ўғлиниги Мендан аямадинг”, - деди.¹³Иброҳим кўзларини кўтариб қаради ва, мана, орқада шохлари чакалакзорга ўралиб қолган қўчқорни кўрди. Иброҳим бориб, қўчқорни олиб келди ва уни ўғлининг ўрнига тамоман ёндириш қурбонлигига қурбон қилди.¹⁴Иброҳим бу жойнинг номини Йахве-Йире (“Раббий таъминлайди”), деб атади. Шунинг учун ҳозирги кунларда ҳам: “Раббийнинг тоғида таъминланади”, - дейилади.¹⁵Сўнг Раббийнинг фариштаси Иброҳимни осмондан яна чақириб,¹⁶деди: “Ўзим билан қасам ичаман, - дейди Раббий, - сен бу ишни қилганинг учун, ўзингнинг ягона ўғлиниги аямаганинг учун¹⁷Мен сени дуо қилиб дуо қиламан. Сенинг уруғингни кўпайтириб, осмондаги юлдузлар каби ва денгиз соҳилидаги қумлар каби кўпайтираман. Сенинг уруғинг ўз душманларининг дарвозаларига эгалик қилади.¹⁸Сенинг уруғингда ер юзидаги барча халқлар барака топадилар, чунки сен Менинг овозимга қулоқ солдинг”.¹⁹Шундан сўнг Иброҳим хизматкорларининг олдига қайтиб келди. Шундай қилиб, улар биргаликда Беир-Шебага кетдилар. Иброҳим Беир-Шебада яшар эди.²⁰Бу воқеалардан сўнг Иброҳимга хабар бериб дейишди: “Мана, Милка ҳам сенинг уканг Нахўрга ўғиллар туғиб берди”.²¹Нахўрнинг тўнғичи Уз, унинг укаси Буз, Кемуэл (у Арамнинг отаси бўлди),²²Қесед, Хазо, Пилдош, Йидлоф ва Бетуэл эди.²³Бетуэл Ривқони туғди. Мана, шу саккизта ўғилни Милка Иброҳимнинг укаси Нахўрга туғиб берди.²⁴Унинг Раҳума деган чўриси ҳам унга Тебақ, Гахам, Таҳаш ва Маақаҳни туғиб берди.

23

¹Соро бир юз йигирма етти ёшда эди. Соронинг бор умри шунча бўлди.²Соро шу ёшида Канъан еридаги Қиръат-Арба яъни Хебронда оламдан ўтди. Иброҳим Соро учун йиғлаб, мотам тутиш учун келди.³Иброҳим марҳумасининг олдидан йироқлашди ва Хет ўғиллари олдига келиб, уларга сўзлаб деди: “Мен сизларнинг орангизда мусофир ва келгиндиман. Мен марҳумамни кўз ўнгимдан кўмишим учун қабристонга ерингизнинг бир қисмини мулкимга беринглар”.⁴Хет ўғиллари эса Иброҳимга жавоб бериб: “⁵Ҳазратимиз, бизга қулоқ сол, - дедилар, - Сен бизнинг орамизда қудратли шахзодасан. Мақбараларимизнинг энг яхшисига марҳумангни дафн эт. Биздан бирор киши марҳумангни кўмишинг учун сендан ўз мақбарасини аямайди”.⁷Иброҳим ўрнидан туриб, бу ернинг халқига – Хет ўғилларига таъзим қилди-да,⁸уларга сўзлаб деди: “Агар марҳумамни кўз ўнгимдан кўмишимга рози бўлсангизлар, менга қулоқ солинглар: мен учун Зўхар ўғли Эфрондан илтимос қилинглар,⁹у ўзининг даласи четидаги Макпелаҳ ғорини менга берсин. Мен сизларнинг орангизда қабристонга эга бўлишим учун унинг қиймати қанча бўлса, у шу нархга берсин”.¹⁰Эфрон эса Хет ўғилларининг орасида ўтирган эди. Хетлик Эфрон эса Хет ўғилларига, яъни шаҳар дарвозасига келган ҳамма хетликларга эшиттириб, Иброҳимга жавоб берди: “¹¹Йўқ, ҳазратим, менга қулоқ сол, мен сенга далани ҳам, ундаги ғорни ҳам инъом қиламан. Халқим ўғилларининг ҳузурида мен уни сенга инъом қиламан, ўз марҳумангни кўмгин”.¹²Иброҳим эса у ернинг халқи олдига таъзим қилди-да,¹³ўша ернинг халқига эшиттириб, Эфронга сўзлаб деди: “Илтимос, менга қулоқ сол. Сенга у дала учун пул бераман. Пулни мендан ол ва мен марҳумамни ўша ерда кўмаман”.¹⁴Эфрон Иброҳимга жавоб бериб: “¹⁵Ҳазратим, менга қулоқ сол, ернинг нархи тўрт юз кумуш шеқел, бу мен ва сен учун нима деган гап? Марҳумангни кўмавер”, - деди.¹⁶Иброҳим Эфронга қулоқ солиб, у Хет ўғилларига эшиттириб айтган нархни, савдогарлар муомаласида юрган тўрт юз кумуш шеқелни унга тортиб берди.¹⁷Шундай қилиб, Эфроннинг даласи, яъни Мамре қаршисидаги Макпелаҳда бўлган дала ва ундаги ғор, шунингдек, далада ва унинг атрофидаги ҳудудларида бўлган барча дарахтлар¹⁸Иброҳимнинг мулкига ўтди. Булар Хет ўғилларининг ҳузурида, шаҳар дарвозасидан кириб-чиқадиган ҳамманинг қаршисида бўлди.¹⁹Шундан сўнг Иброҳим хотини Сорони Мамре қаршисидаги, Макпелаҳда бўлган даласидаги ғорга кўмди. Бу ҳозирги Канъан еридаги Хеброндир.²⁰Шундай қилиб, дала ва ундаги ғор Хет ўғилларидан Иброҳимга қабристон сифатида мулк қилиб берилди.

24

¹Иброҳим қариб ёши ўтиб қолган эди. Раббий Иброҳимга ҳамма нарасада барака ато қилди.²Бир куни Иброҳим ўз хонадонидаги бор мулкни идора қилувчи бош қўлига деди: “Қўлингни сонимнинг остига қўйиб,³осмоннинг Худоси ва ернинг Худоси бўлмиш Раббий ҳақи – шу ердаги канъанлик қизларидан менинг ўғлимга хотин олиб бермаслигинг ҳақида қасам ичгин. ⁴Бироқ менинг еримга, менинг қариндошларимнинг олдига бориб, ўғлим

Исҳоққа хотин олиб кел”.⁵ Қули эса унга: “Балки, у аёл мен билан бу ерга келишни истамас, шунда мен ўғлингни сен чиққан ерга қайтариб олиб бораёми?”- деди.⁶ Иброҳим унга деди: “Эҳтиёт бўл, менинг ўғлимни у ерга қайтариб олиб борма”.⁷ Мени отамнинг уйдан, қариндошларимнинг еридан олиб чиққан, “Шу ерни сенинг уруғингга бераман”, - деб қасам ичган Раббий осмоннинг Худоси Ўз фариштасини сенинг олдиндан юборади ва сен ўғлимга хотинни ўша ердан олиб келасан.⁸ Агар у аёл сен билан келишни истамаса, сен менинг бу қасамимдан озод бўласан, фақат ўғлимни у ерга қайтариб олиб борма”.⁹ Шунда қул хўжайини Иброҳимнинг сони остига қўлини қўйиб, булар ҳақида қасам ичди.¹⁰ Сўнг қул хўжайинининг туяларидан ўнта туяни олиб, йўлга тушди. Унинг қўлида хўжайинининг ҳар хил қимматбаҳо нарсалари ҳам бор эди. У туриб Орам-Наҳарайимга, Нахўрнинг шаҳрига кетди.¹¹ У оқшом пайти, яъни аёллар сув тортгани чиқадиغان вақтда шаҳар ташқарисидаги қудуқ ёнида туяларини чўктирди.¹² Сўнг у деди: “Ё, Раббий хўжайиним Иброҳимнинг Худоси! Бугун менга омад бер ва хўжайиним Иброҳимга шафқатингни кўрсат”.¹³ Мана, мен сув булоғи бошида турибман ва шаҳар аҳлининг қизлари сув тортиш учун чиқиб келмоқдалар.¹⁴ Энди, мен: Кўзангни эгиб, мен сув ичай,- деганимда: ‘Ичинг, мен туяларингизни ҳам суғораман’, - деб жавоб берадиган қиз қулинг Исҳоққа тайинланган келин бўлсин. Ана шундан менинг хўжайинимга шафқат кўрсатганингни билиб оламан”.¹⁵ У гапини ҳали тугатмаган эди, мана, елкасида кўзасини кўтариб олган бир қиз келиб қолди. Унинг исми Ривқо бўлиб, у Иброҳимнинг укаси Нахўрнинг Милка исмли хотинидан туғилган ўғли Бетуэлнинг қизи эди.¹⁶ Қизнинг кўриниши ўта гўзал бўлиб, у эр билмаган бокира эди. У булоқ бошига тушиб, кўзасини тўлдирди ва юқорига чиқди.¹⁷ Қул унинг қаршисига югуриб бориб: “Менга кўзангдан ичишга озгина сув бер”, - деди.¹⁸ Қиз эса: “Ичинг, ҳазратим”, - деб шошилиб кўзасини қўлига тушириб, унга ичишга сув берди.¹⁹ Унга сув ичиргач: “Туяларингизни ҳам улар сувдан тўйгунича, сув тортиб суғораман”, - деди.²⁰ Сўнг шошилиб кўзасини охурга бўшатиб, яна сув тортиш учун қудуқ томонга югурди ва унинг ҳамма туяларини суғорди.²¹ Бу киши эса Раббий унинг йўлини муваффақиятли қилдими ёки йўқми, билиш учун унга ҳайрат билан сўзсиз тикилиб турар эди.²² Туялари сув ичиб бўлганидан сўнг, у киши оғирлиги ярим шеқел бўлган олтин сирға ва оғирлиги ўн шеқел бўлган иккита олтин билагузукларни олиб, ундан: “Кимнинг қизисан? Отангнинг уйда биз тунашимиз учун жой борми?”- деб сўради.²⁴ Қиз эса унга: “Мен, Нахўрга Милка исмли хотини туғиб берган ўғли Бетуэлнинг қизиман”, - деди.²⁵ У яна: “Бизда етарлича сомон ва ем бор. Тунаш учун жой ҳам бор”, - деди.²⁶ У киши бошини эгиб, Раббийга сажда қилди.²⁷ Ва деди: “Ўз ҳақиқати ва шафқати билан хўжайинимни ташлаб кетмаган Раббий хўжайиним Иброҳимнинг Худоси муборақдир. Раббий тўғри йўл билан мени хўжайинимнинг укасининг уйига бошлаб келди”.²⁸ Қиз югуриб бориб, онасининг хонадонидагиларга буларни айтиб берди.²⁹ Ривқонинг Лабан исмли акаси бор эди. Лабан булоқ бошига, ўша одамнинг олдига югуриб чиқди.³⁰ У синглисининг қўлларидаги сирға ва билагузукларни кўриб, синглиси Ривқонинг: “У киши менга шундай деди”, - деганини эшитиб, ўша одамнинг олдига келди. Мана, у булоқ бошида, туяларнинг ёнида турар эди.³¹ Лабан: “Кел, эй, Раббий дуо қилган одам. Нега ташқарида турибсан? Мен сенга уй, туяларинг учун жой тайёрлаб қўйдим”, - деди.³² У киши уйга кирди. Лабан туяларнинг эгарларини ечиб, уларга сомон ва ем берди. У кишига ва у билан бирга келганларга оёқларини ювиш учун сув берди.³³ Унинг олдига ейиш учун овқат қўйдилар. Аммо у: “Ишимни сизларга айтмагунимча, овқат емайман”, - деди. Улар: “Тапир”, - дедилар.³⁴ Шунда у: “Мен Иброҳимнинг қулиман,- деди,-³⁵ Раббий менинг хўжайинимга кўплаб барака берди. Шунинг учун у буюк бўлди. Раббий унга қўй ва хўкизлар, қумуш ва олтинлар, қул ва чўрилар, туя ва эшаклар берди.³⁶ Хўжайинимнинг хотини Соро қариган чоғида унга ўғил туғиб берди. У эса ҳамма нарсасини ўғлига берди.³⁷ Хўжайиним менга қасам ичириб деди: “Менинг ўғлимга шу ердаги канъанлик қизлардан хотин олма,³⁸ балки менинг отамнинг уйига, қариндошларимникига бориб, ўғлимга хотин олиб кел”.³⁹ Мен хўжайинимга: “У хотин мен билан келишни истамаса-чи?”- дедим.⁴⁰ У эса менга деди: “Мен қаршисида юрган Раббий Ўз фариштасини юбориб, йўлингни муваффақиятли қилади ва сен менинг ўғлимга хотинни отамнинг уйдан, менинг қариндошларимдан оласан.⁴¹ Қариндошларимникига борганимда, менинг қасамимдан озод бўласан. Агар улар сенга беришмаса, шунда менинг қасамимдан озод бўласан”.⁴² Мен бугун қудуқ бошига келиб дедим: “Ё, хўжайиним Иброҳимнинг Раббий Худоси, Сен менинг келаётган йўлимни дуо қилсанг эди!”⁴³ Мана, мен сув қудуғи бошида турибман. Сув тортишга чиққан қизга мен: Кўзангдан ичишга озроқ сув бер,- деганимда,⁴⁴ у менга: Ўзингиз ичинг, мен туяларингиз учун ҳам сув тортаман,- деса, Раббий хўжайинимнинг ўғлига тайинлаган келин шу бўлсин”.⁴⁵ Мен юрагимда айтиб бўлмаган эдимки, мана, Ривқо елкасида кўзаси билан чиқиб келди. У қудуққа тушиб, сув тортиди ва мен унга: Менга сув ичир,- дедим.⁴⁶ У шошиб елкасидан кўзасини тушириб: Ичинг, мен туяларингизни ҳам суғораман,- деди. Мен ҳам сув ичдим, у туяларимни ҳам суғорди.⁴⁷ Мен ундан: Сен кимнинг қизисан?- деб сўрадим. У эса: Милка Нахўрга туғиб берган ўғли Бетуэлнинг қизиман,- деди. Шунда мен унга сирға ва қўлларига билагузуклар бериб,⁴⁸ тиз чўқдим ва Раббийга сажда қилиб, хўжайиним биродарининг қизини унинг ўғлига хотинликка олиб бериш учун мени тўғри йўлдан бошқарган Раббий хўжайиним Иброҳимнинг Худосига миннатдорчилик билдирдим.⁴⁹ Энди менинг хўжайинимга илтифот ва ҳаққонийлик кўрсатасизми ёки йўқми, шуни айтинглр. Бун қилмасанглр, ҳам айтинглр. Шунга қараб, мен ўнгга ёки чапга буриламан”.⁵⁰ Шунда Лабан ва Бетуэл жавоб бериб дейишди: “Бу иш Раббидан келди. Биз сенга бирор яхши ёки ёмон сўз айта олмаймиз.⁵¹ Мана, Ривқо сенинг қаршингда, уни олиб кет. Раббий айтганидек, у хўжайинининг ўғлининг хотини бўлсин”.⁵² Иброҳимнинг қули уларнинг сўзларини эшитганида, ергача тиз чўкиб, Раббийга сажда қилди.⁵³ Сўнгра қул қумуш тақинчоқлар, олтин тақинчоқларни

ҳамда кийимларни олиб Ривқога берди. Унинг онаси ва акаси ҳам қимматбаҳо совғалар берди.⁵⁴Шунда у ҳамда у билан бирга келган одамлар еб-ичдилар ва тунаб қолдилар. Улар эрталаб турганларида, у: “Мени хўжайинимнинг олдига қўйиб юборинглар”, - деди.⁵⁵Аммо унинг акаси ва онаси: “Қизимиз ҳеч бўлмаса, ўн кунча биз билан турсин, шундан сўнг борар”, - дедилар.⁵⁶Кул эса уларга: “Мени ушлаб турманглар, чунки Раббий менинг йўлимни дуо қилди. Мени қўйиб юборинглар, токи мен хўжайинимнинг олдига борай”, - деди.⁵⁷Улар эса: “Қизни чақириб, унинг фикрини сўрайлик”, - дедилар.⁵⁸Улар Ривқони чақириб, унга: “Бу одам билан борасанми?” - дедилар. У: “Бораман”, - деди.⁵⁹Шунда улар сингиллари Ривқони, унинг энагасини, Иброҳимнинг қулини ва унинг одамларини қўйиб юбордилар.⁶⁰Улар Ривқони дуо қилиб, унга дедилар: “Синглимиз! Сендан мингларча, ўн мингларча фарзандлар туғилсин, сенинг наслинг душманларининг дарвозасига эгалик қилсин”.⁶¹Ривқо ва унинг чўрилари туриб, туяларга миндилар ва у одам билан кетдилар. Кул Ривқони олиб, ўз йўлига тушди.⁶²Исҳоқ эса Беир-Лахай-Руй қудуги йўлидан келди, чунки у жануб томондаги ерда яшар эди.⁶³Оқшом чоғи Исҳоқ фикрлаш учун далага чиқди ва кўзларини кўтариб кўрдик, мана, туялар келар эди.⁶⁴Ривқо ҳам кўзларини кўтариб, Исҳоқни кўрди ва туядан тушди.⁶⁵У қулга деди: “Далада бизнинг рўпарамиздан келаётган киши ким?” Кул: “Бу менинг хўжайиним”, - деди. Шунда Ривқо ёпинчигини олиб ёпинди.⁶⁶Кул эса Исҳоққа ҳамма қилган ишларини айтиб берди.⁶⁷Исҳоқ онаси Соронинг чодирига Ривқони олиб келиб, уни олди ва Ривқо унинг хотини бўлди. Исҳоқ уни севиб қолди ва онасининг ўлимидан юпанди.

25

¹Сўнг Иброҳим яна хотин олди, унинг исми Қетуро эди.²Қетуро унга Зимрон, Йоқшон, Медон, Мидиан, Йишбоқ ва Шувахни туғиб берди.³Йоқшондан эса Шеба ва Дедон туғилди. Дедоннинг ўғиллари Ашури, Летушим ва Лехумим эди.⁴Мидианнинг ўғиллари Эфах, Эфер, Энўх, Абидо ва Элдах эди. Буларнинг ҳаммалари Қетуронинг ўғилларидир.⁵Иброҳим бор бойлигини Исҳоққа берди.⁶Иброҳимнинг чўриларидан кўрган ўғилларига эса Иброҳим совғалар берди. Бироқ ҳали ўзи ҳаётлигидаёқ, у уларни ўғли Исҳоқдан узоқлаштириб, шарқ томонга, шарқий ерга жўнатди.⁷Иброҳим яшаган умрининг кунларининг сони бир юз етмиш беш йил эди.⁸У тўлиқ мўйсафидликда, қарилик гашигини суриб, кексайиб жон берди ва оламдан ўтиб, ўз халқига қўшилди.⁹Ўғиллари Исҳоқ ва Исмоил уни Мамре қаршисидаги хетлик Зўхарнинг ўғли Эфроннинг даласидаги Макпелах ғорига кўмдилар.¹⁰Бу далани Иброҳим Хет ўғилларидан сотиб олган эди. Иброҳим ва унинг хотини Соро шу ерда кўмилган.¹¹Иброҳимнинг ўлимидан сўнг Худо унинг ўғли Исҳоқни дуо қилди. Исҳоқ Беир-Лахай-Руйнинг ёнида яшар эди.¹²Мана, бу Иброҳимга Соронинг чўриси мисрлик Хожар туғиб берган Исмоилнинг насл-насаби:¹³Булар Исмоилнинг ўғилларининг исмлари, уларнинг насл-насабига кўра исмлари: Исмоилнинг тўнғичи Небайот, Кедар, Адбел ва Мибсом,¹⁴Мишмо, Думах, Массо,¹⁵Ҳадар, Тема, Йетур, Нафиш ва Қедемах.¹⁶Булар Исмоилнинг ўғилларидир. Мана, уларнинг қишлоқлару қароргоҳларига кўра уларнинг исмларидир. Булар қабиаларининг ўн иккита қабилабошиларидир.¹⁷Исмоил умр кунларининг сони юз ўттиз етти йил эди. Сўнг Исмоил жон бериб, оламдан ўтди ва ўз халқига қўшилди.¹⁸Улар Миср олдидаги Ашурга бориш йўлидаги Хавилаҳдан то Шургача истиқомат қилар эдилар. Улар ўз ака-укаларининг қаршисида ўрнашдилар.¹⁹Мана, Иброҳимнинг ўғли Исҳоқнинг насл-насаби: Иброҳимдан Исҳоқ туғилди.²⁰Исҳоқ Паддон-Орамдан орамлик Бетуэлнинг қизи, орамлик Лабаннинг синглиси Ривқони хотинликка олганида, қирқ ёшда эди.²¹Исҳоқ Раббийга хотини учун ибодат қилди, чунки у бепушт эди. Раббий уни эшитди ва унинг хотини Ривқо ҳомиладор бўлди.²²Унинг ичида болалари уриша бошладилар. Ривқо: “Агар шунақа бўлса, бу менга нима керак?” - деб, бу ҳақида Раббийдан сўрагани кетди.²³Раббий унга: “Сенинг қорнингда иккита халқ бор, сенинг ичингдан икки тоифа халқ келиб чиқади. Бир халқ бошқасидан кучлироқ бўлади ва каттаси кичигига хизмат қилади”, - деди.²⁴Ривқонинг ой кунни тўлиб, туғиш вақти яқинлашди. Мана, унинг қорнидаги эгизаклар эди.²⁵Биринчиси қизил, бутун танаси пўстакдек сержун чиқди, унга Эсов (“Ғадир-будур”), деб исм қўйдилар.²⁶Сўнг унинг укаси, қўли билан Эсовнинг товонидан тутиб чиқди ва унга Ёқуб (“Товвони ушлаб олувчи”), деб исм қўйдилар. Улар туғилганларида, Исҳоқ олтмиш ёшда эди.²⁷Болалар улғайдилар. Эсов моҳир овчи, дала одами бўлди, Ёқуб эса чодирларда яшовчи ювош одам эди.²⁸Исҳоқ Эсовни севар эди, чунки унинг ўлжаси унга ёқар эди. Ривқо эса Ёқубни севар эди.²⁹Бир кунни Ёқуб овқат пиширди, Эсов эса тинкаси қуриб, даладан келиб қолди.³⁰Эсов Ёқубга: “Менга қизилдан, шу қизилдан ейишга бер, чунки менинг мадорим қуриди”, - деди. Шунинг учун унга Эдўм (“Қизил”), деб исм ҳам қўйдилар.³¹Аммо Ёқуб: “Ҳозироқ менга тўнғичлигингни сот”, - деди.³²Эсов эса: “Мана, мен очликдан ўлапман, менга бу тўнғичликдан нима фойда?” - деди.³³Ёқуб: “Менга ҳозироқ қасам ич”, - деди. Эсов унга қасам ичди ва тўнғичлигини Ёқубга сотди.³⁴Шунда Ёқуб Эсовга нон ва ясиқ ошидан берди. Эсов еб-ичди ва ўрнидан туриб, ташқарига чиқиб кетди. Шундай қилиб, Эсов ўз тўнғичлигини менсимади.

26

¹Ер юзида Иброҳимнинг кунларидаги очарчиликдан ташқари яна очарчилик бўлди ва Исҳоқ Гарорга, Пелишт подшоҳи Абумалекнинг олдига борди.²Раббий унга зоҳир бўлиб деди: “Мисрга борма, Мен сенга айтадиган ерда яша.³Шу ерда мусофирдек яша ва Мен сен билан бирга бўлиб, сенга барака бераман. Чунки Мен барча бу ерларни сенга ва сенинг авлодинга бериб, отанг Иброҳимга берган қасамимни бажо келтираман.⁴Сенинг уруғингни осмон юлдузларидек кўпайтираман, бу ерларнинг ҳаммасини сенинг уруғинга бераман. Ернинг

барча халқлари сенинг уругингда барака топадилар.⁵Чунки Иброҳим Менинг овозимга қулоқ солди ва Мен буюрган амрларимга, буйруқларимга ҳамда қонунларимга риоя қилди”.⁶Исҳоқ Гарорда яшай бошлади.⁷Ўша ернинг аҳолиси ундан хотини ҳақида сўрадилар. У эса: “Бу менинг синглим”,- деди, чунки у: “Бу менинг хотиним”,- дейишга қўрқди. Зеро у: “Бу жойнинг аҳолиси мени Ривқо учун ўлдиради”,- деб ўйлади, чунки унинг кўриниши гўзал эди.⁸У ўша ерда узоқ вақт яшаганидан сўнг, Пелишт подшоҳи Абумалек деразадан қараб, Исҳоқ хотини Ривқо билан ўйнаётганини кўриб қолди.⁹Абумалек Исҳоқни чақириб, унга деди: “Мана, бу сенинг хотининг-ку. Қандай қилиб сен уни, синглим, деб айтдинг?” Исҳоқ унга: “Мен у учун ўлмайин, деб шундай дедим”,- деб жавоб берди.¹⁰Аммо Абумалек: “Бу сенинг бизга нима қилганинг? Халқимиздан бири сенинг хотининг билан қовушишига оз қолди. Шундай қилиб, сен бизни гуноҳга киритган бўлар эдинг”,- деди.¹¹Абумалек бутун халққа: “Ким бу одамга ва унинг хотинига тегса, ўлимга тортилсин”,- дея амр берди.¹²Исҳоқ ўша ерда экин экиб, ўша йили юз карра ҳосил олди. Раббий унга шундай барака берди.¹³У улуг одам бўлди. У янада юксалиб, ўта улугвор одам бўлди.¹⁴Унинг қўй-эчкилари, мол подалари, хизматкорлари кўп эди. Шунинг учун пелиштликлар унга ҳасад қила бошладилар.¹⁵Отаси Иброҳимнинг ҳаётлик пайтида отасининг қуллари қазиган барча қудуқларни пелиштликлар кўмиб тупроққа тўлдирдилар.¹⁶Абумалек эса Исҳоққа: “Биздан узоқлаш, чунки сен биздан анча кучли бўлдинг”,- деди.¹⁷Исҳоқ у ердан узоқлашиб, Гарор водийсида чодир қурди ва ўша ерда ўрнашди.¹⁸Отаси Иброҳимнинг кунларида қазилган, Иброҳимнинг ўлимидан сўнг эса пелиштликлар кўмган сув қудуқларини Исҳоқ қайтадан қазиди ва уларни отаси атаган ўша номлар билан атади.¹⁹Исҳоқнинг қуллари водийда ер қазиб, ўша ерда тирик сув булоғини топдилар.²⁰Шунда Гарор чўпонлари Исҳоқнинг чўпонлари билан: “Бизнинг сувимиз”,- деб баҳслашдилар. У қудуққа Эсек (“Баҳслаш”), деб ном берди, чунки у билан баҳслашган эдилар.²¹Яна бошқа қудуқ қазидилар, у учун ҳам баҳслашдилар. У унга Ситнаҳ (“Қаршилиқ”), деб ном берди.²²Сўнг ўша ердан кўчиб, бошқа қудуқ қазиди. Бу қудуқ ҳақида бошқа баҳслашмадилар. Исҳоқ унга Рехобот (“Кенглик”), деб ном берди, чунки: “Энди Раббий бизга кенг жой берди ва биз ер юзида кўпаямиз”,- деди у.²³У ердан эса Беир-Шебага кўчиб кетди.²⁴Ўша тунда Раббий унга намоён бўлиб деди: “Мен отанг Иброҳимнинг Худосиман. Кўрқма, чунки Мен сен билан биргаман. Менинг қулим Иброҳим ҳақи сенга барака бераман ва сенинг уругингни кўпайтираман”.²⁵Шунда Исҳоқ ўша жойда қурбонгоҳ қурди ва Раббий номини чақирди. Шундай қилиб, ўша ерда чодир ёйишди. Исҳоқнинг қуллари эса қудуқ қазидилар.²⁶Бир кун унинг олдида Гарордан Абумалек, унинг дўсти Ахузав ва унинг қўшинлари кўмондони Пихўл келдилар.²⁷Исҳоқ уларга: “Мендан нафратланиб, ерингиздан қувганларингдан сўнг менинг олдимга нимага келдингизлар?”- деди.²⁸Улар дедилар: “Раббий сен билан эканини аниқ кўрдик, шунинг учун биз ўзимизга: Сен билан бизнинг орамизда қасам бўлсин ва сен билан аҳд тузайлик,- деб айтдик.”²⁹Биз сенга тегмасдан, сенга фақат яхшилик қилганимиз ва сени тинчлик билан қўйиб юборганимиздек, сен ҳам бизга ёмонлик қилма. Энди сен Раббийдан дуо қилингансан”.³⁰Исҳоқ эса уларга зиёфат берди, улар еб-ичдилар.³¹Эрталаб барвақт туриб, бир-бирларига қасам ичдилар. Кейин Исҳоқ уларни қўйиб юборди, улар унинг олдидан тинчлик билан қайтиб кетдилар.³²Шу куннинг ўзида Исҳоқнинг қуллари келиб, қазиган қудуқ ҳақида хабар бериб, унга: “Биз сув топдик”,- дедилар.³³У қудуқни Шеба, деб атади. Шунинг учун у шаҳарнинг номи ҳозирги кунларгача Беир-Шебадир.³⁴Эсов қирқ ёшида ўзига хетлик Беирнинг қизи Йеҳудитни ва хетлик Элоннинг қизи Босиматни хотинликка олди.³⁵Улар Исҳоқ билан Ривқога дил озори эдилар.

27

¹Исҳоқ қариганида, унинг кўзи хиралашиб кўрмай қолди. У тўнғич ўғли Эсовни чақириб, унга: “Ўғлим Менинг!”- деди. У эса: “Мана, мен”,- деди.²Исҳоқ деди: “Мана, мен қаридим, ўлиш кунимни билмайман.”³Шунинг учун қурол-аслаҳангни, ўқдонингни ва камонингни олиб, далага бор-у, менга ов қилиб кел⁴ва мен ёқтирадиган овқатни тайёрлаб, менга ейишга келтир, токи ўлишимдан олдин жоним сени дуо қилсин”.⁵Исҳоқ ўғли Эсовга сўзлаётганида, Ривқо эшитиб қолди. Эсов ов қилиб келиш учун далага кетганида, ⁶Ривқо ўғли Ёқубга деди: “Мана, мен отангнинг аканг Эсовга шундай деганини эшитдим: ⁷Менга ов қилиб келиб овқат тайёрла, мен уни еб, сени ўлимим олдидан Раббим қаршисида дуо қиламан.”⁸Энди, ўғлим, мен сенга буюрадиган сўзларимга қулоқ сол.⁹Подала бориб, у ердан менга иккита яхши улоқча олиб кел. Мен улардан отанга у яхши кўрадиган овқатни пишираман.¹⁰Сен эса уни отанга олиб кирасан, токи у еб олсин ва сени ўлими олдидан дуо қилсин”.¹¹Ёқуб онаси Ривқога деди: “Акам Эсов сержун одам, мен эса териси силлиқ одамман.¹²Балки отам мени пайпаслар ва унинг нигоҳида ёлғончи бўламан-у, ўзимга дуо ўрнига лаънат орттираман”.¹³Онаси эса унга: “Сенинг лаънатинг менга бўлсин, ўғлим, фақат менинг сўзларимга қулоқ сол ва бориб, менга айтганимни олиб кел”,- деди.¹⁴У бориб улоқчаларни онасига олиб келди. Онаси отаси ёқтирган овқатни тайёрлади.¹⁵Ривқо катта ўғли Эсовнинг уйдаги ҳашаматли кийимини олиб келиб, кичик ўғли Ёқубга кийдирди,¹⁶унинг қўллари ва силлиқ бўйинини эса улоқчаларнинг териси билан қолади.¹⁷Сўнг ўзи тайёрлаган овқат ва нонни ўғли Ёқубнинг қўлига берди.¹⁸У отасининг олдида кириб: “Отам менинг”,- деди. У: “Мана, менман. Кимсан ўғлим?”- деди.¹⁹Ёқуб отасига: “Мен – Эсов, сизнинг тўнғичингизман. Мен сиз айтганингиздек қилдим, туриб ўтиринг ва менинг овимдан енг, токи жонингиз мени дуо қилсин”,- деди.²⁰Исҳоқ ўғлига: “Қандай қилиб шу қадар тез тутдинг, ўғлим?”- деди. У эса: “Раббий Худойингиз ўлжани менинг олдимга юборди”,- деди.²¹Шунда Исҳоқ Ёқубга деди: “Олдимга кел, мен сени пайпаслаб кўрай, ўғлим. Сен ўғлим Эсовмисан ёки йўқми?”²²Ёқуб отаси Исҳоқнинг олдида келди. Исҳоқ уни

пайпаслаб: “Овоз – Ёқубнинг овози, қўллар эса Эсовнинг қўллари”,- деди.²³ У уни танимади, чунки унинг қўллари акаси Эсовнинг қўлларидек сержун эди. Шу тариқа, уни дуо қилиб,²⁴ деди: “Ўғлим Эсов, сенмисан?” У жавоб бериб: “Мана, мен”,- деди.²⁵ Исҳоқ: “Менинг олдимга олиб кел, мен ўғлимнинг овидан ейман, токи жоним сени дуо қилсин”,- деди. Ёқуб унга олиб борди ва у еди. Унга шароб ҳам олиб келди ва у ичди.²⁶ Шунда отаси Исҳоқ унга: “Яқин келиб, мени ўпгин, ўғлим”,- деди.²⁷ У яқинлашиб, отасини ўпди. Исҳоқ унинг кийимининг ҳидини сизди ва уни дуо қилиб деди: “Мана, ўғлимнинг ҳиди, Раббий дуо қилган даланинг ҳидидек.”²⁸ Худо сенга осмон шудрингидан, ернинг мўл ҳосилидан, шароб ва нондан тўла-тўқис қилиб берсин.²⁹ Сенга халқлар хизмат қилсинлар ва қабилалар сенга тиз чўқсинлар. Ака-укаларинг устидан хўжайин бўл ва онангнинг ўғиллари сенга тиз чўқсинлар. Сени лаънатлайдиганлар лаънатлидир, сени дуо қиладиганлар баракалидир”.³⁰ Исҳоқ Ёқубни дуо қилган ва Ёқуб отаси Исҳоқнинг олдидан чиққан лаҳзадаёқ акаси Эсов овдан қайтиб келди.³¹ У ҳам овқат тайёрлади ва отасига олиб келиб, унга: “Отам менинг, ўрнингиздан турунг, ўғлингизнинг овидан енг, токи жонингиз мени дуо қилсин”,- деди.³² Отаси Исҳоқ эса ундан: “Сен кимсан?”- деб сўради. У: “Мен – сизнинг ўғлингиз, сизнинг тўнғичингиз Эсовман”,- деди.³³ Исҳоқ жуда қаттиқ титраб: “Унда менга ов қилиб келган ким? Сен келишингдан олдин ҳаммасини едим ва мен уни дуо қилдим. У баракали бўлади”,- деди.³⁴ Эсов отасининг сўзларини эшитди-да, баланд ва ўта аччиқ фарёд қилиб, ўз отасига: “Отам менинг! Мени ҳам дуо қилинг”,- деди.³⁵ Аммо Исҳоқ: “Сенинг уканг айёрлик билан келиб, сенинг дуойингни олди”,- деди.³⁶ У эса: “Шунинг учун у Ёқуб, деб аталган эмасми? У мени иккинчи марта алдади. У тўнғичлигимни олган эди, энди эса, мана, дуойимни ҳам олди”,- деди. Сўнг яна: “Наҳотки, сиз менга дуо қолдирмадингиз?”- деди.³⁷ Исҳоқ Эсовга жавоб бериб: “Мана, мен уни сенинг устингдан хўжайин қилиб қўйдим ва унинг барча ака-укаларини унга қул қилиб бердим. Уни нон ва шароб билан таъминладим, сен учун нима қилай ўғлим?”- деди.³⁸ Аммо Эсов отасига: “Наҳотки, отам, сизнинг дуойингиз бир дона бўлса? Мени ҳам дуо қилинг, отам!”- деб айтиб, баланд овозда йиғлаб юборди.³⁹ Отаси Исҳоқ унга жавоб бериб деди: “Мана, сенинг яшаш жойинг серҳосил ердан ва юқоридан осмон шудрингидан бўлади.”⁴⁰ Сен қиличинг билан яшайсан ва укангга хизмат қиласан. Шундай вақт келадики, қаршилиқ қилиб, унинг бўйинтуруғини бўйнингдан узиб ташлайсан”.⁴¹ Эсов Ёқубдан отаси уни дуо қилгани учун нафратланди. Шунинг учун Эсов ўз юрагида: “Отам учун мотам тутиш кунлари яқинлашяпти, сўнг мен укам Ёқубни ўлдираман”,- деди.⁴² Ривқога катта ўғли Эсовнинг сўзларини айтиб бердилар. Шунда у одам юбориб, кичик ўғли Ёқубни чақиртирди ва унга деди: “Мана, аканг Эсов сени ўлдирмоқчи бўлиб, ўзига таскин бериб юрган экан.”⁴³ Шунинг учун, ўғлим, менинг сўзларимга қулоқ сол, ўрнингдан туриб Харан юртига, акам Лабаннинг олдига қочиб кет.”⁴⁴ Акангнинг қаҳри қайтгунича, бир қанча вақт уникида яшаб тур.”⁴⁵ Акангнинг жаҳли қайтгунича, сен унга қилган ишни унутгунича, ўша ерда тур. Сўнгра мен сенинг олдинга одам юбораман ва сени у ердан олиб келаман. Менга бир кунда иккаловларингдан ҳам ажралиш нима керак?”⁴⁶ Сўнгра Ривқо Исҳоққа: “Мен хетлик қизлари туфайли ҳаётдан тўйганман. Агар Ёқуб ўзига шуларга ўхшаш хетлик қизларидан, шу ернинг қизларидан хотин олса, менга ҳаётнинг нима кераги бор?”- деди.

28

¹ Исҳоқ Ёқубни чақириб, уни дуо қилди ва унга буюриб деди: “Ўзингга Канъан қизларидан хотин олма.”² Бироқ туриб Паддон-Орамга, онангнинг отаси Бетуэлнинг уйига бор. Ўша ердан, онангнинг акаси Лабаннинг қизларидан ўзингга хотин ол.³ Қодир Худо сенга барака берсин, серпушт қилсин, кўпайтирсин ва сендан кўплаб халқлар келиб чиқсин.⁴ Сенга ва сенинг уруғингга Иброҳимнинг баракасини берсин, токи сен Худо Иброҳимга берган мусофирлик ерини мерос қилиб ол”. Шундай қилиб, Исҳоқ Ёқубни қўйиб юборди. У Паддон-Орамга, Ёқуб ва Эсовнинг онаси Ривқонинг акаси орамлик Бетуэлнинг ўғли Лабаннинг олдига кетди.⁵ Эсов эшитдики, отаси Ёқубни дуо қилиб, унга: “Ўзингга Канъан қизларидан хотин олма”,- деб амр бериб, уни Паддон-Орамга ўша ердан ўзига хотин олиш учун юборибди.⁶ Ёқуб ўз отасига ва онасига қулоқ солиб, Паддон-Орамга кетибди.⁷ Эсов эса Канъан қизларининг отаси Исҳоққа маъқул эмаслигини кўргач,⁸ Исмоилнинг олдига борди ва хотинлари устига Иброҳимнинг ўғли, Небайотнинг синглиси, Исмоилнинг қизи Махалатни ўзига хотинликка олди.⁹ Ёқуб эса Беир-Шебадан чиқиб, Харан томонга қараб кетди.¹⁰ Бир жойга келиб, ўша ерда тунашга қолди, чунки куёш ботган эди. Ўша жойдан бир тошни олиб, ўзига ёстиқ қилиб қўйди ва ухлашга ётди.¹¹ У туш кўрди: Мана, нарвон ерда турар, унинг тепаси осмонга тегиб турар эди. Мана, Худонинг фаришталари ундан чиқиб-тушар эдилар.¹² Мана, Раббий унинг тепасида туриб шундай дер эди: “Мен Раббий, сенинг отанг Иброҳимнинг Худоси ва Исҳоқнинг Худосиман. Сен ётган ерни Мен сенга ва сенинг уруғингга бераман.”¹³ Сенинг уруғинг ер тупроғидек бўлади. Сен ғарбга ва шарққа, шимолга ва жанубга тарқаласан. Ернинг барча қабилалари сенда ва сенинг уруғингда барака топадилар.¹⁴ Мана, Мен сен билан биргаман. Сен қаерга борсанг, ўша ерда сени асрайман ҳамда шу ерга қайтариб олиб келаман. Зеро сенга айтганимни амалга оширмагунимча, Мен сени ташлаб кетмайман”.¹⁵ Ёқуб уйқусидан уйғониб: “Ҳақиқатан ҳам, Раббий шу жойда! Мен эса буни билмас эдим”,- деди.¹⁶ У кўрқиб кетди ва деди: “Бу жой нақадар даҳшатли! Бу жой Худонинг уйи экан, бу – осмоннинг дарвозасидир”.¹⁷ Ёқуб эр талаб барвақт туриб, бошига ёстиқ қилиб қўйган тошни олди, уни ёдгорлик қилиб қўйди ва унинг устига мой қуйди.¹⁸ Ўша жойнинг номи Бейт-Эл (“Худонинг Уйи”), деб атади, у шаҳарнинг олдинги номи Луз эди.¹⁹ Ёқуб шундай деб аҳд қилди: “Агар Худо мен билан бирга бўлса, мен кетаётган бу йўлда мени асраса, менга ейишга нон, кийишга кийим берса,²⁰ мен отамнинг уйига тинчлик билан қайтиб келсам, агар Раббий менинг

Худойим бўлса, ²²мен ёдгорлик қилиб қўйган бу тош Худонинг уйи бўлади. Сен менга берадиган ҳамма нарсадан мен Сенга ушр бераман”.

29

¹Ёқуб ўрнидан туриб, шарқ ўғиллари юртига кетди. ²Бир куни кўрдики, мана, далада қудуқ ва у ерда уч пода қўйлар ётар эди, чунки шу қудуқдан қўраларни суғорар эдилар. Қудуқнинг оғзида катта тош бор эди. ³Ҳамма қўралар у ерда тўпланганида, тошни қудуқнинг оғзидан тушириб, қўйларни суғорар эдилар. Сўнгра тошни яна ўз жойига, қудуқнинг оғзига қўяр эдилар. ⁴Ёқуб уларга: “Биродарлар! Қаердансизлар?”- деди. Улар: “Биз Харанданмиз”,- дедилар. ⁵У эса улардан: “Нахўр ўғли Лабанни биласизларми?”- деб сўради. Улар жавобан: “Биламиз”,- дедилар. ⁶У уларга яна: “У киши соғ-саломатми?”- деди. Улар: “Соғ-саломат,- дедилар,- мана, унинг қизи Роҳила қўзилари билан келяпти”. ⁷Ёқуб эса деди: “Мана, кун ҳали узун, подаларни тўплаш вақти эмас, қўзиларни суғоринлар-у, бориб ўтлатинлар”. ⁸Улар: “Ҳамма подалар тўпланмагунларича ва қудуқнинг оғзидан тошни туширмагунларича, бундай қила олмаймиз, ўшандагина қўйларни суғорамиз”,- дедилар. ⁹У улар билан суҳбатлашиб турганида, Роҳила отасининг қўйлари билан келди, чунки у уларни ўтлатар эди. ¹⁰Ёқуб онасининг акаси Лабаннинг қизи Роҳилани ва онасининг акаси Лабаннинг қўйларини кўрганида, яқинлашди ва қудуқнинг оғзидан тошни тушириб, онасининг акаси Лабаннинг қўйларини суғорди. ¹¹Ёқуб Роҳилани ўпди ва баланд овоз билан йиғлаб юборди. ¹²Ёқуб Роҳилага отасининг қариндоши эканини ва Ривқонинг ўғли эканини айтди. У эса югуриб бориб отасига айтди. ¹³Лабан синглисининг ўғли Ёқуб ҳақида эшитганида, югуриб чиқиб уни қарши олди, қучоқлаб ўпди ва уйига олиб кирди. У Лабанга буларнинг ҳаммасини айтиб берди. ¹⁴Лабан эса унга: “Сен ҳақиқатан ҳам менинг суягим ва менинг этимсан”,- деди. Ёқуб уникида бир ойларча яшади. ¹⁵Сўнг Лабан Ёқубга: “Наҳотки, сен қариндошим бўлганинг учун менга текин хизмат қилсанг? Менга айт, ҳақиқа нима тўлай?”- деди. ¹⁶Лабаннинг иккита қизи бор эди. Каттасининг исми Леах, кичигининг исми эса Роҳила эди. ¹⁷Леахнинг кўзлари заиф эди, Роҳила хушқомат ва чеҳраси гўзал эди. ¹⁸Ёқуб Роҳилани севиб қолди. Шунинг учун у: “Мен сизга кичик қизингиз Роҳила учун етти йил хизмат қиламан”,- деди. ¹⁹Лабан жавобан: “Уни бошқа бировга бергандан кўра, сенга берганим маъқулдир. Меникида яша”,- деди. ²⁰Ёқуб Роҳила учун етти йил хизмат қилди. Бу муддат унга бир неча кундек туюлди, чунки у Роҳилани севар эди. ²¹Сўнг Ёқуб Лабанга деди: “Менга хотинимни беринг, чунки унинг олдига кириш вақтим келди”. ²²Лабан ўша жойнинг ҳамма одамларини чақириб зиёфат қилди. ²³Кечқурун эса Лабан қизи Леахни олиб, унинг олдига киритди. Ёқуб уни таниб-билди. ²⁴Лабан ўз чўриси Зилпахни қизи Леахга чўриликка берди. ²⁵Ёқуб эрталаб қараса, бу Леах эди. У Лабанга: “Сиз менга нима қилдингиз? Сизникида Роҳила учун хизмат қилган эмасмидим? Нима учун мени алдадингиз?”- деди. ²⁶Лабан эса деди: “Бизнинг еримизда бундай қилишмайди, кичигини каттасидан олдин турмушга беришмайди. ²⁷Буниси билан ҳафтани ўтказ, сўнгра яна бошқа етти йил қиладиган хизматинг эвазига унисини ҳам сенга берамиз”. ²⁸Ёқуб шундай қилди ва буниси билан ҳафтани ўтказди. Сўнг Лабан қизи Роҳилани унга хотинликка берди. ²⁹Лабан чўриси Билхални қизи Роҳилага чўриликка берди. ³⁰Ёқуб Роҳиланинг олдига ҳам кирди. У Роҳилани Леахдан кўра кўпроқ севар эди. У Лабанникида яна етти йил хизмат қилди. ³¹Раббий Леахнинг сеvimли эмаслигини кўриб, унинг қорнини очди. Роҳила эса бепушт эди. ³²Леах ҳомиладор бўлиб ўғил туғди, унинг исмини Рубен (“Ўғлингни кўргин”) қўйди: “Чунки,- деди у,- Раббий менинг сиқилишимни кўрди, энди эрим мени сева бошлайди”. ³³У яна ҳомиладор бўлиб, ўғил туғиб: “Раббий менинг сеvimли эканлигимни эшитиб, бунини ҳам берди”,- деди. Унга Шимўн (“Эшитилган”), деб исм қўйди. ³⁴У яна ҳомиладор бўлиб, ўғил туғиб: “Мана, энди эрим менга ёпишиб қолади, чунки мен унга учта ўғил туғиб бердим”,- деди. Шунинг учун у Леви (“Ёпишилган”), деб аталди. ³⁵У яна ҳомиладор бўлиб, ўғил туғиб: “Мана, энди мен Раббийни шарафлайман!”- деди. Шунинг учун унга Яхудо (“Йахвеҳ шуҳратлансин”), деб исм қўйди. Сўнг туғишдан тўхтади.

30

¹Роҳила Ёқубга болалар туғмаётганини кўрди-да, ўз опасига ҳасад қилиб, Ёқубга деди: “Менга бола беринг, акс ҳолда мен ўламан”. ²Ёқубнинг Роҳиладан жаҳли чиқиб: “Мен сенинг қорнингга ҳомила бермаган Худоманми?”- деди. ³У эса: “Мана, менинг чўрим Билхал. Унинг олдига кириб, у менинг тизамларимда туғсин, токи мен у орқали болага эга бўлайин”,- деди. ⁴Шундай қилиб, Роҳила чўриси Билхални унга хотин қилиб берди ва Ёқуб унинг олдига кирди. ⁵Билхал ҳомиладор бўлиб, Ёқубга ўғил туғиб берди. ⁶Шунда Роҳила: “Худо мен учун ҳакам бўлди ва менинг овозимни эшитиб, менга ўғил берди”,- деди. Шунинг учун унга Дан (“Ҳакам”), деб исм қўйди. ⁷Роҳиланинг чўриси Билхал яна ҳомиладор бўлиб, Ёқубга яна ўғил туғиб берди. ⁸Ўшанда Роҳила: “Опам билан улуғ урушда жанг қилиб, уни енгдим”,- деди ва унга Нафтали (“Урушим”), деб исм қўйди. ⁹Леах туғишдан тўхтаганини кўриб, чўриси Зилпахни олди ва уни Ёқубга хотинликка берди. ¹⁰Леахнинг чўриси Зилпах Ёқубга ўғил туғиб берди. ¹¹Шунда Леах: “Омад келди”,- деди ва унга Гад (“Омад”), деб исм қўйди. ¹²Леахнинг чўриси Зилпах Ёқубга иккинчи ўғилни туғиб берди. ¹³Шунда Леах: “Мен бахтлиман, чунки мени аёллар бахтиёр, деб атайдилар”,- деди ва унга Ашер (“Бахтли”), деб исм қўйди. ¹⁴Рубен буғдой йиғим-терими вақтида бориб, далада меҳригиёҳ топди. У буларни онаси Леахга олиб келди. Шунда Роҳила Леахга: “Ўғлингнинг меҳригиёҳларидан менга бер”,- деди. ¹⁵Лекин Леах унга: “Эримга эғалик қилишинг сенга озми-ки, сен ўғлимнинг меҳригиёҳларига ҳам эғалик қилмоқчисан?”- деди. Роҳила эса: “Ўғлингнинг меҳригиёҳлари учун бу тун у сен билан ётсин”,- деди.

¹⁶Ёқуб оқшомда даладан келди ва Леах унга пешвоз чиқиб деди: “Менинг олдимга киринг, чунки мен сизни ўғлимнинг меҳригиёҳларига сотиб олдим”. Ёқуб бу тун у билан ётди. ¹⁷Худо Леахни эшитди ва у ҳомиладор бўлиб, Ёқубга бешинчи ўғилни туғиб берди. ¹⁸Леах: “Мен чўримни эримга берганим учун Худо мени мукофотлади”, - деди ва унга Иссохор (“Мукофот олиб келади”), деб исм қўйди. ¹⁹Леах яна ҳомиладор бўлди ва Ёқубга олтинчи ўғилни туғиб берди. ²⁰Шунда Леах: “Худо менга ажойиб инъом берди. Энди менинг эрим мен билан яшайди, чунки мен унга олтига ўғил туғиб бердим”, - деди ва унга Забулун (“Бирга истиқомат қилаётган”), деб исм қўйди. ²¹Сўнгра Леах қиз туғиб, унга Динах, деб исм қўйди. ²²Худо Роҳила ҳақида эслади ва уни эшитиб унинг қорнини очди. ²³У ҳомиладор бўлиб, ўғил туғди. Шунда у: “Худо мендан шармандаликни олиб ташлади”, - деди. ²⁴Унга Юсуф (“Яна қўшилсин”), деб исм қўйиб: “Худо менга яна ўғилни қўшади”, - деди. ²⁵Роҳила Юсуфни туққанидан сўнг Ёқуб Лабанга деди: “Мени қўйиб юборинг, мен ўз жойимга ва ўз еримга қайтиб бораёйин. ²⁶Менга хотин ва болаларимни беринг ва мен бораёйин, чунки мен улар учун сизга хизмат қилдим. Қандай хизмат қилганимни ўзингиз биласиз”. ²⁷Лабан эса унга: “Кошки, мен сенинг нигоҳингда илтифот топсам эди! Раббий менга сен учун барака берганини англашман, - деди, - ²⁸Энди ўзингга мукофот тайинла ва мен сенга бераман”. ²⁹Ёқуб унга деди: “Мен сизга қандай хизмат қилганимни ва менинг давримда сизнинг чорвангиз қандай бўлганини ўзингиз биласиз. ³⁰Чунки мен келмасимдан олдин улар кам эди, сўнгра эса кўпайди. Раббий менинг келишим орқали сизга барака берди. Мен ўз уйим учун қачон ишлайман?” ³¹Лабан: “Сенга нима берай”, - деди. Ёқуб эса: “Менга ҳеч нарса берманг. Фақатгина сиз менинг айтганимни қилсангиз, мен яна сизнинг қўйларингизни боқаман ва қўриқлайман. ³²Мен бутун сизнинг бутун подангиз орасидан ўтаман. Сиз уларнинг орасидан майда қора холдор ва доғли барча қўйларни, қўйлар орасидан барча қора қўзиларни, шунингдек, эчкилар орасидан ҳам доғлиларини ва майда қора холдорларини ажратинг. Шулар менга мукофот бўлади. ³³Кейинги сафар, менинг мукофотимни кўргани келганингизда – мен учун сизнинг қаршингизда менинг ҳақлигим жавоб беради: Эчкилардан майда қора холсиз ва доғсизларининг ҳаммаси, қўзилардан қўнғир бўлмагани мен томонимдан ўғирланган ҳисоблансин”, - деди. ³⁴Лабан: “Яхши, сен айтганча бўла қолсин”, - деди. ³⁵Шу кунни ола-була ва доғли такаларни, майда қора холдор ва доғли эчкиларни, бир неча оқи бўлган чорванинг барчасини ва барча қора қўйларни ажратиб, ўз ўғилларининг қўлига топширди. ³⁶Сўнг ўзи ва Ёқуб орасида уч кунлик йўлча масофа тайинлади. Ёқуб эса Лабаннинг қолган чорваларини боқа бошлади. ³⁷Ёқуб кўкариб турган терак, бодом, қора қайин дарахтининг новдаларини олиб, новдаларнинг пўстлогини оқигача шилиб, уларни йўл-йўл қилиб тилди. ³⁸У шилинган новдаларни чорва сув ичгани келганида, уруғланар эди. ³⁹Чорва новдалар олдида уруғланар ва қўнғир, майда қора холдор ва доғли чорва туғилар эди. ⁴⁰Ёқуб қўзиларни ажратар, чорвани Лабаннинг қўнғир ва барча қора чорваси қаршисида қўяр эди. Ўзининг чорвасини эса алоҳида тутар, уларни Лабаннинг чорваси билан бирга қўймас эди. ⁴¹Ҳар сафар бақувват чорва уруғланганида, у новдалар олдида уруғланиши учун Ёқуб чорванинг кўзи олдида тоғораларга новдаларни қўяр эди. ⁴²Заиф чорва уруғланганида эса қўймас эди. Шунинг учун заифлари Лабанга, бақувватлари эса Ёқубга тегишли бўлар эди. ⁴³Шундай қилиб бу одам жуда-жуда бойиб кетди, унинг кўплаб чорваси, чўрилари ва қуллари, туялари ва эшаклари бор эди.

31

¹Ёқуб эса Лабан ўғилларининг: “Ёқуб отамизнинг ҳамма нарсасини қўлга киритди, бу бор шухратни отамизнинг мулкидан орттирди”, - деган сўзларини эшитди. ²Бунинг устига, Ёқуб Лабаннинг юзига қаради ва, мана, у унга нисбатан кеча ва олдинги кундагидек эмас эди. ³Шунда Раббий Ёқубга: “Оталарингнинг ерига ва қариндошларингнинг олдида қайтгин. Мен сен билан бирга бўламан”, - деди. ⁴Ёқуб одам юбориб, Роҳила ва Леахни далага, чорвасининг олдида чақиртириб, ⁵уларга деди: “Отангизнинг юзи менга нисбатан кеча ва ўтган кундагидек эмаслигини кўряпман. Аммо отамнинг Худоси мен билан бирга бўлди. ⁶Мен отангизга бор кучим билан хизмат қилганимни ўзларингиз биласизлар. ⁷Отангиз эса мени алдаб, менинг хизмат ҳақимни ўн марта ўзгартирди. Аммо Худо унинг менга ёмонлик қилишига рухсат бермади. ⁸Майда холдор пода сенинг ҳақинг бўлади, - деганида, бор пода майда холдор туғди. Ола-буласи сенинг ҳақинг бўлади, - деганида, бор пода ола-була туғди. ⁹Худо отангизнинг подасини тортиб олиб менга берди. ¹⁰Бир кунни чорва урчидиган вақтда мен қараб тушимда кўрдим: Мана, чорвага чиққан эчкилар ола-була, доғли ва майда холдор эди. ¹¹Худонинг фариштаси тушимда мени: Ёқуб! - деб чақирди. Мен: Мана, мен, - дедим. ¹²У: Кўзларингни кўтариб қара, чорвага чиққан ҳамма эчкилар ола-була, доғли ва майда холдор, чунки Лабан сенга қилаётган ҳамма ишларни кўряпман. ¹³Мен сенга Бейт-Элда, сен устунга мой тўккан ва менга ваъда берган жойда намоён бўлган Худоман. Энди тур, бу ердан чиққин ва туғилган еринга қайтгин, - деди”. ¹⁴Роҳила ва Леах унга жавобан дедилар: “Отамизнинг уйида биз учун яна улуш ва мерос қолдими? ¹⁵У бизни бегона ҳисобламайдими? Чунки у бизни сотди ва ҳатто кумушимизни ҳам еб битирди. ¹⁶Шунинг учун, Худо отамиздан тортиб олган ҳамма бойлик бизники ва бизнинг болаларимизникидир. Шундай экан, Худо сизга нима деган бўлса, шуни қилинг”. ¹⁷Ёқуб туриб, хотинлари ва болаларини туяларга ўтқизди, ¹⁸Паддон-Орамда қўлга киритган шахсий подасини, бор подасини ва бойлигини, ўзи билан олиб, Канъан ерига, отаси Исхўқнинг олдида бориш учун кетди. ¹⁹Лабан подаларининг жунини қирққани кетганида, Роҳила отасининг бутларини ўғирлади. ²⁰Ёқуб эса орамлик Лабаннинг юрагини ўғирлади, чунки ўзининг қочаётганини айтмади. ²¹У ўзининг бор мулки билан кетди. Ўрнидан туриб, дарёни кечиб ўтди ва

Гилъад тоғига йўналди.²² Учинчи куни Лабанга Ёқубнинг қочиби кетганини айтишди.²³ Шунда у ўзи билан қариндошларини олиб, унинг ортидан етти кун қувди ва Гилъад тоғи ёнида уни қувиб етди.²⁴ Худо эса орамлик Лабанга тунда тушида келиб: “Эҳтиёт бўл, Ёқубга яхши ҳам, ёмон ҳам гапирма”, - деди.²⁵ Сўнг Лабан Ёқубни қувиб етди. Ёқуб ўзининг чодирини тепаликда, Лабан эса ўз қариндошлари билан Гилъад тоғида ўрнатди.²⁶ Лабан Ёқубга деди: “Сен нима қилдинг? Сен нима учун менинг юрагимни ўғирладинг ва менинг қизларимни қилич билан асир олинганлардек олиб кетдинг?”²⁷ Нима учун яширинча қочиби, мендан яшириндинг ва менга айтмадинг? Мен сени қувонч билан, қўшиқлар билан, доира ва қўбиз садолари билан қўйиб юборган бўлар эдим.²⁸ Сен менга ҳатто қизларимни ва набираларимни ўпишимга ҳам имкон бермадинг. Сен аҳмоқона иш қилдинг.²⁹ Сизларга зулм қилишга менинг қўлимда куч бор, аммо оталарингнинг Худоси кеча менга сўзлаб: Эҳтиёт бўл, Ёқубга яхши ҳам, ёмон ҳам гапирма”, - деди.³⁰ Майли, сенинг кетгинг келибди, чунки отангнинг уйида бўлишни жуда истабсан, аммо нима учун менинг худоларимни ўғирладинг?”³¹ Ёқуб Лабанга жавобан деди: “Мен қўрқдим, чунки сиз мендан қизларингизни зўрлик билан тортиб оласиз, деб ўйладим.”³² Кимда худоларингизни топсангиз, у тирик қолмайди. Қариндошларингиз олдида сизнинг нимангиз мендалигини текширинг ва ўзингизга олинг”. Ёқуб эса бутларни Роҳила ўғирлаганини билмас эди.³³ Лабан Ёқубнинг чодирига, Леахнинг чодирига ва иккала чўриларнинг чодирларига кирди, аммо бутларни топа олмади. Сўнг Леахнинг чодирдан чиқиб, Роҳиланинг чодирига кирди.³⁴ Роҳила эса бутларни олиб, уларни туянинг эгари остига қўйди ва уларнинг устига ўтирди. Лабан эса бутун чодирни излаб топа олмади.³⁵ Роҳила отасига: “Сизнинг қаршингизда тура олмаётганим учун эгам ғазабланмасинлар, ҳозир аёлларда бўладиган ҳайз келиш пайтим”, - деди. Лабан эса излаб бутларни топа олмади.³⁶ Ёқуб ғазабланиб, Лабан билан баҳслашди. Ёқуб Лабанга сўзлашни бошлаб деди: “Менинг айбим нима ёки гуноҳим нимаки, сиз мени таъқиб қиялсиз?”³⁷ Сиз менинг ҳамма нарсаларимни кўздан кечирдингиз, уйингиздаги нарсалардан нимани топдингиз? Шу ерда менинг қариндошларим ва сизнинг қариндошларингиз олдида кўрсатинг, улар икковимизнинг орамизни ҳукм қилсинлар.”³⁸ Мана, йигирма йил мен сизникида бўлдим. Сизнинг қўйларингиз ва эчкиларингиз бола ташламас эди. Мен сизнинг подангизнинг қўйларини емас эдим.³⁹ Ёввойи ҳайвонлар тилка-пора қилганини мен сизга олиб келмас эдим, бу зарарни ўз бўйнимга олар эдим. Қўйингиз кундузи ўғирланар эдими ёки тунда ўғирланар эдими, сиз мендан талаб қилар эдингиз.⁴⁰ Мен кундузи иссиқдан ва тунда совуқдан ўртанар эдим, менинг кўзларимдан уйқу қочар эди.⁴¹ Сизнинг уйингиздаги менинг йигирма йилим ана шундайди: Мен сизга иккита қизингиз учун ўн тўрт йил ва чорвангиз учун олти йил хизмат қилдим, сиз эса иш ҳақимни ўнлаб маротаба ўзгартирдингиз.⁴² Агар отамнинг Худоси, Иброҳимнинг Худоси ва Исҳоқнинг қўрқуви мен билан бирга бўлмаганида эди, сиз мени ҳозир бўш қўл билан қўйиб юборган бўлар эдингиз. Худо эса менинг эзилишимни ва қўлларимнинг меҳнатини кўриб, кеча сизга танбеҳ берди.”⁴³ Лабан жавоб бериб Ёқубга деди: “Бу қизлар – менинг қизларим, бу болалар – менинг болаларим, бу чорва – менинг чорвам, сен кўриб турган ҳамма нарса – меники. Мен ҳозир қизларим ва улар туққан болаларига нима қила оламан?”⁴⁴ Энди сен билан мен аҳд тузайлик, бу сенинг ва менинг орамизда гувоҳлик бўлсин.”⁴⁵ Ёқуб тош олиб уни устун қилиб қўйди.⁴⁶ Сўнг Ёқуб ўз қариндошларига: “Тошлар тўпланглар”, - деди. Улар тошларни келтириб, тепалик қилдилар ва ўша тепаликда овқатландилар.⁴⁷ Лабан уни Йигар-Саҳадутто, деб атади, Ёқуб эса Гилъад, деб атади.⁴⁸ Лабан: “Бугун бу тепалик сен ва менинг орамизда гувоҳдир”, - деди. Шунинг учун унга Гилъад (“Гувоҳлик тепалиги”), деб ном қўйилган.⁴⁹ Шунингдек, Миспах, деб аталган, чунки Лабан: “Бир-биримиздан яширинганимизда, Раббий сени ва мени кузатсин”, - деди.⁵⁰ Агар қизларимга озор берсанг ёки қизларимнинг устига яна хотинлар олсанг, унда орамизда одам бўлмаса ҳам, қара, Худо сенинг ва менинг орамизда гувоҳдир.”⁵¹ Лабан Ёқубга яна деди: “Мана, бу тепалик, мана, бу устун бизнинг орамизда ўрнатилди.”⁵² Зулм қилиш учун мен сенинг олдинга шу тепаликдан ўтмаслигимга, сен эса менинг олдимга шу тепаликдан ва шу устундан ўтмаслигингга шу тепалик гувоҳдир.”⁵³ Иброҳимнинг Худоси, Нахўрнинг Худоси ва уларнинг отасининг Худоси бизни ҳукм қилсин”. Ёқуб отаси Исҳоқнинг қўрқуви ҳақи қасам ичди.⁵⁴ Сўнг Ёқуб тоғда қурбонлик келтириб, қариндошларини нон ейишга чақирди. Улар нон едилар ва тоғда тунадилар.⁵⁵ Лабан эрталаб барвақт турди ва набиралару қизларини ўпиб, уларни дуо қилди. Сўнг Лабан йўлга тушиб ўз жойига қайтди.

32

¹ Ёқуб эса ўз йўлида кетди. Унга Худонинг фаришталари учрадилар.² Ёқуб уларни кўрганида: “Бу Раббийнинг қўшини”, - деди ва у жойнинг номини Маханайим, деб атади.³ Ёқуб акаси Эсовга ўздан олдин Эдўм вилоятининг Сеир ерига элчиларни юборди.⁴ У уларга буюриб деди: “Менинг хўжайиним Эсовга шундай денглар: Сизнинг қулингиз Ёқуб шундай дейди: Мен Лабанникида яшадим ва шу кунгача уникида турдим.”⁵ Менинг қўйларим, эшакларим ва подаларим, қулларим ва чўриларим бор. Мен хўжайинимнинг олдида унинг нигоҳида иноят топиш учун хабар беришга юбордим.”⁶ Элчи Ёқубга қайтиб келиб: “Биз акангиз Эсовнинг олдида келдик. У ҳам сизни қарши олгани келмоқда ва у билан бирга тўрт юз нафар одам бор”, - деди. Шунда Ёқуб ўта кўрқиб сиқилди. У ўзи билан бирга бўлган одамларни, катта ва кичик молларни ва туяларни икки гуруҳга бўлиб, ⁸ ўз юрагида деди: “Агар Эсов бир гуруҳга ташланса ва уни қириб ташласа, бошқа қолган гуруҳ қутулиб қолиши мумкин.”⁹ Сўнг Ёқуб деди: “Ё, отам Иброҳимнинг Худоси ҳамда отам Исҳоқнинг Худоси! Ё, менга: Ўз ерингга ва ўз ватанингга қайтгин, шунда Мен сенга эзулик қиламан”, - деган Раббий!¹⁰ Сен менга кўрсатган барча шафқатинг

ҳамда барча содиқлигинга мен арзимамайман. Чунки мен бу Йордандан бир ҳассам билан ўтган эдим, энди эса менинг икки гуруҳим бор.¹¹ Мени акамнинг қўлидан, Эсовнинг қўлидан қутқар. Чунки мен унинг келиб, мени ва оналари билан бирга болаларни ўлдиришидан қўрқаман.¹² Сен айтдинг-ку: Мен сенга эзгулик қиламан ва сенинг уруғингни денгизнинг қумидек қиламан, уни кўплигидан санаб бўлмайди”.¹³ Ёқуб тунни ўша ерда ўтказди. Кейин қўлида бўлган мулкидан акаси Эсовга совға ажратди. Булар: ¹⁴икки юзта эчки ва йигирмата тақа, икки юзта қўй ва йигирмата қўчқор, ¹⁵ўттизта соғин туя бўғалоқлари билан, қирқта сигир ва ўнта ҳўкиз, йигирмата урғочи эшак ва ўнта эшак эди. ¹⁶Уларни қулларининг қўлига ҳар бир подани алоҳида топширди ва қулларига: “Менинг олдимдан боринглар ва пода билан поданинг орасида масофа қолдиринглар”, - деди.
¹⁷Биринчисига эса буюриб деди: “Менинг акам сени учратиб, сёндан: Сен кимникисан? Қаерга боряпсан? Сенинг олдиндаги бу пода кимники? - деб сўраганида, ¹⁸сен шундай дегин: Булар сизнинг қулингиз Ёқубники. Бу – менинг хўжайиним Эсовга юборилган совға. Унинг ўзи ҳам бизнинг ортимиздан келяпти”.¹⁹У иккинчисига ҳам, учинчисига ҳам, поданинг ортидан бораётганларнинг ҳар бирига ҳам: “Сизлар Эсовни учратганларингизда, шундай сўзлашларингиз керак”, - деб буюрди. ²⁰Яна: “Мана, қулингиз Ёқуб ҳам ортимиздан келяпти,- деб айтинглар”, - деди. Чунки Ёқуб ўзича: “Мен олдимдан бораётган совға билан унинг кўнглини юмшатаман, охирида унинг юзини кўраман, балки мени қабул қилар”, - деб ўйлар эди. ²¹Шундай қилиб, совғалар ундан олдинда кетди. Ёқубнинг ўзи эса бу тунда қароргоҳда ухлади.²²У шу тунда ўрнидан турди ва ўзининг иккита хотинини, иккита чўрисини ҳамда ўн битта ўғлини олиб, Йабоқ дарёсини кечиб ўтди. ²³У уларни дарёдан олиб ўтди ва ўзида бўлган ҳамма нарсани олиб ўтди.²⁴Сўнг Ёқуб ёлғиз қолди. Кимдир у билан тонг отгунича курашди ²⁵ва Ёқубни енга олмаётганини кўриб, унинг сонидан тутди. Шундай қилиб, у билан курашаётганида, Ёқубнинг сони бўғимидан чиқди. ²⁶Кейин У: “Мени қўйиб юбор, чунки тонг отяпти”, - деди. Ёқуб эса: “Мени дуо қилмагунингча, Сени қўйиб юбормайман”, - деди.²⁷Шунда Ўша унга: “Сенинг исминг нима?”- деди. У: “Ёқуб”, - деб жавоб берди. ²⁸У эса: “Сенинг исминг энди Ёқуб эмас, балки Исроил (“Худодек ҳукм сурадиган”) бўлади. Чунки сен Худо билан курашдинг ва одамларни енгасан”, - деди. ²⁹Ёқуб ҳам сўраб: “Менга исмингни айт”, - деди. У эса: “Нима учун исмингни сўраяпсан?”- деб айтиб, уни у жойда дуо қилди. ³⁰Ёқуб ўша жойни Пенуэл (“Худонинг юзи”), деб атади. “Мен Худони юзма-юз кўрдим ва жоним омон қолди,“ - деди у.³¹У Пенуэлдан ўтаётганида қуёш кўтарилди. Ёқуб эса бир сонидан оқсар эди. ³²Шунинг учун Исроил фарзандлари ҳозирги кунларда ҳам соннинг бўғимидаги пайни емайдилар, чунки ўша Зот Ёқубнинг сонининг бўғимидаги пайга тегди.

33

¹Ёқуб нигоҳини қаратди ва, мана, Эсов ҳамда у билан бирга тўрт юз нафар одам келаётганини кўрди. Шунда у Леахнинг, Роҳиланинг ва икки чўрининг болаларини ажратди. ²Чўриларни ва уларнинг болаларини олдинга, Леахни ва унинг болаларини уларнинг ортидан, Роҳила ва Юсуфни эса энг орқага қўйди. ³Ўзи эса уларнинг олдида бориб, акасининг олдида келгунича, етти марта ерга тиз чўкиб таъзим қилди.⁴Эсов унинг олдида югуриб бориб уни қучоқлади, бўйнига осилиб уни ўпди ва улар йиғладилар. ⁵Эсов назар ташлаб аёлларни ва болаларни кўриб: “Бу сен билан бирга бўлганлар кимлар?”- деди. Ёқуб: “Худо қулингизга сахийлик билан инъом қилган унинг болаларидир”, - деди.⁶Сўнг чўрилар ва уларнинг болалари келиб таъзим қилдилар. ⁷Леах ҳам болалари билан яқинлашиб таъзим қилдилар, сўнгра Юсуф Роҳила билан яқинлашди ва улар ҳам таъзим қилдилар. ⁸Эсов: “Мен учратган карвон нима учун?”- деб сўради. Ёқуб эса: “Хўжайинимнинг нигоҳида илтифот топишим учун”, - деди.⁹Эсов: “Эй, укам, менинг мулким мўл-қўл. Сеники ўзингга буюрсин”, - деди. ¹⁰Ёқуб эса деди: “Йўқ, агар мен нигоҳингизда илтифот топган бўлсам, менинг қўлимдан инъомимни қабул этинг, чунки мен сизнинг юзингизни Худонинг юзини кўргандек кўрдим ва сиз менга илтифотли бўлдингиз. ¹¹Илтимос, мен сизга олиб келган баракатни қабул қилинг, чунки Худо менга сахийлик қилди ва менинг ҳамма нарсам бор”. Ёқуб жуда ўтинди ва у олди.¹²Сўнгра Эсов: “Кетдик, йўлга тушамиз, мен сизларнинг олдиларингиздан бораман”, - деди. ¹³Ёқуб эса унга деди: “Хўжайиним, болаларнинг нозиклигини билади, кичик ва катта қорамолим эса соғин қорамол. Уни бир кунда ҳайдасак, бор пода ўлади. ¹⁴Хўжайиним қулининг олдида борсин, мен эса олдимдан бораётган пода ва болаларнинг юришига қараб секин бораман ва хўжайинимнинг олдида Сеирга келаман”.
¹⁵Эсов: “Мен билан бирга бўлган одамлардан бир нечасини сен билан бирга қолдираман”, - деди. Ёқуб: “Нима керак бу? Фақат хўжайинимнинг нигоҳида илтифот топсам бас”, - деди. ¹⁶Шундай қилиб, Эсов шу кунни ўз йўли билан Сеирга қайтди. ¹⁷Ёқуб эса Суккотга йўл олди ва ўзига уй қуриб, чорваси учун чайлалар қурди. Шунинг учун бу жойнинг номи Суккот (“Чайлалар”), деб аталган. ¹⁸Ёқуб Паддон-Орамдан етиб келгач, Канъан еридаги Шеқем шаҳрига келди ва шаҳар олдида чодир қурди. ¹⁹Сўнг у Шеқемнинг отаси Ҳамўр ўғилларидан юз тангага даланинг бир қисмини сотиб олиб, ўз чодирини ёйди. ²⁰У ерда қурбонгоҳ ўрнатиб, бу жойни Эл-Элоҳий-Исроил, деб атади.

34

¹Леахнинг Ёқубга туғиб берган қизи Динах ўша ернинг қизларини кўргани чиқди. ²У ернинг бошлиқларидан бири ҳивлик Ҳамўрнинг ўғли Шеқем уни кўрганида, уни олди ва уни зўрлаб у билан ётди. ³Унинг жони Ёқубнинг қизи Динахга ёпишди ва қизни севиб қолиб, унга ёқимли сўзлади.⁴Шеқем отаси Ҳамўрга сўзлаб: “Шу қизни менга хотинликка олиб беринг”, - деди. ⁵Ёқуб қизи Динахнинг номусига Ҳамўрнинг ўғли текканини

эшитди. Унинг ўғиллари пода билан далада эдилар. Ёқуб улар келгунича сукут сақлади.⁶Шекемнинг отаси Ҳамўр эса Ёқубнинг олдига суҳбатлашгани чиқди.⁷Ёқубнинг ўғиллари даладан келдилар ва буни эшитганларида қайғуриб, ўта дарғазаб бўлдилар, чунки у Ёқубнинг қизи билан ётиб, Исроилга бадномлик келтирган эди. Бундай қилиши эса мумкин эмас эди.⁸Ҳамўр уларга сўзлаб деди: “Ўғлим Шекемнинг жони қизингизга ёпишган, уни унга хотинликка беринглар.”⁹Биз билан қуда бўлинглар – бизга қизларингизни беринглар ва бизнинг қизларимизни ўзларингизга олинглар.¹⁰Биз билан бирга яшанглар. Бу ер олдингизда, унда яшаб савдо-сотиқ қилинганлар ва уни мерос қилиб олинглар”.¹¹Шекем эса қизнинг отаси ва ака-укаларига деди: “Қани эди, нигоҳингда иноят топсам эди, мендан нимаики сўрасанглар, шуни берар эдим.”¹²Энг катта қалин ва инъомлар сўранглар, нимаики десанглар, шуни бераман, фақат қизни менга хотинликка беринглар”.¹³Ёқубнинг ўғиллари Шекемга ва унинг отаси Ҳамўрга ёлгон сўзлаб жавоб бердилар, чунки у уларнинг синглиси Динахнинг номусига теккан эди.¹⁴Уларга шундай дедилар: “Биз бундай қила олмаймиз, синглимизни хатна қилинмаганга бера олмаймиз, чунки бу биз учун шармандалиқдир.”¹⁵Фақат шу шарт билан рози бўламиз: сизлар ҳам биздек бўлинглар, яъни ҳамма эркак зоти хатна қилинсин.¹⁶Шунда сизларга қизларимизни берамиз ва сизлардан қизларингизни оламиз ҳамда сизлар билан бирга яшаймиз ва бир халқ бўламиз.”¹⁷Агар хатна қилиниш учун бизга қулоқ солмасангизлар, биз қизимизни олиб кетамиз”.¹⁸Уларнинг ушбу сўзлари Ҳамўрга ва Ҳамўрнинг ўғли Шекемга ёқди.¹⁹Йигит бу ишни қилишни кечиктирмади, чунки Ёқубнинг қизини севар эди. У эса отасининг хонадонидигилар ичида энг обрў-хурматга сазовор эди.²⁰Ҳамўр ва унинг ўғли Шекем ўз шаҳарлари дарвозаси олдига келиб, шаҳар аҳлига сўзлаб дедилар: “Бу одамлар биз билан тинч-тотувликда, шунинг учун улар бу ерда яшасинлар ва савдо-сотиқ қилсинлар, чунки ер улар учун етарлича кенг. Биз уларнинг қизларини хотинликка олайлик, қизларимизни эса уларга берайлик.”²²Уларнинг фақат битта шарт бор: агар орамиздан ҳар бир эркак зоти, улар хатна қилингандек, хатна қилинса, биз билан бирга яшашга ва биз билан бир халқ бўлишга рози бўлмоқдалар.²³Уларнинг подалари, уларнинг мол-мулклари ҳамда уларнинг бор қорамоллари биз учун эмасми? Фақат улар билан келишайлик ва улар биз билан бирга яшайдилар”.²⁴Шу шаҳарнинг дарвозасидан кириб-чиқадиганларнинг барчаси Ҳамўр ва унинг ўғли Шекемга қулоқ солдилар. Шунинг учун шаҳар дарвозасидан кириб-чиқадиганларнинг ҳаммаси – барча эркак зоти хатна қилинди.²⁵Учинчи куни, улар оғриқ билан ётганларида, Ёқубнинг икки ўғли, Динахнинг акалари – Шимўн ва Леви, ҳар бири ўз қиличини олиб, шаҳарга дадиллик билан келиб барча эркак зотини кириб ташладилар.²⁶Улар Ҳамўр ва унинг ўғли Шекемни ҳам қилич тиги билан кириб, Динахни Шекемнинг уйдан олиб кетдилар.²⁷Ёқубнинг ўғиллари ўлдирилганларнинг олдига келиб, сингилларининг номусига теккани учун шаҳарни талон-тарож қилдилар.²⁸Уларнинг кичик ва катта қорамолларини, эшакларини, шаҳарда бўлган нарсаларини ҳамда далада бўлган нарсаларини,²⁹уларнинг барча бойликларини, барча болаларини ҳамда хотинларини асирликка олдилар ва уйларда бўлган ҳамма нарсани талон-тарож қилдилар.³⁰Ёқуб эса Шимўн ва Левига: “Сизлар мени бу ернинг аҳолиси, канъанликлар ва перизликлар орасида жирканч қилиб ташвишга қўйдинглар. Менинг одамларимнинг сони кам, улар менга қарши тўпланиб, мени ўлдиришлари мумкин. Унда мен ҳамда менинг бутун уйим қирилиб кетади”,- деди.³¹Улар эса: “Бизнинг синглимизга фоҳишадек муносабатда бўлиши мумкинми?”- дедилар.

35

¹Худо Ёқубга: “Ўрнингдан тур, Бейт-Элга бориб, ўша ерда яша ва аканг Эсовдан қочиб кетаётганингда, сенга зоҳир бўлган Худога қурбонгоҳ қур”,- деди.²Шунда Ёқуб ўз хонадонига ва ўзи билан бирга бўлганларнинг барчасига деди: “Орангизда бўлган бегона худоларни улоқтириб ташланглар, покланинглар ва кийимларингизни алмаштиринглар.”³Биз Бейт-Элга борамиз. Мен у ерда кулфатли кунимда менга жавоб берган ҳамда юрган йўлимда менга ҳамроҳ бўлган Худога қурбонгоҳ қураман”.⁴Улар қўлларида бўлган барча бегона худоларни ва қулоқларидаги сирғаларини Ёқубга бердилар. Ёқуб уларни Шекем ёнидаги эман остига яширди.⁵Шундай, қилиб, улар сафарга чиқдилар. Уларнинг атрофларидаги шаҳарларни Худонинг даҳшати қоплаб, улар Ёқубнинг ўғилларини таъқиб қилмадилар.⁶Ёқуб эса ўзи билан бирга бўлган барча одамлар билан Бейт-Эл бўлмиш Канъан еридаги Лузга келди.⁷У ўша ерда қурбонгоҳ қуриб, бу жойнинг номини Эл-Бейт-Эл, деб атади. Чунки у акасининг олдидан қочиб кетаётганида, Худо унга шу ерда зоҳир бўлган эди.⁸Ривқонинг энагаси Деборах оламдан ўтди, у Бейт-Элдан пастроқда, эман остида кўмилди. Унинг номини Аллон-бакут (“Йиғи эмани”), деб аташди.⁹Ёқуб Паддон-Орамдан чиққанида, Худо унга яна зоҳир бўлиб, уни дуо қилди.¹⁰Худо унга: “Сенинг исминг Ёқуб, бироқ сенинг исминг бошқа Ёқуб, деб аталмайди, балки исминг Исроил бўлади”,- деди. Шундай қилиб, унинг исмини Исроил, деб атади.¹¹Сўнг Худо унга деди: “Мен Қодир Худоман, серпушт бўлгин ва кўпайгин. Сендан халқ ва кўплаб халқлар келиб чиқади ҳамда сенинг белингдан подшоҳлар келиб чиқади.”¹²Мен Иброҳимга ва Исҳоққа берган ерни, шу ерни сенга ва сендан кейин келадиган уруғингга бераман”.¹³Худо унинг олдидан, унга сўзлаган жойидан кетди.¹⁴Ёқуб У билан суҳбатлашган жойига тош устун ўрнатиб, унга қурбонлик суоқлиги қуйди ва унга мой қуйди.¹⁵Ёқуб Худо билан суҳбатлашган жойининг номини Бейт-Эл (“Худонинг Уйи”), деб атади.¹⁶Сўнг улар Бейт-Элдан жўнадилар. Эфратахга келишларига оз йўл қолганида, Роҳиланинг кўзи ёриди, унинг туғруғи қийин кечди.¹⁷У туғруқда қийналаётганида, туғдирувчи аёл унга: “Қўрқма, буниси ҳам ўғил”,- деди.¹⁸Унинг жони чиқиб, ўлаётганида, унинг исмини Бенони (“Ғамим ўғли”), деб атади. Аммо отаси уни Беньямин (“Ўнг

қўлим ўғли”), деб атади.¹⁹ Роҳила ўлди ва Эфратах йўлида, яъни Бейт-Леҳемда кўмилди.²⁰ Ёқуб унинг қабри устига ёдгорлик қўйди. Бу ёдгорлик ҳозирги кунларгача Роҳиланинг қабртошидир.²¹ Исроил сафарга чиқиб, Эдер минораси ёнида чодир ёйди.²² Исроил шу ерда яшаётганида, Рубен бориб, отасининг чўриси Билхах билан ётди. Исроил буни эшитди. Ёқубнинг ўғиллари эса ўн икки нафар эди.²³ Леахнинг ўғиллари: Рубен – Ёқубнинг тўнғичи, Шимўн, Леви, Яхудо, Иссохор ва Забулун.²⁴ Роҳиланинг ўғиллари: Юсуф ва Беньямин.²⁵ Роҳиланинг чўриси Билхахнинг ўғиллари: Дан ва Нафтали.²⁶ Леахнинг чўриси Зилпахнинг ўғиллари: Гад ва Ашер. Булар Ёқубнинг Паддон-Орамда туғилган ўғилларидир.²⁷ Ёқуб Мамрега, Иброҳим ва Исҳоқ мусофир кезган Қиръат-Арбага, яъни Хебронга, отаси Исҳоқнинг олдига келди.²⁸ Исҳоқнинг ҳаёти кунларининг сони бир юз саксон йил эди.²⁹ Исҳоқ жон бериб ўлди. У қариб, ҳаётдан қониб ўз халқига қўшилди. Унинг ўғиллари Эсов ва Ёқуб уни кўмдилар.

36

¹Мана бу Эсовнинг, яъни Эдўмнинг авлоди: ²Эсов ўзига хотинларни Канъан қизларидан олди – хетлик Элоннинг қизи Ада, хивлик Зибееоннинг ўғли Анахнинг қизи Оҳолибама ³ва Исмоилнинг қизи, Небайотнинг синглиси Босимат.⁴ Ада Эсовга Элифазни туғиб берди, Босимат Реҳуэлни туғиб берди, ⁵Оҳолибама эса Йеуш, Йалам ва Кўраҳни туғиб берди. Булар Эсовнинг унга Канъан ерида туғилган ўғилларидир.⁶ Эсов хотинларини, ўғиллару қизларини, хонадонидagi барча одамларни, подаларини, ҳамма чорвасини, хуллас, Канъан ерида орттирган бор мол-мулкни олиб, укаси Ёқубнинг юзидан ўзга юртга кетди.⁷ Чунки уларнинг мол-мулклари шу қадар кўп эдики, улар бирга яшай олмас эдилар. Улар мусофир бўлган ер ҳам уларнинг подалари кўплигидан уларни сиғдира олмас эди.⁸ Эсов, яъни Эдўм Сеир тоғида ўрнашди.⁹ Мана, бу Сеир тоғидаги эдўмликларнинг отаси Эсовнинг авлоди: ¹⁰Мана, бу Эсовнинг ўғилларининг исмлари: Элифаз – Эсовнинг хотини Аданинг ўғли, Реҳуэл – Эсовнинг хотини Босиматнинг ўғли.¹¹ Элифазнинг ўғиллари: Теман, Омар, Тсефў, Гатам ва Кеназ.¹² Тимна Эсовнинг ўғли Элифазнинг чўриси эди. У Элифазга Амолеқни туғиб берди. Булар Эсовнинг хотини Аданинг ўғиллари.¹³ Мана, булар Реҳуэлнинг ўғиллари: Нахат ва Зерах, Шаммаҳ ва Миззах. Булар Эсовнинг хотини Босиматнинг ўғиллари.¹⁴ Мана, Эсов хотини Зибееоннинг ўғли Анахнинг қизи Оҳолибаманинг ўғиллари эди. У Эсовга Йеуш, Йалам ва Кўраҳни туғиб берди.¹⁵ Мана, булар Эсов ўғилларидан бўлмиш сардорлар: Эсовнинг тўнғичи Элифазнинг ўғиллари – сардор Теман, сардор Омар, сардор Тсефў, сардор Кеназ,¹⁶ сардор Кўраҳ, сардор Гатам ва сардор Амолеқ. Булар Элифазнинг Эдўм еридаги сардорларидир. Булар Аданинг ўғилларидир.¹⁷ Мана, булар Эсовнинг ўғли Реҳуэлнинг ўғиллари: сардор Нахат, сардор Зерах, сардор Шаммаҳ, сардор Миззах. Булар Реҳуэлнинг Эдўм еридаги сардорларидир. Булар Эсовнинг хотини Босиматнинг ўғилларидир.¹⁸ Мана, булар Эсовнинг хотини Оҳолибаманинг ўғиллари: сардор Йеуш, сардор Йалам, сардор Кўраҳ. Булар Эсовнинг хотини Анахнинг қизи Оҳолибаманинг сардорларидир.¹⁹ Булар Эсовнинг, яъни Эдўмнинг ўғиллари ҳамда булар сардорлардир.²⁰ Ўша ерда яшаган хорийлик Сеирнинг ўғиллари эса булардир: Лотан, Шобал, Зибееон ва Анах,²¹ Дишон, Эзер ва Дишан. Булар Эдўм еридаги Сеир ўғиллари хорийликларнинг сардорларидир.²² Лотаннинг ўғиллари: Қори ва Хомам эди. Лотаннинг синглиси Тимна эди.²³ Шобалнинг ўғиллари булар эди: Элвон, Монахат, Эйбал, Шефо ва Ўнам.²⁴ Мана, булар Зибееоннинг ўғиллари: Айах ва Анах. Анах эса ўз отаси Зибееоннинг эшакларини чўлда боқаётганида, илиқ сувни топган эди.²⁵ Мана, булар Анахнинг фарзандлари: Дишон ҳамда Оҳолибама – Анахнинг қизи.²⁶ Мана, булар Дишоннинг фарзандлари: Ҳемдан ва Эшбан, Итран ва Херан.²⁷ Мана, булар Эзернинг фарзандлари: Билхан, Зааван, Йакан.²⁸ Мана, булар Дишаннинг фарзандлари: Уз ва Аран.²⁹ Мана, булар хорийликларнинг сардорлари: сардор Лотан, сардор Шобал, сардор Зибееон, сардор Анах,³⁰ сардор Дишон, сардор Эзер, сардор Дишан. Булар Сеир еридаги хорийликларнинг сардорларидир.³¹ Мана, булар Исроил фарзандларида подшоҳлар бўлмасдан олдин, Эдўм ерида ҳукмронлик қилган подшоҳлар: ³²Беорнинг ўғли Бела Эдўмда ҳукмронлик қилди. Унинг шаҳрининг номи Динҳабахдир.³³ Бела ўлди ва ундан кейин бозрахлик Зерахнинг ўғли Йўбоб ҳукмронлик қилди.³⁴ Йўбоб ўлгач, ундан кейин Теман еридан бўлган Хушом ҳукмронлик қилди.³⁵ Хушом ўлгач, ундан кейин Бедаднинг ўғли Ҳадад ҳукмронлик қилди. У Мўаб даласида мидианликларни қириб ташлади. Унинг шаҳрининг номи Авитдир.³⁶ Ҳадад ўлгач, ундан кейин Самлаҳ ҳукмронлик қилди. У Масрекаҳ шаҳридан эди.³⁷ Самлаҳ ўлгач, ундан кейин Шоул ҳукмронлик қилди. У дарё бўйидаги Реҳобўт шаҳридан эди.³⁸ Шоул ўлгач, ундан кейин Ахборнинг ўғли Баал-Ханан ҳукмронлик қилди.³⁹ Ахборнинг ўғли Баал-Ханан ўлгач, ундан кейин Ҳадар ҳукмронлик қилди. Унинг шаҳрининг номи Паудир. Унинг хотинининг исми эса Мехетабел бўлиб, у Мезахаб ўғли Матреднинг қизи эди.⁴⁰ Мана, булар қабилаларига кўра, жойларига кўра ҳамда исмларига кўра Эсовнинг сардорларининг исмлари: сардор Тимна, сардор Алваҳ, сардор Йетет,⁴¹ сардор Оҳолибама, сардор Элах, сардор Пинон,⁴² сардор Кеназ, сардор Теман, сардор Мибзар,⁴³ сардор Магдиэл, сардор Ирам. Булар қўлга киритган ерларида яшаш жойларига кўра Эдўмнинг сардорларидир. Эсов эса эдўмликларнинг отасидир.

37

¹Ёқуб эса отаси мусофир бўлган ерда, Канъан ерида яшади.² Мана, бу Ёқубнинг насл-насаби: Юсуф ўн етти ёшлигида акалари билан подани боқаётган эди. Ўсмир отасининг хотинлари Билхахнинг ўғиллари ҳамда Зилпахнинг ўғиллари билан бирга эди. Юсуф отасига улар ҳақида ёмон гаплар олиб келар эди.³ Исроил Юсуфни бошқа барча фарзандларидан кўра кўпроқ яхши кўрар эди, чунки у унинг кексалик ёшидаги фарзанди эди ва

унга ранг-баранг кўйлак қилиб берди. ⁴Отаси уни ҳамма акаларидан кўра кўпроқ яхши кўришини кўрганларида, акалари ундан нафратланиб, у билан дўстона гаплаша олмай қолдилар. ⁵Юсуф эса туш кўрди ва тушини акаларига айтиб берди. Шунда улар ундан янада кўпроқ нафратланишди. ⁶У уларга деди: “Мен кўрган тушни эшитинглар.” Мана, биз далада буғдой боғлаётган эдик. Мана, менинг буғдой боғлашим кўтарилди ҳамда тик турди. Сўнг сизларнинг буғдой боғламларингиз унинг атрофини ўрадилар ва менинг буғдой боғлашимга таъзим қилдилар”. Шунда унинг акалари унга: “Наҳотки, сен бизнинг устимиздан ҳукмронлик қиласан? Наҳотки, сен бизнинг устимиздан ҳокимлик қиласан?”- дейишди. Шунда унинг тушлари ҳамда сўзлари учун ундан янада кўпроқ нафратланишди. ⁹У яна бошқа бир туш кўрди ва буни акаларига айтиб бериб деди: “Мана, мен яна бир туш кўрдим: куёш, ой ҳамда ўн битта юлдузлар менга таъзим қилишди”. ¹⁰У буни отаси ва акаларига айтиб берди. Отаси уни қойиб: “Бу кўрган тушинг нима? Мен ва онанг, ҳамда акаларинг сенга ергача таъзим қилгани келамизми?”- деди. ¹¹Акалари ундан нафратланишди. Аммо отаси бу сўзни эътиборга олиб қўйди. ¹²Сўнг акалари отасининг подасини боққани Шекемга кетишди. ¹³Исроил Юсуфга: “Акаларинг Шекемда пода боқмаяптиларми? Кел, мен сени уларнинг олдига юбораман”,- деди. У унга жавобан: “Мана, менман”,- деди. ¹⁴Исроил унга: “Бор, кўр-чи, акаларинг соғ-саломатми, подалар омонми, менга хабар келтир”,- деди. Шундай қилиб, уни Хеброн водийсидан жўнатди. У Шекемга келди. ¹⁵Бир киши уни далада дайдиб юрган ҳолда топди ва у одам ундан: “Нимани излаяпсан?”- деб сўради. ¹⁶У: “Мен акаларимни излаяпман, айтингчи, улар подани қаерда боқишяпти?”- деди. ¹⁷У одам деди: “Улар бу ердан кетишди, мен уларнинг: Дотанга юринглар,- деганларини эшитдим”. Юсуф акаларининг ортидан бориб, уларни Дотанда топди. ¹⁸Акалари уни узоқдан кўришди. У уларга яқинлашишдан олдин, уни ўлдиришга қасд қилишиб, ¹⁹бир-бирларига дейишди: “Мана, туш кўрувчи келмоқда. ²⁰Келинлар энди, уни ўлдирамиз ва бирор бир чуқурга ташлаб: Қандайдир ёввойи ҳайвон уни еб кетди,- деб отамизга айтамыз. Шунда кўрамиз, унинг тушларидан нима чиқар экан”. ²¹Буни Рубен эшитиб, уни уларнинг қўлидан қутқарди. У: “Уни ўлдирмаймиз”,- деди. ²²Рубен уларга: “Қон тўкманглар, уни саҳродаги чуқурга ташланглар, унга қўл тегизманглар”,- деди. У уларнинг қўлидан уни қутқармоқчи ва отасининг қўлига қайтармоқчи эди. ²³Юсуф акаларининг олдига келганида, улар Юсуфнинг кўйлагини, унинг эғнида бўлган ранг-баранг кўйлагини ечиб олишди. ²⁴Сўнг уни олиб чуқурга ташлашди. Ўша чуқур бўш бўлиб, унда сув йўқ эди. ²⁵Сўнг улар нон ейишга ўтирдилар ва нигоҳини кўтариб қарашдики, мана, исмоилликлар карвони хушбўйликлар, мойлар ва ладан ортган туялари билан Гилъаддан келишар, буларни Мисрга олиб бормоқчи эдилар. ²⁶Шунда Яхудо ака-укаларига деди: “Ўз укамизни ўлдириб, унинг қонини яширишдан нима фойда? ²⁷Келинлар, уни исмоилликларга сотамиз, бизнинг кўлимиз унда бўлмасин, чунки у бизнинг укамиз ва бизнинг танамиздир”. Ака-укалари унга қулоқ солдилар. ²⁸Мидианлик савдогарлар ўтаётганларида, акалари Юсуфни чуқурдан тортиб чиқариб, уни исмоилликларга йигирма кумуш тангага сотдилар. Улар эса Юсуфни Мисрга олиб кетдилар. ²⁹Рубен чуқурга қайтиб келди-да, мана, чуқурда Юсуф йўқ эди. Шунда у кийимларини йиртиб ташлади. ³⁰У укаларининг олдига бориб: “Ўсмир жойида йўқ, энди мен қаерга қочай?”- деди. ³¹Улар эса Юсуфнинг кўйлагини олишди, эчки боласини сўйиб, кўйлакни қонига ботиришди. ³²Сўнг ранг-баранг кўйлакни олиб бориб, уни оталарига келтириб: “Буни биз топиб олдик, қараб кўринг-чи, бу ўғлингизнинг кўйлагими ёки йўқми”,- дедилар. ³³У буни таниб: “Бу ўғлимнинг кўйлаги, ёввойи ҳайвон уни еб кетган, шубҳасиз Юсуф тилка-пора қилинган”,- деди. ³⁴Ёқуб кийимларини йиртиб ташлади ва белига қанор кийими ўраб, узоқ кунлар ўғли учун мотам тутди. ³⁵Унинг барча ўғиллару қизлари уни юпатишга йиғилдилар, аммо у юпанишни истамас эди. У: “Бу мотам билан ўғлимнинг олдига гўрга кираман”,- деди. Ёқуб у учун шундай деб йиғлар эди. ³⁶Мидианликлар эса Юсуфни Мисрда фиръавннинг сарой аъёни ва унинг қўриқчиларининг бошлиғи бўлмиш Путифарга сотишди.

38

¹Ўша вақтда Яхудо ака-укаларидан ажралиб, исми Хираҳ бўлган бир адулламликнинг олдига жойлашди. ²У ерда Яхудо исми Шуа бўлган бир канъанликнинг қизини кўрди. Шунда у уни олиб, у билан қовушди. ³У ҳомиладор бўлиб, ўғил туғди. Яхудо унинг исмини Эир қўйди. ⁴У яна ҳомиладор бўлиб, ўғил туғди ва унинг исмини Онан қўйди. ⁵Сўнг у яна ҳомиладор бўлиб, ўғил туғди. Яхудо унинг исмини Шелаҳ қўйди. Хотини унга ўғил туққанида, Яхудо Хазибда эди. ⁶Яхудо тўнғичи Эирга хотин олиб берди, унинг исми Тамар эди. ⁷Яхудонинг тўнғичи Эир Раббийнинг нигоҳида ярамас эди. Раббий уни ўлдирди. ⁸Яхудо Онанга: “Акангнинг хотинининг олдига кириб, унга уйлангин ва акангнинг уруғини тиклагин”,- деди. ⁹Онан уруғ унга бўлмаслигини билар эди, шунинг учун акасининг хотини билан қовушаётганида, акасига уруғ бермаслик учун уни ерга тўкар эди. ¹⁰Унинг бу қилган иши Раббийнинг қаршисида ёвузлик эди, шунинг учун У уни ҳам ўлдирди. ¹¹Сўнгра Яхудо келини Тамарга: “Ўғлим Шелаҳ улғайгунича отангнинг уйида бевадек яшаб тургин”,- деди. Чунки у ўзича: “Бу ҳам акаларига ўхшаб ўлмасин”,- деган эди. Тамар кетиб, отасининг уйида яшай бошлади. ¹²Узоқ вақт ўтиб, Шуанинг қизи бўлмиш Яхудонинг хотини оламдан ўтди. Яхудо юпангач, ўзи ҳам, у билан бирга адулламлик дўсти Хираҳ ҳам Тимнаҳга, подаларининг жун қирқувчиларининг олдига боришди. ¹³Тамарга: “Мана, сенинг қайнатанг Тимнаҳга кўйларининг жунини қирққани кетяпти”,- дейишди. ¹⁴У бевалик кийимларини эғнидан ечиб, ўзини ёпинчиқ билан тўсди ва ўраниб Тимнаҳ йўлидаги очик жойда ўтирди. Чунки у Шелаҳнинг улғайганини, уни эса унга хотинликка бермаганларини билар эди. ¹⁵Яхудо уни кўрганида, уни фоҳиша, деб ўйлади, чунки у юзини

тўсган эди. ¹⁶Шунда у томонга бурилиб: “Кел, сенга кирай”, - деди, (чунки у ўзининг келини эканини билмас эди.) У: “Агар менга кирсангиз, нима берасиз?” - деди. ¹⁷У: “Мен сенга подадан улоқча юбораман”, - деди. Тамар: “Уни юборгунингизча, бирор нарса гаровга берасизми?” - деди. ¹⁸Яхудо: “Сенга гаровга нима берай?” - деди. У эса: “Муҳрингизни, боғичингизни ва қўлингиздаги ҳассангизни”, - деди. У буларни унга бериб, унга кирди ва Тамар ундан ҳомиладор бўлди. ¹⁹У ўрнидан туриб кетди ва ёпинчигини ечиб, ўзининг бевалик кийимларини кийди. ²⁰Яхудо аёлнинг қўлидан гаров нарсаларини олиш учун улоқчани адулламлик дўсти орқали юборди, аммо у уни топа олмади. ²¹Шунда у шу жойнинг одамларидан: “Очиқ йўл бўйидаги фоҳиша қани?” - деб сўради. Улар: “Бу жойда ҳеч қанақа фоҳиша йўқ эди”, - дейишди. ²²У Яхудонинг олдига қайтиб: “Мен уни топа олмадим, яна ўша жойнинг одамлари ҳам: Бу жойларда фоҳиша йўқ эди, - дейишди”, - деди. ²³Яхудо: “Буни ўзига олсин, фақат биз шарманда бўлмасак бас: Мана, мен бу улоқчани юбордим, сен эса уни топа олмадинг”, - деди. ²⁴Уч ойлар ўтганидан сўнг, Яхудога: “Келининг Тамар зино қилибди ва шу зинодан ҳомиладор ҳам бўлибди”, - дейишди. Яхудо: “Уни олиб чиқинглар, у ёндирилсин”, - деди. ²⁵У олиб чиқаётганларида, қайнатасига: “Мана, бу нарсаларнинг эгасидан ҳомиладорман, - деб айттириб юборди, - қараб кўринг, бу муҳр, боғич ва ҳасса кимники?”. ²⁶Яхудо буларни таниб: “У мендан кўра ҳақроқ, чунки мен уни ўғлим Шелахга олиб бермадим”, - деди. Сўнг унга бошқа тегмади. ²⁷Туғруқ вақтида унинг қорнидаги эгизаклар эканлиги билинди. ²⁸Туғруқ вақтида уларнинг бири қўлини чиқарганида, доя унинг қўлидан ушлаб: “Буниси биринчи чиқди”, - деб унга алвон ип боғлади. ²⁹Аммо у қўлини ортга тортиб олди ва, мана, иккинчиси чиқиб келди. Шунда доя: “Тўсиқни қандай ёриб ўтдинг?” - деди. Шунинг учун унга Перез, деб исм қўйишди. ³⁰Сўнгра қўлида алвон ипи билан акаси чиқиб келди. Унга Зерах, деб исм қўйишди.

39

¹Юсуф Мисрга олиб кетилди. Фиръавннинг сарой аъёни, соқчилар бошлиғи, мисрлик Пўтифар – уни ўша ерга олиб келган исмоилликлар қўлидан сотиб олди. ²Раббий Юсуф билан бирга эди, шунинг учун у муваффақиятли киши эди. У мисрлик хўжайинининг уйида яшар эди. ³Унинг хўжайини Раббийнинг у билан эканини ва Раббий у қилаётган ҳар бир ишда унинг қўлига муваффақият бераётганини кўрди. ⁴Юсуф унинг нигоҳида илтифот топди ва унга хизмат қилди. Хўжайини эса ўз хонадонидagi ҳамма нарсанинг устидан уни назоратчи қилиб қўйиб, ўзидаги ҳамма нарсани унинг қўлига топширди. ⁵У Юсуфни бутун хонадони устидан ва хонадонидagi ҳамма нарса устидан назоратчи қилиб қўйганидан сўнг, Раббий Юсуф ҳақи мисрликнинг хонадонига барака берди. У уйда ва далада эга бўлган ҳамма нарсанинг устида Раббийнинг баракаси бор эди. ⁶У бор мулкни Юсуфнинг қўлига топшириб, ўзи еяётган нондан бошқа ҳеч нарсани билмас эди. Юсуф кўркам ва қадди-қомати келишган киши эди. ⁷Шу воқеалардан сўнг унинг хўжайинининг хотини Юсуфга нигоҳини қаратиб: “Мен билан ётгин”, - деди. ⁸Аммо Юсуф буни рад этиб, хўжайинининг хотинига деди: “Мана, менинг хўжайиним хонадонда ҳеч нарсани билмайди ва эга бўлган ҳамма нарсасини менинг қўлимга топширди. ⁹Бу уйда мендан улугроқ киши йўқ. У менга сиздан бошқа ҳеч нарсани тақиқламади, чунки сиз унинг хотинисиз. Қандай қилиб мен Худо қаршисида бу қадар буюк ёвузлик ва гуноҳни қиламан?” ¹⁰У Юсуфга ҳар куни у билан ётиш ва у билан бўлиш ҳақида айтар, Юсуф эса унга қулоқ солмас эди. ¹¹Бир куни Юсуф ўз ишларини қилиш учун уйга кирганида, ичкарида уй хизматчиларидан ҳеч ким йўқ эди. ¹²У Юсуфнинг кийимидан тутиб: “Мен билан ёт”, - деди. У кийимини унинг қўлида қолдириб югурди ва ташқарига қочиб чиқди. ¹³Аёл у кийимини унинг қўлида қолдириб, югуриб чиққанини кўргач, ¹⁴хонадонининг хизматкорларини чақириб уларга: “Қаранглар, - деди, - у бизни мазах қилиш учун ибронийни олиб келди. У менинг олдимга мен билан ётиш учун келди. Мен эса баланд овозда қичқирдим. ¹⁵У менинг баланд овозда қичқирганимни эшитганида, кийимини менда қолдириб, югурганча қочиб чиқди”. ¹⁶Шундай қилиб, хўжайини уйга келгунича, у кийимни ўзи билан олиб қолди. ¹⁷У хўжайинига ўша сўзларни такрорлаб деди: “Сен олиб келган яҳудий қул мени мазах қилиш учун менинг олдимга келди. ¹⁸Мен эса овозимни баланд қилиб қичқирганимда, у кийимини менинг қўлимда қолдириб, ташқарига югуриб чиқди”. ¹⁹Унинг хўжайини хотинининг унга айтган сўзларини: “Сенинг қулинг менга шундай қилди”, - деганини эшитганида, унинг ғазаби қайнади. ²⁰Шунинг учун Юсуфнинг хўжайини уни олиб қамоққа, подшоҳнинг маҳбуслари ташланган қамоқхонага ташлади. У ўша ерда қамоқда бўлди. ²¹Аммо Раббий Юсуф билан бирга эди ва унга шафқат қилиб, қамоқхона бошлиғининг нигоҳида илтифот берди. ²²Қамоқхона бошлиғи қамоқхонадаги барча маҳбусларни Юсуфнинг қўлига топширди. Улар нимаики қилсалар, Юсуф бунинг иш юритувчиси эди. ²³Қамоқхона бошлиғи унинг қўли остидаги ҳеч нарсага қарамас эди, чунки Раббий у билан бирга эди. У нимаики қилса, Раббий бунга муваффақият берар эди.

40

¹Шу воқеалардан сўнг, Миср подшоҳининг соқийси ва новвойи ўз хўжайини – Миср подшоҳининг қаршисида айбдор бўлдилар, ²Фиръавн эса шу иккита сарой аъёнидан – бош соқий ва бош новвойидан ғазабланди. ³Уларни қўриқчиларнинг бошлиғининг уйига, Юсуф тутқунликда бўлган жойга қамоққа ташлади. ⁴Қўриқчиларнинг бошлиғи уларга Юсуфни бириктириб қўйди ва Юсуф уларга хизмат қилди. Улар анча вақт тутқунликда бўлдилар. ⁵Бир куни Миср фиръавнининг қамоққа ташланган бош соқийси ва бош новвойи туш кўрдилар, иккаловлари ҳам бир кечада, алоҳида аҳамиятга эга бўлган туш кўрдилар. ⁶Юсуф эрталаб уларнинг олдига

келиб, уларга қаради-да, мана, улар ғамгин эдилар. ⁷У ўзи билан бирга хўжайинининг уйида қамоқда бўлган сарой аъёнларидан: “Нима учун бугун юзларингиз ғамгин?”- деб сўради. ⁸Улар унга: “Биз туш кўрдик ва унинг таъбирини айтиб берувчи йўқ”,- дейишди. Юсуф уларга: “Туш таъбири Худодан эмасми? Менга айтиб беринглар”,- деди. ⁹Бош соқий тушини Юсуфга айтиб бериб деди: “Менинг тушимда олдимда узум токи бор эди. ¹⁰Узум токининг учта шохи бор эди, у куртак ёйди ва гул очди, унда узум шингиллари ўсиб етилди. ¹¹Фиръавннинг пиёласи менинг қўлимда эди ва мен узумларни олиб уларни фиръавннинг пиёласига сиқиб пиёлани фиръавннинг қўлига узатдим”. ¹²Юсуф унга деди: “Мана, бу тушнинг таъбиридир: учта шох – бу уч кундир. ¹³Уч кун ичида фиръавн сизнинг бошингизни юксалтиради ва сизни ўз ўрнингизга қайта тиклайди. Сиз илгари унга соқий бўлиб хизмат қилганингиздек, фиръавннинг қўлига пиёла узатасиз. ¹⁴Аҳволингиз яхши бўлганида, мени эсланг ва менга эзгулик қилиб фиръавннинг қаршисида мени тилга олиб, мени бу уйдан олиб чиқинг. ¹⁵Чунки мени ибронийлар еридан ўғирлашди, бу ерда ҳам мени қамоққа ташлашларига арзийдиган иш қилганим йўқ”. ¹⁶Бош новвой тушни яхши таъбир қилганини кўрганида, Юсуфга деди: “Мен ҳам туш кўрдим. Мана, менинг бошимда учта оқ сават бор эди. ¹⁷Энг юқоридаги саватда фиръавн учун турли хил пишириқлар бор эди ва қушлар уларни менинг бошимдаги саватдан чўқир эдилар”. ¹⁸Юсуф жавоб бериб деди: “Мана, бу унинг таъбиридир: учта сават – бу уч кундир. ¹⁹Уч кундан сўнг фиръавн сизнинг бошингизни танангиздан жудо қилиб, сизни дарахтга осади ва қушлар сизнинг танангизни чўқийдилар”. ²⁰Учинчи куни, фиръавннинг туғилган кунида у барча аъёнлари учун зиёфат қилди. Шунда у бош соқийсини ва бош новвойини аъёнлари олдига чақиртирди. ²¹У бош соқийсини яна соқийлик хизматига тиклади. У фиръавннинг қўлига пиёла тутадиган бўлди. ²²Аммо Юсуф таъбир қилганидек, бош новвойини дорга остирди. ²³Бош соқий эса Юсуфни эсламади, аксинча, уни унутиб юборди.

41

¹Тўлиқ икки йил ўтгач, фиръавн туш кўрди: Мана, у дарё бўйида турар эди. ²Мана, дарёдан кўриниши яхши, танаси семиз бўлган еттита сигир чиқиб келиб, улар яйловда ўтлар эдилар. ³Ундан сўнг дарёдан кўриниши ёмон, танаси ориқ бўлган бошқа еттита сигир чиқиб келди. Улар олдинги сигирларнинг ёнида дарё қирғоғида турдилар. ⁴Сўнг кўриниши ёмон, танаси ориқ бўлган сигирлар кўриниши яхши, танаси семиз бўлган сигирларни еб қўйдилар. Шунда фиръавн уйғониб кетди. ⁵У яна ухлаб қолиб бошқа туш кўрди: Мана, бир пояда еттита семиз ва яхши бошоқлар кўтарилди. ⁶Мана, улардан сўнг еттита ориқ ва шарқ шамоли қуритган еттита бошоқ ўсиб чиқди. ⁷Ориқ бошоқлар эса еттита семиз ва тўлиқ бошоқларни ютиб юбордилар. Фиръавн уйғониб кетиб, бунинг туш эканини тушунди. ⁸Эрталаб унинг руҳи безовталанди. У Мисрнинг барча мунажжимларига ва донишмандларига одамлар юбориб, уларни чақиртирди. Фиръавн уларга тушини айтиб берди, аммо буни фиръавнга талқин қилиб берувчи йўқ эди. ⁹Шунда бош соқий фиръавнга сўзлаб деди: “Мен бугун гуноҳларимни эслаяпман. ¹⁰Фиръавн қулларидан дарғазаб бўлиб, мени ҳамда бош новвойини қўриқчилар бошлигининг уйига қамоққа ташлаган эди. ¹¹Биз эса бир тунда туш кўрдик. Ҳар биримиз ўз маъносига эга туш кўрдик. ¹²У ерда биз билан бирга қоровуллар бошлигининг қули, яхудий ёш йигит бор эди. Биз унга тушимизни айтиб бердик, у эса бизга тушимизнинг таъбирини айтди. У ҳар биримизнинг тушимизга кўра таъбирини айтди. ¹³У бизга қандай таъбир қилган бўлса, худди шундай бўлди: Мен ўз ўрнимга қайта тикландим, новвой эса осилди”. ¹⁴Шунда фиръавн одам юбориб, Юсуфни чақиртирди ва уни шошилини равишда қамоқдан чиқардилар. У соч-соқолини олди, кийимларини алмаштирди ва фиръавннинг ҳузурига келди. ¹⁵Фиръавн Юсуфга: “Мен туш кўрдим ва унинг таъбирини айтиб берувчи йўқ. Сен ҳақингда тушларни талқин қила олади, деб эшитдим”,- деди. ¹⁶Юсуф фиръавнга жавоб бериб: “Бу мендан эмас, Худо фиръавнга тинчлик жавобини беради”,- деди. ¹⁷Фиръавн Юсуфга деди: “Мен тушимда, дарёнинг қирғоғида турар эдим. ¹⁸Мана, дарёдан кўриниши яхши, танаси семиз бўлган еттита сигир чиқди, улар яйловда ўтлар эдилар. ¹⁹Ундан сўнг дарёдан яна бошқа кўриниши ёмон, танаси ориқ бўлган еттита сигир чиқди. Мен бутун Миср ерида улардек ориқ сигирларни кўрган эмасман. ²⁰Кўриниши ёмон, танаси ориқ бўлган сигирлар эса кўриниши яхши, танаси семиз бўлган сигирларни еб қўйибдилар. ²¹Семизлари уларнинг қоринларига кирдилар, аммо уларнинг қоринларига кирганлари кўринмас эди. Улар ҳануз аввалгидек ориқ эдилар. Шунда мен уйғониб кетдим. ²²Сўнг яна туш кўрдим: Мана, бир пояда еттита семиз ва яхши бошоқлар кўтарилди, ²³аммо улардан сўнг еттита ориқ, ингичка ва шарқ шамоли қуритган еттита бошоқ ўсиб чиқди. ²⁴Ориқ бошоқлар эса еттита семиз ва тўлиқ бошоқларни ютиб юбордилар. Мен буни мунажжимларга айтиб бердим, лекин ҳеч ким менга талқин қилиб бера олмади”. ²⁵Юсуф фиръавнга деди: “Фиръавннинг туши шундан иборат: Худо нима қилишини фиръавнга очибди. ²⁶Еттита яхши сигир – бу еттита яхши йилдир ва еттита яхши бошоқ – етти йилдир, буларнинг маъноси бирдир. ²⁷Улардан сўнг чиққан еттита ориқ ва ёмон сигирлар – етти йилдир; шунингдек, еттита ориқ ва шарқ шамоли қуритган бошоқлар – еттита очарчилик йилидир. ²⁸Шунинг учун мен фиръавнга: Худо қилмоқчи бўлганини фиръавнга кўрсатибди,- дедим. ²⁹Мана, бутун Миср ерига етти йил буюк тўкинчилик келади. ³⁰Ундан сўнг етти йил очлик йили келади. Миср еридаги бор тўкинчилик унутилиб, очарчилик бутун ерни хароб қилади. ³¹Кейинча келадиган очарчилик туфайли ерда олдинги тўкинчилик кўринмай қолади, чунки очарчилик жуда оғир бўлади. ³²Туш фиръавнга икки марта қайтарилганининг маъноси шуки – бу Худо томонидан тайинланган нарсадир, Худо буни тезда амалга оширади. ³³Шунинг учун энди фиръавн ақлли ва доно одамни топиб, Миср ери устидан қўйсин.

³⁴Фиръавн ер устидан назоратчиларни қўйишни ва етти йил тўқинлик пайтида Миср еридан бешинчи қисм фиръавннинг хирмониға йиғишни буюрсин.³⁵Улар келадиган яхши йилларнинг озиғини йиғсинлар ва шаҳарларда фиръавннинг қўли остида донни озиқ учун йиғиб сақласинлар.³⁶Бу озиқ Миср ерида бўладиган етти йил очлик йилида заҳира бўлади, токи ер очарчиликдан ҳалок бўлмасин”.³⁷Бу фиръавнга ва унинг барча қулларига ёқди.³⁸Фиръавн қулларига: “Биз бундайдек, ичида Худонинг Руҳи бўлган одамни яна топа оламизми?”- деди.³⁹Сўнг фиръавн Юсуфга: “Худо сенга буларнинг барчасини очдими,- деди,- демак, сендек ақлли ва доно йўқ.”⁴⁰Энди сен менинг хонадонимнинг устидан ҳоким бўласан. Менинг бор халқим сенинг сўзинг билан ҳаракат қилади. Мен сендан фақат тахтим билан устун бўламан”.⁴¹Фиръавн Юсуфга яна: “Мана, мен сени бутун Миср ери устидан қўймоқдаман”,- деди.⁴²Фиръавн қўлидан узугини ечиб, уни Юсуфнинг қўлига тақди ва зигир толасидан тикилган кийим кийдириб, бўйнига олгин занжир тақди.⁴³Уни ўз араваларидан иккинчисида олиб юришни ва унинг олдидан: “Тиз чўқинглар!”- деб эълон қилишни буюрди. Уни бутун Миср ери устидан қўйди.⁴⁴Фиръавн Юсуфга яна: “Мен фиръавнман. Бутун Миср ерида ҳеч ким сенсиз қўлини ҳам оёғини ҳам узатмайди”,- деди.⁴⁵Фиръавн Юсуфга Тсофнат-Паниах, деб исм қўйди ва унга Гелиопол коҳини Пўтифераҳнинг қизи Осенатни хотинликка берди. Сўнг Юсуф бутун Миср ери бўйлаб юра бошлади.⁴⁶Юсуф Миср подшоҳи фиръавн қаршисида намоён бўлганида, ўттиз ёшда эди. Юсуф фиръавн ҳузуридан чиқиб, бутун Миср юртини кезиб чикди.⁴⁷Ер етти йил тўқин-сочинлик пайтида ҳовуч-ҳовуч дон берар эди.⁴⁸Юсуф етти йил давомида Миср ерида етилган ҳамма озуқани йиғиб, буни шаҳарларда ғамлади. Ҳар бир шаҳарнинг атрофида бўлган далалардаги озуқаларни ҳам худди шундай ғамлади.⁴⁹Юсуф донни денгиз кумидек кўп ғамладики, ҳатто санашни бас қилди, чунки унинг саноғи йўқ эди.⁵⁰Очарчилик йиллари келгунича, Юсуфнинг иккита ўғли туғилди. Уларни унга Гелиопол коҳини Пўтифераҳнинг қизи Осенат туғиб берди.⁵¹Юсуф тўнғичига Манашеҳ (“Унуттирадиган”), деб исм бериб: “Худо менинг барча бахтсизликларимни ва отамнинг хонадонини унуттирди”,- деди.⁵²Бошқасига эса Эфраим (“Серҳосил”), деб исм бериб: “Худо мени азобланиш еримда серҳосил қилди”,- деди.⁵³Миср ерида бўлган етти йил тўқин-сочинлик пайти тугаб,⁵⁴Юсуф айтган очарчилик йили бошланди. Бутун ер юзида очарчилик эди, аммо бутун Миср ерида нон бор эди.⁵⁵Сўнгра бутун Миср ери ҳам оч қола бошлагач, халқ фиръавнга нон сўраб, фарёд қила бошлади. Фиръавн эса барча мисрликларга: “Юсуфнинг олдига боринглар, у сизларга нима деса, шуни қилинглар”,- деди.⁵⁶Бутун ер юзида очарчилик эди. Юсуф барча заҳираларни очиб мисрликларга нонни сота бошлади. Миср ерида эса очарчилик кучайиб борар эди.⁵⁷Юсуфдан нон сотиб олиш учун барча давлатлардан Мисрга келар эдилар, чунки очарчилик бутун ер юзида кучайиб борар эди.

42

¹Ёқуб Мисрда дон борлигини билгач, ўғилларига деди: “Нима учун қараб ўтирибсизлар? ²Мана, мен Мисрда дон бор, деб эшитдим. У ерга бориб, биз ўлмасдан яшашимиз учун у ердан дон сотиб олинглар”.³Шунда Юсуфнинг ўн нафар акаси дон сотиб олиш учун Мисрга кетдилар. ⁴Ёқуб эса Юсуфнинг укаси Беняминни акалари билан бирга юбормади. “У билан бирор кулфат содир бўлмасин”,- деди у.⁵Исроил ўғиллари бошқа харидорлар билан бирга нон сотиб олгани келдилар, чунки Канъан ерида очарчилик эди.⁶Юсуф эса Миср ерининг ҳукмдори эди. У бутун ернинг халқига донни сотар эди. Юсуфнинг акалари келиб, ерга юз тубан тушиб унга таъзим қилдилар.⁷Юсуф акаларини кўриб таниди, аммо ўзини уларни билмайдигандек тутди. У уларга дағал сўзлаб: “Қаердан келдингиз?”- деди. Улар: “Канъан еридан озиқ сотиб олгани келдик”,- дейишди.⁸Юсуф акаларини таниди, аммо улар уни танимадилар.⁹Юсуф улар ҳақида кўрган тушларини эслади. У уларга: “Сизлар айғоқчисизлар, сизлар бу ернинг яланғочлигини кўргани келгансизлар”,- деди.¹⁰Улар унга дейишди: “Йўқ, эгамиз. Сизнинг қулларингиз озиқ сотиб олгани келганлар.”¹¹Бизнинг ҳаммамиз бир одамнинг фарзандларимиз. Биз тўғри одамлармиз. Сизнинг қулларингиз айғоқчилар эмас”.¹²У уларга: “Йўқ, сизлар бу ернинг яланғочлигини кўргани келгансизлар”,- деди.¹³Улар: “Биз қулларинг – ўн икки ака-укалармиз. Биз Канъан ерида бир одамнинг ўғилларимиз, мана энг кичигимиз отамиз билан бирга, биттамыз йўқ бўлган”,- дедилар.¹⁴Юсуф уларга деди: “Мен сизларга айғоқчисизлар деганимда, шуни назарда тутган эдим.”¹⁵Мана, сизларни қандай синаймиз: Фиръавннинг жони ҳақи қасам ичаман, кичик биродарингиз келмагунича, сизлар бу ердан чиқмайсизлар.¹⁶Орангиздан биттангизни юборинглар, у биродарингизни олиб келсин, сизлар эса шу ерда тутиб туриласизлар. Шундай қилиб, сизлар сўзларингиз ҳақиқатми ёки йўқми, исботлангунича тутқунлиқда бўласизлар. Акс ҳолда, фиръавннинг жони ҳақи қасам ичаман, сизлар айғоқчисизлар”.¹⁷Сўнг уларни уч кунга қўриқчилар назоратига топширди.¹⁸Юсуф уларга учинчи куни деди: “Мана бундай қилсангиз, тирик қоласизлар, чунки мен Худодан кўрқаман.”¹⁹Агар сизлар тўғри одам бўлсангиз, биродарингиздан бири сизлар асир қилинган уйда асирлиқда қолсин. Бошқаларингиз эса бориб, оилаларингиз очлиги сабабли уларга дон олиб боринглар.”²⁰Энг кичик укангизни эса сўзларингиз тасдиқланиши ҳамда ўлмаслигингиз учун менинг олдимга олиб келинглар”. Улар худди шундай қилдилар.²¹Улар бир-бирларига: “Биз укамызга қарши аниқ гуноҳ қилдик. У биздан ўтинганида, жонининг азобини кўриб, қулоқ солмадик. Шунинг учун бу кулфат бошимизга тушди”,- дедилар.²²Рубен уларга жавоб бериб: “Мен сизларга ўсмирга қарши гуноҳ қилманглар, деган эмасмидим? Аммо сизлар қулоқ солмадинглар. Мана, унинг хуни талаб қилияпти”,- деди.²³Улар Юсуфнинг тушунишини билмас эдилар, чунки уларнинг орасида таржимон бор эди.²⁴Юсуф улардан узоқлашиб йиғлаб юборди. Сўнг уларнинг олдиларига

қайтиб келиб, улар билан суҳбатлашди ва уларнинг орасидан Шимўнни олиб, уларнинг кўз ўнгида уни боғлади. ²⁵Юсуф уларнинг қопларини дон билан тўлдиришни, уларнинг ҳар бирларининг кумушларини эса ўз қопларига қайтариб солишни ва уларга йўлга озиқ беришларини буюрди. Уларга худди шундай қилишди. ²⁶Улар донларини эшакларига юклаб, у ердан кетдилар. ²⁷Улардан бири қўноқда эшагига озиқ бериш учун ўз халтасини очганида, кумушини қопининг оғзида топди. ²⁸Шунда у акаларига: “Менинг кумушимни қайтариб солишибди, мана у менинг қопимда”, - деди. Уларнинг юраклари қинидан чиқди, улар даҳшат билан бир-бирларига: “Худо бизга нима қилди?” - дедилар. ²⁹Сўнг Канъан ерига, оталари Ёқубнинг олдига келиб, бўлиб ўтган воқеаларни сўзлаб бердилар. ³⁰“У ернинг ҳукмдори биз билан дағал сўзлашди ва бизни ўша ернинг айғоқчилари, деб қабул қилди. ³¹Биз эса унга дедик: Биз тўғри одамлармиз, биз айғоқчилар эмасмиз. ³²Биз отамизнинг ўғиллари, ўн икки биродармиз, биримиз йўқ бўлган, энг кичигимиз эса отамиз билан бирга Канъан ерида қолди. ³³У ернинг ҳукмдори эса бизга шундай деди: Сизлар тўғри одамлармисиз, мана, бундан билиб оламан, биродарингиздан бирини меникида қолдиринглар, ўзларингиз эса оилаларингиз очлиги сабабли уларга озиқ олиб боринглар. ³⁴Сўнг менинг олдимга энг кичик укангизни олиб келинглар. Мана, шундан сизларнинг айғоқчилар эмас, балки тўғри одамлар эканингизни билиб оламан. Сизларга биродарингизни қайтариб бераман ва сизлар шу ерда савдо-сотиқ қилишингиз мумкин”. ³⁵Улар қопларини бўшатаётганларида, мана, ҳар бирининг кумуш тугуни қопининг ичида эди. Улар кумуш тугунларни кўрганларида, қўрқиб кетдилар. ³⁶Шунда Ёқуб ўғилларига: “Сизлар мени болаларимдан жудо қилдинглар – Юсуф йўқ, Шимўн йўқ, Беняминни ҳам олиб кетмоқчисизлар, буларнинг ҳаммаси бир менинг бошимга”, - деди. ³⁷Рубен отасига сўзлаб: “Агар уни олиб келмасам, менинг иккита ўғлимни ўлдириш. Уни менинг қўлимга топширинг ва мен уни сизга қайтариб олиб келаман”, - деди. ³⁸Ёқуб эса: “Менинг ўғлим сизлар билан бирга бормади, чунки унинг акаси ўлиб, у ёлғиз қолди. Агар сизлар борадиган йўлда у билан бирор кулфат рўй берса, сизлар менинг оқарган сочимни қайғу билан қабрга тикасизлар”, - деди.

43

¹Ерда очарчилик кучайди. ²Ёқубнинг хонадонидегилари Мисрдан олиб келган донларни еб бўлишгач, у ўғилларига: “Яна бориб, бизга озроқ озиқ олиб келинглар”, - деди. ³Яҳудо унга сўзлаб деди: “Ўша одам бизга: Агар укангиз сизлар билан бирга бўлмаса, менинг кўзимга кўринманглар, - деб қатъий таъкидлади. ⁴Агар укамизни биз билан бирга юборсангиз, бориб сизга озиқ олиб келамиз. ⁵Агар юбормасангиз бормаймиз, чунки у одам бизга: Агар укангиз сизлар билан бирга бўлмаса, менинг кўзимга кўринманглар, - деди”. ⁶Исроил эса: “У одамга яна укангиз борлигини айтиб, нега менга бундай зулм қилдинглар?” - деди. ⁷Улар: “У одам биз ҳақимизда ва қариндошларимиз ҳақида: Отангиз ҳали тирикми? Яна ака-укаларинг борми? - деб сўради. Биз унинг шу саволларига жавоб бердик. У: Укангизни олиб келинглар, дейишини қаердан билар эдик?” - дедилар. ⁸Яҳудо эса отаси Исроилга деди: “Ўсмирни мен билан бирга юборинг ва биз борамиз. Шунда биз, сиз ва болаларимиз ўлмасдан тирик қоламиз. ⁹Мен у учун жавоб бераман, уни менинг қўлларимдан талаб қиласиз. Агар уни сизнинг олдингизга олиб келмасам ва қаршингизда қўймасам, бутун умрим давомида сизнинг қаршингизда айбдор бўламан. ¹⁰Биз имилламаганимизда эди, аллақачон икки марта бориб келган бўлар эдик”. ¹¹Исроил эса ўғилларига: “Агар шундай бўлса, - деди, - бундай қилинглар. Ўзларинг билан қопларингга бу ернинг энг аъло ҳосилларидан: озроқ малҳам, озроқ асал, хушбўй кукун, мирра, писта ва бодом олиб, ўша одамга совға қилиб олиб боринглар. ¹²Қўлларингга бошқа кумуш ҳам олинглар, қопларингнинг оғзига қайтариб қўйилган кумушни эса ўз қўлларинг билан қайтаринглар. Балки бу эътиборсизликдандир. ¹³Укангизни ҳам олиб, яна ўша одамнинг олдига боринглар. ¹⁴Ҳар нарсага қодир Худо эса ўша одамнинг юзида шафқат топишни берсин, токи у сизларнинг бошқа биродарингизни ҳам, Беняминни ҳам қўйиб юборсин. Мен эса болаларимдан ажралишим керак бўлса, ажрала қолай”. ¹⁵У одамлар қўлларига ушбу совғаларни, икки марта кўпроқ кумушни ҳамда Беняминни олиб, йўлга тушдилар. Сўнг Мисрга келиб, Юсуфнинг юзи қаршисида ҳозир бўлдилар. ¹⁶Юсуф уларнинг орасида Беняминни кўриб, ўз хонадонининг уй бошқарувчисига: “Бу одамларни уйга олиб кир ва чорвадан бирор молни сўй, чунки бу одамлар тушлиқда мен билан бирга овқатланадилар”, - деди. ¹⁷У одам Юсуф айтганидек қилди. Шунда у одамларни Юсуфнинг уйига олиб кирди. ¹⁸У одамлар уларни Юсуфнинг уйига олиб кирганларидан қўрқиб: “Бу нарса – олдин қопларимизга қайтариб қўйилган кумушлар учундир. Бизга қарши баҳона топиб, бизни ҳамда эшакларимизни қулликка олиш учун бизни ичкарига олиб кирдилар”, - дедилар. ¹⁹Улар Юсуф хонадонининг уй бошқарувчисининг олдига келганча, унга уйнинг эшиги олдида сўзлай бошлаб ²⁰дедилар: “Қулоқ солинг, хўжайинимиз, биз олдин озиқ сотиб олгани келган эдик. ²¹Биз қўноққа келиб, қопларимизни очганимизда, мана, ҳар биримизнинг кумушимиз қопимизнинг оғзида эди. Бизнинг кумушимиз тўлиқ вазнида эди. Мана, биз уни ўз қўлимиз билан қайтаряпмиз. ²²Озиқ сотиб олиш учун эса биз қўлларимизда яна бошқа кумуш олиб келдик, биз қопимизга кумушни ким қўйганини билмаймиз”. ²³У эса: “Тинчланинглар, қўрқманглар. Сизнинг Худойингиз ва отангизнинг Худоси сизларга қопларингизда хазина берди. Кумушингиз менинг олдимга олиб келинди”, - деди. Сўнг уларнинг олдиларига Шимўнни олиб келди. ²⁴У киши бу одамларни Юсуфнинг уйига олиб кириб, сув берди ва улар оёқларини ювдилар. Уларнинг эшакларига эса озиқ берди. ²⁵Улар Юсуфнинг тушлиқда келишига совғаларни тайёрладилар, чунки шу ерда нон ейишларини эшитган эдилар. ²⁶Юсуф уйга келганида, улар унга қўлларида бўлган совғаларни бериб, унга ергача таъзим қилдилар. ²⁷У улардан

соғлиқларини сўраб, сўнг: “Сизлар сўзлаб берган қария отангиз соғ-саломатми? У ҳали тирикми?”- деди.²⁸Улар жавоб бериб: “Қулингиз отамиз соғ-саломат, у ҳали тирик”,- дедилар. Сўнг улар тиз чўкиб, сажда қилдилар.²⁹Юсуф кўзларини кўтариб укаси, онасининг ўғли Бениминни кўриб: “Бу сизлар менга айтиб берган энг кичик укангизми?”- деб сўради. Кейин: “Худонинг шафқати сен билан бирга бўлсин, ўғлим!”- деди.³⁰Юсуф шошилинч чиқиб кетди, чунки укаси учун кўнгли ўртаниб йиғлаш учун жой қидирди. У ички хонага кириб ўша ерда йиғлаб юборди.³¹Сўнг юзини ювиб чиқиб келди ва ўзини кўлга олиб: “Овқатни келтиринглар”,- деди.³²Унга алоҳида, уларга алоҳида ва улар билан тушлик қиладиган мисрликларга алоҳида келтирдилар, чунки мисрликлар ибронийлар билан бирга овқатланмайдилар, чунки бу мисрликлар учун жирканчлидир.³³Шундай қилиб, уларни Юсуфнинг қаршисида тўнғичи тўнғичлигига кўра, ёши ёшлигига кўра ўтқиздилар, улар эса бир-бирларига таажжуб билан қарар эдилар.³⁴Сўнг уларга овқатлар юбордилар, Бениминнинг улуши эса бошқаларникидан беш карра кўп эди. Улар ичиб, у билан хурсандчилик қилдилар.

44

¹Юсуф ўз уй бошқарувчисига буюриб деди: “Бу одамларнинг қопларини кўтариб кета олар даражада овқат билан тўлдиргин ва ҳар бирининг кумушини ўз қопининг оғзига қўй.²Менинг пиёламни эса, кумуш пиёламни энг кичигининг қопига, у сотиб олган доннинг пули билан бирга сол”. У эса Юсуф айтганидек қилди.³Эрталаб тонг отганида, бу одамларни ва уларнинг эшакларини қўйиб юбордилар.⁴Улар шаҳардан ҳали узоқ кетиб улгурмай, Юсуф ўз уй бошқарувчисига деди: “Бор, у одамларни таъқиб қил, уларни қувиб етгач уларга дегин: Нима учун яхшиликка ёмонлик қайтардингизлар?”⁵Бу менинг хўжайиним ичадиган, у башорат қиладиган пиёла эмасми? Сизлар ёмон иш қилдингизлар”.⁶У уларни қувиб етиб, уларга шу сўзларни айтди.⁷Улар унга: “Нима учун хўжайинимиз бундай сўзларни айтяпти?- дейишди,- Худо асрасин, қулларингиз бундай ишни қилмайди.⁸Мана, бизнинг қопларимиз оғзидан топилган кумушларни биз Канъан еридан сизга қайтариб олиб келдик. Қандай қилиб сизнинг эгангизнинг уйдан олтин ёки кумуш ўғирлашимиз мумкин?”⁹Қулларингиздан қайси бирида уни топсангиз, ўшанга ўлим ва биз ҳам эгамизга қуллар бўламиз”.¹⁰У эса: “Яхши,- деди,- Сизлар айтганингиздек бўлсин. Пиёла кимдан топилса, ўша менга қул бўлади, сизлар эса айбсиз бўласизлар”.¹¹Сўнг ҳар бири шошилинч равишда ўз қопини ерга туширди ва ҳар бири ўз қопини очди.¹²У тинтув қилишни тўнғичидан бошлаб, кенжасида тугатди. Мана, бу пиёла Бениминнинг қопидан топилди.¹³Шунда улар кийимларини йиртишди ва ҳар бири ўз юкини эшакка юклаб шаҳарга қайтишди.¹⁴Яхудо ва унинг акалари Юсуфнинг уйига келдилар. У ҳали уйда эди ва унинг қаршисида ерга мук тушдилар.¹⁵Юсуф уларга: “Сизлар нима қилдингиз? Наҳотки, мендек одам бунини билиб қолишини билмасангиз?”- деди.¹⁶Яхудо: “Эгамизга нима ҳам дердик? Нима айтилик? Нима билан оқланайлик? Худо қулларингизнинг ноҳақлигини топди. Мана, биз хўжайинимизнинг қулларимиз: биз ҳам, қўлидан бу пиёла топилган одам ҳам”,- деди.¹⁷Аммо Юсуф: “Худо асрасин, мен бундай қилмайман. Кимнинг қўлидан бу пиёла топилган бўлса, ўша менинг қулим бўлади, сизлар эса тинчлик билан отангизнинг олдига боринглар”,- деди.¹⁸Яхудо унга яқинлашиб деди: “Эгам, қулингиз қулоғингизга бир сўз айтишига ижозат беринг. Қулингизга газабингиз ёнмасин, зеро сиз ҳам фиръавндексиз.¹⁹Эгамиз қулларидан: Отангиз ёки ака-укаларингиз борми?- деб сўраган эди.²⁰Биз эгамизга қари отамиз ва унинг кенжа ўғли, қариликдаги фарзанди борлигини, унинг акаси ўлиби, онасидан ёлғиз ўзи қолганини ва отамиз уни севишини айтган эдик.²¹Сиз эса қулларингизга: Уни менга олиб келинглар, мен уни кўрай,- дедингиз.²²Биз эса эгамизга: Ўсмир отасини тарк эта олмайди, агар у отасини тарк этса, у ўлади,- дедик.²³Аммо сиз қулларингизга: Агар кенжа биродарингиз сизлар билан бирга келмаса, бошқа менинг кўзимга кўринманглар,- дедингиз.²⁴Биз қулларингиз отамизнинг олдига келганимизда, эгамизнинг сўзларини айтиб бердик.²⁵Бизнинг отамиз: Боринглар, яна озроқ овқат сотиб олинглар,- деди.²⁶Биз эса: Биз бора олмаймиз. Агар кенжа укамиз биз билан бирга бўлса, бора оламиз. Чунки агар кенжа укамиз биз билан бирга бўлмаса, у одамнинг кўзига кўрина олмаймиз,- дедик.²⁷Шунда сизнинг қулингиз, бизнинг отамиз бизга деди: Сизлар биласизлар, менинг хотиним менга иккита ўғил туғиб берди.²⁸Бири менинг олдидан кетди ва мен дедим: Аниқ у тилка-пора қилинган ва мен уни ҳануз кўрмадим.²⁹Агар бунини ҳам мендан олиб кетсангиз ва у билан бирор бахтсизлик рўй берса, сизлар менинг оқ сочларимни кулфат билан гўрга тиқасизлар.³⁰Энди мен сизнинг қулингиз, бизнинг отамизнинг олдига келсам ва жони жонига боғланган ўсмир биз билан бирга бўлмаса,³¹у ўсмирнинг йўқлигини кўриб ўлади. Шундай қилиб, сизнинг қулларингиз отамиз, сизнинг қулингизни оқ сочини қайғу билан гўрга тиқадилар.³²Яна мен, сизнинг қулингиз: Агар уни сизнинг олдингизга қайтариб олиб келмасам, отамнинг олдига умрбод айбдор бўлиб қоламан,- деб, отамга ўсмир учун жавобгарликни бўйнимга олганман.³³Шунинг учун мен, сизнинг қулингиз ўсмирнинг ўрнида эгамнинг қули бўлиб қолай, ўсмир эса акалари билан борсин.³⁴Чунки ўсмир мен билан бўлмаса, мен қандай қилиб отамнинг олдига бораман? Ахир мен отамнинг бошига тушадиган кулфатни кўраман”.

45

¹Шунда Юсуф унинг қаршисида турган барча одамларнинг олдига ўзини бошқа тутиб тура олмади ва қичқириб юборди: “Ҳамма менинг олдидан чиқиб кетсин”. Юсуф ўзини акаларига очганида, у ерда ҳеч ким йўқ эди.²У ўқиб йиғлади ва мисрликлар ҳамда фиръавннинг хонадони бунини эшитди.³Юсуф ўз акаларига: “Мен Юсуфман,

отам ҳали тирикмилар?”- деди. Унинг акалари унга жавоб бера олмадилар, чунки улар унинг ҳузурида саросимага тушиб қолган эдилар.⁴Юсуф акаларига яна: “Менга яқинроқ келинглар”, - деди. Улар яқинлашдилар. У эса уларга шундай деди: “Мен сизлар Мисрга сотиб юборган биродарингиз Юсуфман.⁵Энди мени сотиб юборганингиз учун ўзларингиздан ғазабланманглар ва қайғурманглар. Чунки Худо ҳаётларингизни сақлаб қолиш учун мени сизлардан олдин юборди.⁶Чунки ҳозир икки йилдан буён ерда очарчилик, яна беш йил ерга ишлов бериб бўлмайди ва ҳосил йиғиб бўлмайди.⁷Худо эса сизларнинг авлодларингизни ерда қолдириш ва сизларнинг жонларингизни буюк нажот билан сақлаб қолиш учун мени сизлардан олдин юборди.⁸Шундай қилиб, мени бу ерга сизлар эмас, балки Худо юборди. У мени фиръавнга ота, унинг бутун хонадонига эга ва бутун Миср ери узра ҳукмрон қилиб қўйди.⁹Шошилинглар, менинг отамнинг олдига бориб унга денглар: “Ўғлингиз Юсуф шундай дейди: Худо мени бутун Миср ери узра ҳукмрон қилиб қўйди. Менинг олдимга келинг, кечиктирманг”.¹⁰Сизлар Гошен ерида яшайсизлар. Сизлар ўз фарзандларингиз билан, фарзандларингизнинг фарзандлари билан, кичик ва катта қорамолларингиз билан, хуллас, сизлар эга бўлган ҳамма нарсаси билан менга яқин бўласизлар.¹¹Ҳали яна беш йил очарчилик бўлади. Шунинг учун сизлар ҳамда сизларнинг хонадонингиз қашшоқлашмаслиги учун мен сизларни ўша ерда боқаман.¹²Мана, сизларнинг кўзларингиз ва укам Беняминнинг кўзлари сизларга гапираётган менинг оғзим эканини кўряпти.¹³Отамга менинг Мисрдаги бор шухратимни ва сизлар кўрган ҳамма нарсани сўзлаб бериб, отамни тезроқ бу ерга олиб келинглар”.¹⁴У укаси Беняминнинг бўйнига ташланиб йиғлади, Бенямин ҳам унинг бўйнига осилиб йиғлади.¹⁵Сўнг барча акаларини ўпиб, уларни қучоқлаганча йиғлади. Шундан кейин акалари у билан сўзлаша бошладилар.¹⁶“Юсуфнинг ака-укалари келибди”, - деган гап-сўз фиръавннинг хонадонига етиб борди. Бу фиръавнга ва унинг қулларига ёқди.¹⁷Фиръавн Юсуфга деди: “Акаларингизга айт: Мана, бундай қилинглар: ҳайвонларингизни юклаб йўлга тушинглар ва Канъан ерига етиб боринглар,¹⁸отангизни ва уй аъзоларингизни олиб, менинг олдимга келинглар. Мен сизларга Миср ерининг энг яхшисини бераман ва сизлар мойли ердан озиқланасизлар.”¹⁹Сенга эса шундай дейишни буюраман: Бундай қилинглар – болаларингиз учун ва хотинларингиз учун Миср еридан от-аравалар олинглари ва отангизни олиб келинглари.²⁰Шунингдек, мулкларингизга ачинманглари, чунки бутун Миср ерининг энг яхшисини сизларга бераман”.²¹Исроил фарзандлари шундай қилдилар. Юсуф фиръавннинг буйруғига биноан уларга от-аравалар ва йўл учун озуқа берди.²²Уларнинг ҳар бирига бир жуфтдан кийим-бош берди, аммо Беняминга уч юз танга кумуш ва беш жуфт кийим-бош берди.²³Худди шундай отасига ҳам Мисрнинг энг аъло мол-мулки юкланган ўн та эшак ҳамда дон, нон ва отасига сафарга чиқиши учун озуқа юкланган ўн та ургочи эшакни юборди.²⁴Шундай қилиб, у акаларини қўйиб юборди ва улар жўнаб кетдилар. У уларга: “Йўлда жанжаллашманглари”, - деди.²⁵Улар Мисрдан кетиб, Канъан ерига, оталари Ёқубнинг олдига келдилар.²⁶Унга шуни хабар қилиб: “Юсуф тирик ва у бутун Миср ери узра ҳукмрон экан!”- дедилар. Аммо Ёқубнинг юраги шув этиб кетди, чунки у уларга ишонмади.²⁷Улар Юсуфнинг уларга айтган барча сўзларини унга айтиб берганларида, Юсуф уни олиб келиш учун юборган от-араваларни кўрганида, уларнинг отаси Ёқубнинг руҳи жонланди.²⁸Сўнг Исроил: “Етар, бас, менинг ўғлим Юсуф тирик. Мен ўлишимдан олдин бориб, уни кўраман”, - деди.

46

¹Исроил бор мол-мулки билан сафарга чиқиб, Беир-Шебага келди ва отаси Исҳоқнинг Худосига қурбонлик келтирди.²Худо Исроилга тунги ваҳийда намоён бўлиб: “Ёқуб, Ёқуб”, - деди. У эса: “Мана, мен”, - деди.³Худо деди: “Мен – Худоман, сенинг отангнинг Худосиман. Мисрга боришдан қўрқма. Чунки мен у ерда сендан буюк халқ келтириб чиқараман.⁴Мен сен билан бирга Мисрга бораман ва албатта сени қайта олиб чиқаман. Юсуф ўз қўллари билан сенинг кўзингни юмади”.⁵Сўнг Ёқуб Беир-Шебадан кетди. Исроилнинг ўғиллари эса фиръавн уларни олиб келиш учун юборган от-араваларда ўзларининг отаси Ёқубни, ўз фарзандларини, хотинларини олиб боришди.⁶Ёқуб ва у билан бирга унинг бор уруғи Канъан ерида орттирган мол-мулкларини ва қорамолларини олиб, Миср ерига келдилар.⁷Унинг ўғиллари ва ўғилларининг ўғиллари, унинг қизлари ва ўғилларининг қизлари ҳамда ўзининг бор уруғини у ўзи билан Миср ерига олиб келди.⁸Мана булар Миср ерига келган Исроил фарзандларининг, Ёқуб ва унинг ўғилларининг исмлари: Ёқубнинг тўнғичи Рубен.⁹Рубеннинг ўғиллари Энўх, Паллув, Ҳезрон ва Карми эди.¹⁰Шимўннинг ўғиллари Йемуил, Йамин, Охад, Йахин, Зўхар ва канъанлик аёлининг ўғли Шоул эди.¹¹Левининг ўғиллари Гершон, Қэхат ва Мерари эди.¹²Яхудонинг ўғиллари Эир, Онан, Шелах, Перез ва Зерах эди. Аммо Эир ва Онан Канъан ерида ўлдилар. Перезнинг ўғиллари Ҳезрон ва Хамул эди.¹³Иссохорнинг ўғиллари Тўло, Пуввах, Йўв ва Шимрон эди.¹⁴Забулуннинг ўғиллари Серед, Элон, Йахлеил эди.¹⁵Булар Леахнинг Ёқубга Паддон-Орамда туғиб берган ўғилларининг исмлари, Унинг қизининг исми эса Динах эди. Унинг ўғиллари ва қизлари ҳаммаси бўлиб ўттиз уч жон эди.¹⁶Гаднинг ўғиллари Зифиён, Хагги, Шуни, Эзбон, Эри, Ароди ва Арели эди.¹⁷Ашернинг ўғиллари Йимнах, Йишвах, Йишвий ва Берийах эди. Уларнинг синглиси Сарах эди. Берийахнинг ўғиллари Хебер ва Малхиэл эди.¹⁸Мана булар Лабан қизи Леахга берган Зилпахнинг ўғилларидир. У Ёқубга ўн олти жонни туғиб берди.¹⁹Ёқубнинг хотини Роҳиланинг ўғиллари Юсуф ва Бенямин эди.²⁰Юсуфга Миср ерида Манашеҳ ва Эфрайим туғилди. Уларни унга Гелиопол коҳини Пўтиферахнинг қизи Осенат туғиб берди.²¹Беняминнинг ўғиллари Бела, Бехер, Ашбел, Гера, Нааман, Эхи, Рош, Мушпим, Хуппим ва Ард эди.²²Булар Ёқубга туғилган Роҳиланинг ўғиллари, ҳаммаси бўлиб ўн тўрт жон.²³Даннинг ўғли эса Хушим.²⁴Нафталининг ўғиллари Йахзиэл, Гуни, Йезер ва Шаллум эди.²⁵Булар Лабан қизи

Роҳилага берган Билхаҳнинг ўғилларидир. У Ёқубга ҳаммаси бўлиб етти жонни туғиб берди.²⁶ Ёқуб билан бирга Мисрда келган, унинг пушти камаридан бунёд бўлган барча жон (Ёқубнинг ўғилларининг хотинларидан ташқари) бори олтмиш олти жон эди.²⁷ Юсуфга Мисрда туғилган ўғиллари – икки жон эди. Мисрда кўчиб келган Ёқуб хонадонининг барчаси етмиш жон эди.²⁸ Ёқуб ўзидан олдин Яҳудони, у Гошенга йўлни кўрсатиши учун Юсуфнинг олдига юборди, шундай қилиб, улар Гошен ерига келдилар.²⁹ Юсуф ўзининг от-аравасини эгарлаб, отаси Исроилни кутиб олиш учун Гошенга кетди ва уни кўрганида, бўйнига осилди ҳамда узоқ вақт унинг бўйнига осилиб йиғлади.³⁰ Сўнг Исроил Юсуфга: “Энди мен сенинг юзингни кўргач, ўлсам ҳам майли, чунки сен тирик экансан”, - деди.³¹ Юсуф эса ўз акаларига ва ўз отасининг хонадонига деди: “Мен бориб, фиръавнга хабар бериб айтаман: Канъан ерида бўлган менинг акаларим ва отамнинг хонадони менинг олдимга келди.³² Бу одамлар – чўпонлардир, чунки улар мол боқиш билан шуғулланадилар. Улар ўзларининг кичик ва катта қорамолларини ва ўзларининг бор мол-мулкларини олиб келдилар.³³ Агар фиръавн сизларни чақириб: Хунарларинг нима? - деб сўраса,³⁴ сизларни Гошен ерида жойлаштиришлари учун, сизлар шундай денглар: Сизнинг қулларингиз болалигимиздан бошлаб то ҳозиргача, биз ҳам, оталаримиз ҳам чўпон бўлганмиз. Мисрликлар учун эса ҳар қандай қўй боқувчи жирканчлидир”.

47

¹Сўнгра Юсуф келиб, фиръавнга сўзлаб: “Менинг отам ва ака-укаларим, ўзларининг кичик ва катта қорамоллари ҳамда бор мол-мулклари билан Канъан еридан келдилар. Мана, улар Гошен еридалар”, - деди.² У акаларидан беш нафарини олиб, фиръавннинг ҳузурига олиб чиқди.³ Фиръавн унинг акаларига: “Сизларнинг хунарингиз нима?” - деди. Улар эса фиръавнга: “Сизнинг қулларингиз: биз ҳам, оталаримиз ҳам чўпонмиз”, - дедилар.⁴ Улар фиръавнга яна: “Биз бу ерга вақтинча яшаш учун келдик, зеро қулларингизнинг подалари учун яйловлар йўқ, чунки Канъан ерида қаттиқ очарчилик. Шунинг учун қулларингизга Гошен ерида яшашларига рухсат бер”, - дедилар.⁵ Фиръавн Юсуфга сўзлаб деди: “Сенинг отанг ва ака-укаларинг сенинг олдинга келибдилар.⁶ Миср ери сенинг қаршингдир. Ўз отанг ва ака-укаларинг энг аъло ерда жойлаштира. Улар Гошен ерида яшасинлар. Агар уларнинг орасидан қобилиятли одамларни топсанг, менинг чорвам устидан назоратчи қилиб қўйгин”.⁷ Юсуф отаси Ёқубни келтириб, фиръавннинг олдига қўйди ва Ёқуб фиръавнни дуо қилди.⁸ Фиръавн Ёқубга: “Неча ёшдасиз?” - деди.⁹ Ёқуб фиръавнга жавоб бериб деди: “Менинг дарбадарлик кунларимнинг сони бир юз ўттиз йил. Менинг ҳаёт кунларим оз ва бахтсиз, ҳамда менинг оталаримнинг ҳаётлари дарбадарлиги кунларига етмади”.¹⁰ Ёқуб фиръавнни дуо қилиб, фиръавннинг ҳузуридан чиқди.¹¹ Юсуф ўз отаси ва ўз акаларини Гошен ерига жойлаштириб, фиръавн буюрганидек Рамсес ерида, Миср заминининг энг зўр ерида уларга эғалик мулкни берди.¹² Юсуф отасини, ака-укаларини ва уларнинг хонадонини ҳар оиланинг эҳтиёжига кўра таъминлар эди.¹³ Бутун ер юзида нон йўқ эди, чунки очарчилик жуда қаттиқ бўлиб, Миср ери ва Канъан ери очарчиликдан қуриди.¹⁴ Юсуф Миср ерида ва Канъан ерида дон ҳисобига одамлар берган бор кумушни йиғиб олди. Буларни Юсуф фиръавн хонадонига олиб кирди.¹⁵ Миср ва Канъан ерида кумуш тугагач, бор мисрликлар Юсуфнинг олдига келиб: “Бизга нон беринг. Ахир, нима учун кумушимиз тугагани учун сизнинг ҳузурингизда ўлишимиз керак?” - дедилар.¹⁶ Юсуф эса: “Қорамолларингни олиб келинглار. Агар кумушларинг тугаган бўлса, мен сизларга қорамолларинг учун бераман”, - деди.¹⁷ Улар Юсуфга қорамолларини олиб келдилар. Юсуф уларга отлар, кичик қорамол подаси, катта қорамол подаси ва эшаклар ўрнига нон берди. Ўша йили уларни барча қорамоллари ҳисобига нон билан боқди.¹⁸ Бу йил тугагач, улар Юсуфнинг олдига келиб унга дедилар: “Биз эгамиздан кумушимиз тугаганини яширмаймиз, қорамол подаларимиз ҳам эгамизда. Эгамиз қаршисида танамиз ва ерларимиздан ташқари ҳеч нарсамиз қолмади.¹⁹ Сизнинг кўз ўнгингизда бизнинг ва ерларимизнинг ҳалок бўлиши нима керак? Бизни ҳам, ерларимизни ҳам нонга сотиб олинг ва биз ўз ерларимиз билан фиръавнга қул бўламиз, сиз эса биз ўлмасдан тирик қолишимиз ва ер хароб бўлмаслиги учун бизга уруғ беринг”.²⁰ Юсуф бутун Миср ерини фиръавн учун сотиб олди, чунки мисрликларнинг ҳар бири ўз даласини сотди, зеро очарчилик улардан устун келган эди. Шундай қилиб, бор ер фиръавнники бўлди.²¹ Халқни эса Миср худудидан бошқа шаҳарларга кўчирди.²² У фақат қоҳинларнинг ерларини сотиб олмади. Чунки қоҳинлар фиръавндан улушга эга эдилар ва фиръавн уларга берган улушдан озиқланиш эдилар. Шунинг учун улар ерларини сотмадилар.²³ Сўнгра Юсуф халққа деди: “Мана, энди мен сизларни ва сизларнинг ерларингизни фиръавн учун сотиб олдим. Мана сизларга уруғ, ерга уруғ экинглари”.²⁴ Ўйғим-терим бўлганида, ҳосилнинг бешинчи қисмини фиръавнга беринглари, тўрт қисми эса уруғлик қилиш учун, сизларга, хонадонингиздагиларга ҳамда болаларингизга озуқа бўлиши учун ўзларингизга қолсин”.²⁵ Улар эса унга: “Сиз бизнинг ҳаётимизни сақлаб қолдингиз. Эгамизнинг нигоҳида илтифот топайлик ва фиръавннинг қуллари бўлайлик”, - дедилар.²⁶ Юсуф бешинчи қисмини фиръавнга беришни Миср ерида ҳатто ҳозирги кунларгача қонун қилиб қўйди. Фақат қоҳинларнинг фиръавнга тегишли бўлмаган ерлари бундан мустаснодир.²⁷ Исроил эса Миср заминидоги Гошен ерида яшади. Улар унга эғалик қилиб, униб-ўсдилар ва жуда кўпайдилар.²⁸ Ёқуб Миср ерида ўн етти йил яшади. Шундай қилиб, Ёқубнинг кўрган умри юз қирқ етти йил эди.²⁹ Исроилнинг ўлиш куни яқинлашди ва у ўғли Юсуфни чақирди, деди: “Агар мен сенинг нигоҳингизда илтифот топган бўлсам, қўлингизни сонимни остига қўйиб, менга шафқат ва ҳақиқат бўйича муносабатда бўлишга қасам ич: мени Мисрда дафн этмагин,³⁰ токи мен оталарим билан бирга ётай. Мени Мисрдан олиб чиқиб, уларнинг

қабристонларига дафн этгин”. Юсуф: “Айтганингиздек қиламан”,- деди. ³¹У эса: “Қасам ич”,- деди. Юсуф қасам ичди. Исроил тўшагининг бош томонида таъзим қилди.

48

¹Шу воқеалардан сўнг Юсуфга: “Мана, отангиз хаста”,- дедилар. Шунда у иккита ўғли Манашеҳ ва Эфраимни ўзи билан бирга олиб, Ёқубнинг олдига борди. ²Ёқубга ҳам хабар бериб: “Мана, ўглингиз Юсуф сизнинг олдингизга келмоқда”,- дедилар. Исроил бор кучини тўплаб тўшакка ўтирди. ³Ёқуб Юсуфга деди: “Қодир Худо менга Канъан ери Лузда намоён бўлиб, мени дуо қилиб, ⁴менга деди: Мана, Мен сени серпушт қиламан ва кўпайтираман. Сендан кўплаб халқларни келтириб чиқариб, бу ерни сендан кейин келадиган уруғингга мангу мулк қилиб бераман. ⁵Энди эса мен Мисрга сенинг олдинга келишимга қадар Миср ерида туғилган сенинг икки ўглинг: Эфраим ва Манашеҳ меникидирлар. Улар Рубен ва Шимўндек меники бўладилар. ⁶Сенинг булардан кейин туғиладиган болаларинг сеники бўладилар. Улар ўз улушларида акаларининг исми билан аталадилар. ⁷Мен Паддон-Орамдан келаётганимда, Эфратаҳга етишга бир оз масофа қолганида, йўлимизда Канъан ерида Роҳила қазо қилди. Мен эса уни ўша ерда Эфратаҳ йўлида, ҳозирги Бейт-Леҳемда кўмдим”. ⁸Исроил Юсуфнинг ўғилларини кўриб: “Ким булар?”- деди. ⁹Юсуф ўз отасига: “Булар Худо менга шу ерда берган ўғиллар”,- деди. Ёқуб: “Уларни менинг олдимга олиб кел, мен уларни дуо қиламан”,- деди. ¹⁰Исроилнинг кўзлари қариликдан хиралашган бўлиб, у яхши кўра олмас эди. Юсуф уларни унга яқин олиб борди, у уларни ўпиб кучоқлади. ¹¹Сўнг Исроил Юсуфга: “Мен сенинг юзингни яна кўришга умид қилмаган эдим. Аммо, мана Худо сенинг болаларингни ҳам кўрсатди”,- деди. ¹²Юсуф уларни унинг тиззаларининг орасидан олиб чиқиб, юзи билан ергача эгилиб таъзим қилди. ¹³Юсуф уларнинг иккаловини ҳам: Эфраимни ўнг қўли томонига, яъни Исроилнинг чап қўли қаршисида, Манашеҳни эса чап қўл томонига, яъни Исроилнинг ўнг қўли қаршисига қўйиб, унга яқинлаштирди. ¹⁴Аммо Исроил ўнг қўлини чўзиб кичик ўғил Эфраимнинг бошига қўйди, чап қўлини эса Манашеҳнинг бошига қўйди. Манашеҳ тўнғич бўлса ҳам, у қўлини атайлаб шундай қўйди. ¹⁵У Юсуфни дуо қилиб, деди: “Ё, Худо! Оталарим Иброҳим ва Исҳоқ Сенинг қаршингда юрган эди. Ё, Худо, бутун умрим давомида мени шу кунгача боққансан. ¹⁶Мени ҳар қандай зулмдан қутқарган фаришта шу ўсмирларга барака берсин. Улар менинг исмим ва оталарим Иброҳимнинг ҳамда Исҳоқнинг исмлари билан аталсинлар ва булар ер марказида ўсиб, роса кўпайсинлар”. ¹⁷Юсуф отасининг ўнг қўлини Эфраимнинг бошига қўйганини кўрганида, бу унга ёқмади. У отасининг қўлини Эфраимнинг бошидан Манашеҳнинг бошига олиб қўйиш учун ушлаб, ¹⁸ўз отасига: “Бундай эмас, отам, чунки мана, бу тўнғичи. Ўнг қўлингизни унинг бошига қўйинг”,- деди. ¹⁹Аммо отаси инкор этиб, деди: “Мен буни биламан, ўғлим, мен буни биламан. Ундан ҳам халқ келиб чиқади ва у буюк бўлади. Аммо кичик биродари ундан буюқроқ бўлади ва унинг уруғидан кўпсонли халқ келиб чиқади”. ²⁰Шундай қилиб, у уларни дуо қилиб: “Худо сенга Эфраимга ва Манашеҳга қилганидек қилсин,- деб Исроил дуо қилади”,- деди. Шу тариқа, Ёқуб Эфраимни Манашеҳдан баланд қўйди. ²¹Сўнг Исроил Юсуфга деди: “Мана, мен ўляпман. Аммо Худо сен билан бирга бўлади ва сени яна оталарингнинг ерига қайтариб олиб боради. ²²Мен қиличим ва камоним билан амўрликларнинг қўлидан олган ерни сенга акаларинг улушидан ортиқ улуш қилиб бераман”.

49

¹Ёқуб ўғилларини чақириб деди: “Тўпланинглар, мен сизларга келажак кунларда сизларга нима бўлишини айтаман. ²Эй, Ёқубнинг ўғиллари, тўпланинглар ва кулоқ солинглар, отангиз Исроилга кулоқ солинглар. ³Рубен – менинг тўнғичим, менинг қудратим ва кучимнинг бошланғичи, ҳурмат-иззатимнинг чўққиси ҳамда куч-қудратимнинг чўққиси. ⁴Сен сувдек жўш урдинг, устунлик қилмайсан, чунки сен отангнинг тўшагига кирдинг. Сен менинг тўшагимга кириб, уни булғадинг. ⁵Шимўн ва Леви – биродарлар. Уларнинг қиличлари – ёвузлик қуролларидир. ⁶Менинг жоним уларнинг маслаҳатига яқинлашмасин, менинг шуҳратим уларнинг йиғинига қўшилмасин, чунки улар ўз ғазабларида одам ўлдирдилар ва кўнгил истаклари бўйича бузоқнинг томирини кесдилар. ⁷Уларнинг ғазаблари лаънатлангандир, чунки у вахшийдир. Уларнинг қахри лаънатлангандир, чунки у бешафқатдир. Мен уларни Ёқубда бўлиб ташлайман ва уларни Исроилда тарқатиб юбораман. ⁸Яҳудо, сени ака-укаларинг шарафлайдилар. Сенинг қўлинг душманларингнинг бўйнида бўлади. Сенинг отангнинг ўғиллари сенга тиз чўкадилар. ⁹Яҳудо – ёш шердир, менинг ўғлим ўлжадан кўтарилмоқда. У эгилди ва шердек ҳамда урғочи шердек ётди. Уни турғизишга кимнинг ҳадди сиғади? ¹⁰Яраштирувчи келмагунича, Яҳудодан салтанат ҳассаси ва унинг пушти камаридан қонун берувчи кетмайди, Яраштирувчига эса халқлар итоат қиладилар. ¹¹У ўзининг эшакчасини узум бутогига ва урғочи эшагининг боласини энг яхши узум бутогига боғлайди, у кийимини шаробда ҳамда кийимларини узум қонига ювади. ¹²Унинг кўзлари шаробдан қизил, унинг тишлари эса сутдан оқдир. ¹³Забулун денгиз соҳилида ва кемалар бандаргоҳида яшайди, унинг чегараси Сидўнгачадир. ¹⁴Иссохор – қўраларнинг орасида ётган бақувват эшак, ¹⁵у ором яхши эканини ҳамда ернинг ёқимлилигини кўрди. У юк ташиш учун елкасини эгди ва тўлов тўлаш учун ишлай бошлади. ¹⁶Дан Исроилнинг қабиаларидан бири сифатида ўз халқини ҳукм қилади. ¹⁷Дан йўлда илон бўлади, йўлакда ўқ-илон бўлади, у отнинг оёғини шундай чақадики, унинг отлиғи орқага йиқилади. ¹⁸Ё, Раббий, Сенинг нажотингга умид қиламан! ¹⁹Гад – оломон уни сиқади ва у изма-из қувиб сиқиб чиқаради. ²⁰Ашернинг нони ширмой нон бўлади, у шоҳона таомлар келтиради. ²¹Нафтали – бўш қўйилган урғочи кийикдир, у чиройли гаплар гапиради. ²²Юсуф – серҳосил бутоқ,

булоқ бўйидаги серҳосил бутоқдир, унинг новдалари девор устига кўтарилади. ²³Мерганлар уни жуда хафа қилишди, унга отишди ва ундан нафратланишди. ²⁴Аммо унинг камони мустаҳкам қолди ва унинг қўлларининг мушаклари Ёқубнинг қудратли Худосининг қўллари билан мустаҳкамланди. Исроилнинг Чўпони ва мустаҳкам тоши шу ердандир – ²⁵сенга ёрдам берадиган отангнинг Худосидан ва Қодир Худодандир. У сени юқоридаги осмон баракалари билан, пастда ётган тубсизликларнинг баракалари билан, кўкрак ва қорин баракалари билан, ²⁶қадимий тоғларнинг баракаларидан, абадий қояларнинг чўққиси баракаларидан ҳам ортиқ бўлган отангнинг баракалари билан дуо қилсин. Улар Юсуфнинг бошида бўлсинлар ва ака-укалари орасида танланганнинг бошининг тепасида бўлсин. ²⁷Бенямин бўридек ов қилади. У эрталаб ўлжасини ейди, тунда эса ўлжасини бўлишади. ²⁸Буларнинг ҳаммаси Исроилнинг ўн иккита қабиласидир. Мана, шулар – отасининг уларга айтган гаплари ва у уларни дуо қилиб, уларнинг ҳар бирига, ўзига тегишли дуони берди. ²⁹Сўнг уларга васият қилиб деди: “Мен халқимга қўшиляпман. Мени оталарим билан бирга хетлик Эфроннинг даласидаги ғорда дафн этинглар. ³⁰Канъан ерида, Мамре ёнидаги, Макпелах даласида бўлган, Иброҳим қабристон қилиш учун хетлик Эфрондан мулк қилиб олган ғорда дафн этинглар. ³¹Иброҳимни ва унинг хотини Сорани ўша ерда дафн этишган. Исҳоқ ва унинг хотини Ривқони ҳам ўша ерда дафн этишган. Мен ҳам Леахни ўша ерда дафн этганман. ³²Бу ер ҳамда ундаги ғор Хет ўғилларидан сотиб олинган”. ³³Ёқуб ўғилларига васиятини айтиб бўлгач, оёғини тўшақда узатиб, жон берди ва ўз халқига қўшилди.

50

¹Юсуф отасининг юзига эгилди ва унинг устида йиғлаб, уни ўпар эди. ²Сўнг Юсуф ўзининг шифокор қўлларига отасининг танасини мўмиёлашни буюрди ва шифокорлар Исроилни мўмиёладилар. ³Унга қирқ кун тўлди, чунки мўмиёлаш учун шунча кун талаб қилинар эди ва мисрликлар у учун қирқ кун мотам тутдилар. ⁴У учун мотам қилиш кунлари ўтгач, Юсуф фиръавннинг хонадонига деди: “Агар мен нигоҳингизда илтифот топган бўлсам, фиръавнга шундай денг: ⁵Отам менга: Мана, мен ўляпман, мен ўзим учун Канъан ерида қовлаган жойда мени дафн қилинлар,- деб қасам ичирди. Шунинг учун, энди, мени бориб отамни дафн қилишимга рухсат беринг ва сўнг мен яна қайтиб келаман”. ⁶Фиръавн эса: “Бор, отангни у сени қасам ичирганидек дафн қил”,- деди. ⁷Юсуф отасини дафн қилгани кетди ва фиръавннинг барча қўллари, унинг уйининг бошқарувчилари ва бор Миср ерининг барча бошқарувчилари, ⁸Юсуфнинг бор хонадони, унинг ака-укалари ва унинг отасининг уйи у билан бирга кетди. Исроилликлар фақатгина болаларини, кичик ва катта қорамолларини Гошен ерида қолдирдилар. ⁹У билан бирга от аравалар ҳамда отлиқлар ҳам кетдилар, шунинг учун бу жуда улкан карвон бўлди. ¹⁰Улар Йордан ёнидаги Отад текислигига келдилар. У ерда буюк ва қаттиқ йиғи билан мотам тутдилар. Юсуф отаси учун етти кун мотам тутди. ¹¹Канъан ерининг аҳолиси Отад текислигидаги мотамни кўрганларида: “Бу мисрликларда қаттиқ аза”,- дедилар. Шунинг учун Йордан ёнидаги бу жой Обел-Мисрайим (“Мисрликларнинг йиғиси”), деб аталди. ¹²Ёқубнинг ўғиллари унинг васиятини бажардилар. ¹³Улар уни Канъан ерига олиб бориб, уни Иброҳим хетлик Эфрондан қабристон учун шахсий мулк қилиб сотиб олган Мамре олдидаги Макпелах даласидаги ғорда дафн этдилар. ¹⁴Сўнг Юсуфнинг ўзи, унинг ака-укалари ҳамда унинг отасини дафн этиш учун борган барча одамлар унинг отасини дафн этганидан сўнг Мисрга қайтдилар. ¹⁵Юсуфнинг акалари отаси ўлганини кўргач: “Балки Юсуф биздан нафратланиб, биз унга қилган барча зулмнинг ўчини олмоқчи бўлар?”- дедилар. ¹⁶Шунда улар Юсуфга элчи юбориб айттирдилар: “Сенинг отанг ўлимидан олдин қуйидагиларни айтиб васият қилди: ¹⁷Юсуфга айтинлар: Акаларингнинг айбини ва уларнинг гуноҳларини кечиргин, зеро улар сенга зулм қилдилар. Энди отанг Худосининг қўлларининг айбини кечир”. Улар Юсуфга шундай деганларида, у йиғлади. ¹⁸Унинг акалари ҳам келиб, унинг юзи қаршисида тиз чўкдилар: “Мана, биз сенинг қўлларингиз”. ¹⁹Юсуф уларга деди: “Худо ҳақи кўрқманглар. ²⁰Сизлар менга қарши зулм қилишни ўйладингизлар, аммо Худо ҳозирги ишларни амалга ошириш учун – кўплаб одамларнинг жонини сақлаб қолиш учун бунга яхшиликка ўтирди. ²¹Шунинг учун кўрқманглар. Мен сизларни ҳам, фарзандларингизни ҳам боқаман”. У уларни юпатиб, юмшоқ сўзлади. ²²Шундай қилиб, Юсуфнинг ўзи ва унинг отасининг хонадони Мисрда яшадилар. Юсуф бир юз ўн йил умр кўрди. ²³Юсуф Эфраимнинг болаларини учинчи авлодигача кўрди. Манашеҳнинг ўғли Махирнинг ўғиллари ҳам Юсуфнинг тиззаларида туғилди. ²⁴Юсуф ўз биродарларига: “Мен ўляпман,- деди,- Худо сизларга албатта ташриф буюради ва сизларни бу ердан Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубга ваъда берган ерга олиб чиқади”. ²⁵Юсуф Исроил фарзандларига: “Худо сизларга албатта ташриф буюради ва сизлар менинг суякларимни бу ердан олиб чиқинлар”,- деб уларга қасам ичирди. ²⁶Шундай қилиб, Юсуф бир юз ўн ёшида оламдан ўтди. Улар уни мўмиёлашди ва Мисрда тобут ичига қўйишди.